

ОЛТИН КҮПРИК

Ёш ижодкорлар түплами

Тошкент
«Noshir» нашриёти
2010

УДК 821
ББК 84(5Ў)6+83.3(5Ў)

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тавсия этилди

Тақризчи
Абдугафур Расулов, ф. ф. д., проф.

Тузувчи
Матьсум Аҳмедова

Нашрга тайёрловчилар
Фаррух Жабборов, Жасур Кенгбоев,
Иномжон Абдиев

Масъул мұхаррир
Сабоҳат Сафоева, ф. ф. н.

Рассом
Жасур Маҳмудов

Кўлингиздаги китоб ёш ижодкорларнинг ижод намуналаридан жамланди. Тўпламдан жой олган шеър, ҳикоя ва жаҳон адабиётидан ўзбек тилига ўтирилган асарлар сиз адабиёт мухлисларини бе-фарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

ISBN 978-9943-353-41-1

© «Noshir» нашриёти, 2010

ЭЗГУЛИК КУРТАКЛАРИ

Ижод сири — ёшликтин сақлаб қолишида.

Буюклик сири — болаликтин сақлаб қолишида.

Болалик интуицияси, сезги-хиссияти алдамайды, ижодкорга умри давомида оламни объектив идрок этиши учун замин бўлади, маёқ бўлади.

Ёзувчи Тогай Мурод кундалик дафтарида шундай битиклар учрайди. Кўлингиздаги тўплам ёшликтининг ана шундай бегубор, самимий қалб туйғуларидан жам бўлди. Қалб туйғулари назм бўлиб, наср бўлиб қоғозга тўкилди.

Ушбу китоб Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тогай Мурод ижодий мактабига, катта адабиётга бўлган эътиқод, меҳримуҳаббатнинг илк изҳори бўлди.

Ушбу китоб ёш ижодкорлар — Тогай Мурод болаларининг ўз устозлари порлоқ хотирасига бағишлиови бўлди.

Хусусан, иккови уйғунликда камолот сари дадил қадам ташлаётган авлод ижодкорлари минбари бўлди.

Албатта, тўпламни юксак баҳолашдан йироқмиз. Ахир, чиндан ҳам, тетапоя қилиб бораётган гўдакдан учқур одам одимини талаб қилиб бўлмайди. Лекин ана шу тетапоя қадамлар кишига завқ бахш этади, умид бахш этади. Катта адабиётимизга хос кўхна, айни пайтда янги туйғулар янгича нафас, янгича сурур билан асар бўлиб, ўзини намоён этаётгани кишини севинтирумай қолмайди.

Сиз, нозик дидли адабиёт муҳлиси, тўпламдан жой олган назм гулшани оралаб, ёш шоирларимиз саралаган гулдастадан мутаассир бўласиз.

Наср бобида ёш ёзувчиларимиз танлаган мавзулар, инсон характеристи чизгилари, манзараларидан бино бўлган ҳикоялар сизни бефарқ қолдирмайди.


Сиз ёш таржимонларимизнинг жаҳон адабиёти намуналаридан ўзбек тилига ўтирган ҳикоялари орқали бадиий таржима мактаби янгича оҳанглар билан жонланаётганинг гувоҳи бўласиз. Чини билан нафис адабиётга муҳаббат қўйган муҳлис аслиятдан қилинган таржималардан қувона олади.

Яна, истеъдодли ёш рассомимизнинг она юртга, табиатга бўлган меҳри билан яралган дилбар манзаралардан баҳраманд бўласиз.


Умид қиласизки, тўплам иштирокчилари ҳали катта ижодкорлар бўлиб, ўзларини тўла намоён этадилар, том маънода бадиий мукаммал асарлар яратадилар. Ижодкор таржимонларимиз ҳам келажакда адабиётимизни жаҳон адабиёти дурдоналари билан, ва аксинча, жаҳон адабиётини ўзбек адабиётининг ажойиб асарлари билан бойитадилар.

Улар адабиёт хизмат қилмиш эзгулик куртаклариdir.

Тузувчидан.



НАЗМ



Шеърлар

Асл шеърият эшитиш дунё.иизни ҳасос түйгүлар билан бодитади, нағис ҳис-хабарлар билан түйгүларди. Рұзгаты.иизни гүзәл ҳаи әзгү түйгүлар билан сугоради. Бөр.теги.иизни шагнавий өз маданий барка-мөлә этади.

Төхәй Мурод



МУНИРА МУХИДДИН

ВАТАН

Оҳ, сен қаърларига фарқ қилган түфён,
Ўзингни тўфон ё ирмоқ санама.
Қаттол қуонларни кўриб бўлганман,
Жаҳолат нелигин асти сўрама.
Жаҳолат не эрур, жаҳолат недир,
Файирлар қаҳрига қорилган чора.
Қонли суронларда ҳилвираб тўзган
Туроннинг қирқ ямоқ эгнига қара.

Оҳ, сен қаърларига фарқ қилган түфён,
Сенмасму сарбадор бевасин оҳи?!
Темур Малик мисол Аму ёқалаб,
Аҳли ушшоқларнинг поёнсиз роҳи?!
Сенмасму Фурқату Бобурга ҳижрон?
Кимга она эрсан ё Каъбатуллоҳ,
Ватан — юрагимда адл қоямсан!
Мен-чи — остоңандга музaffer сипоҳ!

* * *

Ўнгимда дераза, дарпарда осиқ,
Самовий кенглиқда кезинади кўз.
Теграмда муazzин минорлар тўсиқ,
Бир таскин демоққа топилмайди сўз.
Чисирлаб узилар қисмат дорлари,
Илкимга чанг солар нолакор ситам,
Сўнг исён қальяси — юракни ковлаб,
Руҳим вужудига қуяр қулт-култ ғам.
Кўрмаса, бу кунни кўрмаса,
Нигоҳим ёмғирдай сочилар,
Ломакон вужуднинг кетма-кет,
Қопқаси тоқлари очилар.
Сўнг васл имлайди беникоҳ,
Тул руҳнинг қошига ул ғамни,
Руҳ бедор, ғам бедор бу оқшом
Бир гўдак уйғотар оламни.



АБАДИЯТ

Tofay Myrodga

Сукунат нафаси
кезинар
Қумсоат
милидай
қафасда.
Қушмаски,
қаноти илмайди,
қалдирғоч парвози -
ҳавас-да.
Аслида, ўткинчи
умрнинг
елvizак туюлган
лаҳзаси —
юракнинг
түғёнли тоқида
очилган
мангулик
дарчаси.
Хазонрез
ҳидидан хушҳол
боғ,
Эй, зарди
оғочлар ошиғи,
Кулоқ бер,
заминда айланар
муттасил "Момо Ер қўшиғи"!
Чикора
карвонлар одими,
Зоедир қўнгироқ

матлаби,
Билганим, бу
ижод дайрида
мангутир азим
бир кавкаб¹и!

* * *

Кўнглингнинг қўллари узундир,
Кўнглингнинг қўллари қоп-қора,
Кўнглимнинг қўзларин беркитар,
Ялдо тун.
Кўнглим бир бечора.

Кўнглингнинг қўллари дараҳтдир —
Жон қушим қўнувчи қўналга,
Ялмоғиз япрогинг увласа,
Телба қуш мастона ўланга.

Кўнглингнинг қўллари жаллодим,
Кўнглингнинг қўллари Низомулк,
Жон қушим тифингда Мўминдек,
Жон берса, не ажаб, мирзолик.

Кўнглингнинг қўллари Низомулк,
Кўнглимнинг қўллари жаллодим,
Жон қушим тифингда Мўминдек,
Жон берса ҳосилдир муродим.

¹ К а в к а б — юлдуз.

ОЙГУЛ АСИЛБЕК ҚИЗИ

* * *

Шаҳар. Йўллар. Оқади умр.
Кўчаларда ҳаёт қайнар шаън.
Оқшом. Тунги чироқлар – бир зум
Хайратдан тик қотиб қолган шам.

Энди нима аҳамияти бор,
Ёмғир, туман, кузги шамоллар.
Мен уларни ташладим, кетдим,
Мени ҳам тарк этди хаёллар.

Ортда қолган чорак умримни
Хазонларга teng қилганимни
Олисларда билмайди отам,
Бу ҳаётда енгилганимни.

Мен атаймас, уриндим, бироқ,
Етолмадим умидингизга.
Тақдир билан тўгри келмади
Юлдузимиз юлдузимизга.

Балки дунё ростдан кенг эди,
То уни мен билмаган замон.
Кўз олдимда ўша кенгликлар,
Кўринади панжарасимон.

Бунинг нима аҳамияти бор,
Хазонрезги, тўзгин шамоллар?
Мен уларни ташладим, кетдим,
Мени ҳам тарк этди хаёллар.

ШОИР ХАЁЛЛАРИ

Кўл, қамиш, ой акси, бир ҳовуч юлдуз,
Майсалар туш кўриб ётар ёмғирни.
Дайди хаёллари қайга кетади,
Дарахтга суяниб турган шоирнинг?

Худо, инсон, кўнгил, тақдири азал,
Очилар мозийнинг қора дафтари.
О, шоир, ўйларинг мунчалар чигал,
Ёдингдан ўчади умр матлаби.

Қайдадир айни вақт қайси ошиқнинг
Ой нури тушади деразасидан.
Сизни севаман, деб мактублар ёзиб,
Гўзал қиз ўтирас киприклари нам.

Лоларанг шафақлар, қорли чўққилар,
Олис сайёralар, қумли барханлар.
Одам ҳаётининг қуюқ ранглари –
Кўзёшлар, орзулар, росту ёлғонлар.

Кўл, қамиш, ой акси, бир ҳовуч юлдуз,
Майсалар туш кўриб ётар ёмғирни.
Дайди хаёллари қайга кетади,
Дарахтга суяниб турган шоирнинг?

* * *

Оқшом бўйи осмонда сузган
Булутларнинг ранги қорамтири.
Уни мендан ажратиб турар,
Тунчироқдан оқаётган нур.

Мен гулларнинг сочини ўрдим –
Эрмак қилдим ёлғизлигимдан.
Башорат қил, эй, лўли аёл,
Бахтли ёки баҳтсизлигимдан.

Деразамга урилди чақмоқ,
Бор арази, кинлари билан.
Қулаб тушди турган шамчироқ,
Найзасимон нурлари билан.

Этагини силкиди шамол,
Туман каби оқшом тарқалди.
Үнг кафтимга чизилган йўллар,
Бахтлисан, деб мени аллади.

Ҳамон гуллар сочин ўраман,
Эрмак қилдим ёлғизлигимдан.
Башорат қил, эй, лўли аёл,
Бахтли ёки баҳтсизлигимдан.

ҚУМСОАТ

Эшикни очаман ичкари,
Қаршимда сукунат боқади.
Умримга менгзаган қумсоат,
Билдирмай қуийга оқади.

Кунларим тўкилар, тунларим,
Йилларни тўлдириб ўйнайди.
Афсуски, умрни соатдай,
Тескари ағдариб бўлмайди.



AHBAP СУЮН

ФЎР БУЛУТ ҚИСМАТИ

Кўкка учар бўлди денгиз бўйидан,
Оппоқ шалоладек парланган булат.
Қавмидан ажралиб қочди-ю, бирдан
Жануб тарафларга йўл солди, ҳай-хуйт.

Учиб кета берди мавҳум томонга,
Улкан кенгликларни кузатиб узоқ.
У назар солмади атрофга – ёнга,
Қаршисидан чиқди ҳайбатли бир тоғ.

Ошиб ўтмоқликни айлади ҳавас,
Кўрсатмоқчи бўлди даставвал қучин.
Юқорига сузди шаҳд билан бирпас,
Чўққи йўл бермади, бироқ у учун.

Ҳайҳот! Сингтан эди қоя бағрига,
Минглаб булатчалар шудринг мисоли.
Мудҳиш ажал бўлиб қолмиш барига,
Баҳайбат чўққининг ўрмонзор ёли.

У ҳам чарчади-ю, келиб қўшилди,
Арчалар қўйнига рутубат бўлиб.
Шу чоғ ҳақиқатни англади, билди,
Ташна майсазорлар ётарди ўлиб.

ЧАВАНДОЗ ФАЛСАФАСИ

Чавандоз тулпорин чиқарди томдан,
Сўнгра якка михда совитди узоқ.
Волидаси олиб эски тахмондан,
Бошига кийгизди қадимий бошмоқ.

...Қарчигай самога сапчиди учқур!
Қамчи ҳаволатар норгул паҳлавон.
Ортидан боқади, йўқотиб ҳузур –
Дуо айтганича она шу замон.

Полвон қўймас сира ушбу одатин –
Беаёв кўпкари – кожбахт бир кечмиш.
Ҳамон ниқтаб келар самовий отин,
Баҳсу курашларда ҳузур бор эмиш.



ТОШБУЛОҚ

Фаррухга

Бир тараф – шагирлаб оқиб тушган тош,
Бир тараф – ҳайбатли тиккайган қоя.
Қиши сийнаси каби ҳислар ялангоч,
Замҳарир кенглиқдан тилар ҳимоя.

Осмон бамисоли тескари қудуқ,
Туйнукдан боқади муз еган қуёш.
Аёз учайтири авзойи бузук,
Ёрилиб кетгудек, совуқ урган тош.

Тарам-тарам бўлиб ўнгир лаблари
Ёрилди, бўронга топмади чидам.
Ҳув, эски қайрағоч – қирор қалъаси
Йикилди, жон таслим этмоқда у ҳам.

Қотиб қолган гўё пўлат зирҳ янглиғ,
Шамоллар зарбидан ширадор тупроқ.
Бироқ бир манзара мавхум, ноаниқ;
Муз ёриб, буг отар кўҳна Тошбулоқ.

Бамисли лавадек ҳаволанаар буг,
Қаҳратон забтини кесиб боради.
Шу митти чашмага минг бора қуллук!
Қор кечиб, шилдираб кетиб боради.

БОБО ВА НАБИРА

Хайқириб төглардан чопади дарё,
Ҳатто бас келолмас бетизгин шамол.
Улкан кенгликларда ястаниб гүё,
Салобат тўксам дер денгизлар мисол.

Уҳ тортиб чайқалар, гоҳи-гоҳида –
Пўртана мавжларда акс этар қайғу.
Денгиз ҳам баайни – тирик чогида
Дарёдек юрт кезиб юрсам, – дер, – мангу.

ИККИ ТЎЛҚИН

Чайқалади икки тўлқин,
Қирғоқларга уриб бош.
«Топсам, – дейди, – чопиб таскин,
Кенгликларда ёзиб қулоч».

Ваҳм билан турар қоя,
Кўтарганча Зухрони.
Тўлқинлардан беркитар у,
Ортидаги Саҳрони...

ИНОМЖОН АБДИЕВ

ТАЗАРРУ

Бир куни ўзимни йўқотиб қўйдим,
Кўнглимда шубҳалар изгий бошлади.
Даҳриёна ҳислар, тентак хаёллар
Онгу шууримни чирмаб ташлади.

Ўйладим, ишондим: тақдирим кулса,
Бой бўлсам, ғам битиб, ташвиш қолмайди.
Худо бор, дейдилар, агар у бўлса,
Нега бандасидан хабар олмайди?

Куфрга қўл бериб, дедим қуёш ҳам
Догини яширгай, шуъла таратиб,
Беайб – Парвардигор, дейдилар, аммо
Худо ҳам адашган мени яратиб.

Ойни чўнтағимга солмоқчи бўлган
Ғўр эдим, дунё ҳам торга ўхшарди.
Энди англаяпман, ҳасратга тўлган
Ичимда сабрсиз жонзот яшарди.

Жуда ўжар эди, у мен бўлсам ҳам,
Муроса сўзига қўнмасди алҳол.
Кўнгил оғриғига тополмай малҳам,
Асир этди бизни юз минглаб савол.

У паноҳ истади шайтон кўчадан,
Шаккоклик бошимда ўйнади гужфон.
Асли банда эмас, банди бўлгандим,
Шубҳа юрагига бўлган ҳукмрон.

«Ўша»лар кўксимга нишини қадаб,
Шонли фууруимни этдилар тупроқ.
Мен шаккок эмасдим, дўстлар, аслида,
Менинг хаёлларим гуноҳкор кўпроқ.

Шаддодлик кўксимни тирнаган чоги,
Тасалли бердими шу ўй жонимга?
Йўқса, бу манманлик, бу риёкор ҳис
Қайдан оқиб кирди менинг қонимга?

Онгу шууруимда, менинг ўзимда
Тажалли этганда нури Ўзининг,
Ҳаловат билмаган тарқоқ ўйларим
Унутиб қўйибди сарҳад сўзини.

Бугун англаб етдим, тилимда тавба,
Аслида, шу эди илк муддаоим.
Адашиб, алданиб, сени ахтарган
Нотавон бандангни кечир, Худойим.

ҚАСД

Ишқ – олов, сен эса – ёнаётган шам,
Эриб кетаяпсан ғам чекиб гёё.
Ёзганларинг – ҳижрон, қайғу ва алам,
Топганинг – айрилиқ, бевафо дунё.

Занжирбанд этилган кўзларингга тун,
Шеъринг ҳам йиглоқи, руҳингдай маҳзун.
Бир чимдим зиёга ўтаяпсан зор,
Шоир, одамларда нима қасдинг бор?

ЎФИЛ БОЛА

Ўшанда ёш эдим, холам дер эди,
Бир лаҳза қўшига қисганча қўзни:
— Бўйинг чўзилмоқда, йигитсан энди,
Қулогин тишлаб қўй бирорта қизни.

Ўфил боласан-ку, дерди, отам ҳам,
Йифлаб келганимда юзим кўкариб.
Елкамга шаппатлаб айтардилар: бор,
Сен ҳам рақибингни ургин кўтариби.

Тогам койир эди: қани ёшлигим?
Осмонга сапчирдим сендай маҳали!
Бунча лапашангсан, ўн бешга кириб,
Товуқ сўйишни ҳам билмайсан ҳали.

Ёш эдим, кўксимнинг тонглари отмай,
Югуриб, йиқилиб йил ўтган сари —
Ўзимни қидирдим, ўзанин топмай,
Ўкириб оқаётган дарё сингари.

Кимга вафо қилган бу кўхна дунё,
Мени йўриғига солди, турдим жим.
Бугун саноғига етолмаяпман,
Қанча қулоқ, қанча юрак тишладим.

Бу ҳаёт ўзингни обқочганингни
Бир куни қўзингга кўрсатар экан.
Товуқ нима бўпти, битта сўз билан
Одам сўйишни ҳам ўргатар экан.

Ўзим жаллод бўлдим, ҳисларим – қурбон,
Маҳзун юракларга тиф санчди исмим!
О, зада кўнглимнинг бўйнидан ушлаб,
Қайта бошлаяпсан қуидирги қисмат.

Қанисан, ёшлигим? Тул мусичадек,
Ороми бағридан ситилган соҳир.
Мени нима қилди, «ўғил болалик»
Мен қайси оламда яшаяпман ҳозир?

Аммо сезаяпман, ўзимга қайтгум,
Соддалик руҳимга хос бўлур яна.
Чунки мен шунаقا тарбия топдим,
Мен Сиздан шуларни ўргандим, Она.

ҚАБРИСТОН ЗИЁРАТИ

Ногоҳ қадам боссанг, баҳор кунидек
Қайғу кипригингни бирдан ёшлайди.
Дунёдан безиган кекса ҳофиздек,
Асаб торларингни черта бошлайди.

Келасан, йифлайсан, ўзинг таниган
Қадрдон тепалик ёнига чўкиб,
Ҳазин қурумлардан халос бўласан,
Минг йиллик занг босган дардларинг тўкиб.

Равон туюлади норавон йўлинг —
Руҳингдан чекинар бадбўй чириклик.
Англайсан, сўнги йўқ висолдир ўлим,
Илдизи қуртлаган толдир тириклик!

ХАЗИЛ

Лабингга оҳиста боссам лабимни,
Қайноқ ҳароратинг бузди таъбимни.

Дўмбогим, сен билан бизни айирган,
Бу араз, бу аччиқ келди қаердан?

Нозли кеккайишинг қўймагандада ҳам,
Лабингдан бол ичиб, тўймагандада ҳам,

Пахта қўйлагингга жоним тасаддуқ,
Ҳақингда ёмон сўз ўйлаганим йўқ.

Сен билан бир лаҳза келди ўйнагим,
Азиз қадрдоним, чинни чойнагим!



АКМАЛ ТОШ

ЗИЁРАТТОХ

Сукунат макони?
Ломакон маҳри,
Ҳавойи суратлар тумандек гойиб.
Дунёнинг шайтоний нафсидан холи,
Зада руҳ ногаҳон энтикди бойиб.
Тек қотган тулпордек хаёллар сокин,
Бўғизга ёпишмас йилдирим иллат.
Илкида жо этиб само қурратин,
Мингоёқ ҳирсларни қамчилар фурсат.

Иймоннинг нафаси,
Шуурда тўлқин,
Эътиқод нигоҳи чорлайди бирдан.
Сарсон руҳ дунёдан кечиши мумкин,
Воз кечмас боқийлик — абадий нурдан.

Қабрлар...
Аслида дунёмиз қабр,
Бойлик ва мансаблар сифмайдиган жой.
Бўшлиққа санчилди бир сўзки — сабр,
Муждалар карвонин чорлаган ҳумой.

Жимжитлик босқини нақадар аччиқ,
Чингизнинг лашкари уммондан қатра.
Руҳимда уйғонди исёнли оғриқ,
Аёвсиз тебратар овозсиз зарба.
Ёш қалқди,
Тавбага айланган калом,
Илоҳий қурратни қалбимда туйдим.

Вужудим забт этди улуг эҳтиром,
Кибрли бошимни саждага қўйдим.
Куръон тиловати – илоҳий қўшиқ,
Ажру савобларни ушлаган сайёд.
Руҳларни чорлайди нурли чақириқ,
Жаннат эшиклари очилган заҳот.
Дуога айланган дардли истигфор,
Етти қат самога урилди бир сас.
Вужудлар тўкилди, эзгулик бисёр,
Шамолдек эркин қўй руҳингни бирпас.
Бир лаҳза,
Бир лаҳза бўлса-да, майли,
Кутурган жажманга чап бердик, ахир.
Қафассиз борлиқнинг акси чиройли,
Иймоннинг нафаси буюк неъматдир.

* * *

Кўп қаватли бинодан ғамгин
Узоқларга термулиб боқар.
Сунъийликдан бўғилган кўнгил
Қайлардандир ҳаловат истар.

Достон бўлган улкан шаҳарга
Сигмасди ҳеч жўнгина руҳи.
Нигоҳида тош қотиб қолган
Оддийгина даштнинг шукуҳи...

Осмонларга сапчиди туйғу,
Хира юлдуз совуқ, бир парча.
Фир шабада, қўкка тикилиб
Юлдуз санаш гашти бошқача.

Деворларга сапчиди туйғу,
Боши фурра, хўрсиниб қўяр.
Софинчларни тутқазиб кетди,
Эртакларга айланган тоғлар.

Хаёл ёлғиз суронга тобе,
Сим тўсиқقا урилди беҳол.
Қани энди, кенгликни қучиб
Гул баргидা ўйнаса хаёл.

Кўникмади... бошқалар каби
Вужуд судраб кетса қаёққа.
Келажакни ёлғиз қолдириб,
Жўнаб кетди олис қишлоққа...

ТААССУРОТ

Туйгуни тортқилаб ёғади,
Борликқа тўшалган тилсимот.
Мажнунваш ҳисларга боқади,
Васлини бахш этган паризод.

Уйғонди ажойиб хотира,
Бир шаффооф лаҳзалар парвона.
Мўъжиза яратар оҳиста
Ҳассасин тутганча афсона.

Кўнгил-чи, аксига маҳлиё
Ўзини кашф эта бошлайди.
Пўстинга ўраниб бу дунё,
Яланғоч либосин ташлайди.

Манзара жонланар, беғубор
Чорлайди савлати ҳайратга.
Қаҳратон меҳрида ҳикмат бор,
Тўқнашдим ҳақиқат – сийратга.

Покланган илҳомнинг овози,
Ҳис қилдим руҳимда енгиллик.
Милёнлаб оппоқ қор парвози
Үйғотган таассурот – минг йиллик.

**ШАМОЛЛАРГА
АЙЛАНГИМ КЕЛДИ**
(туркумдан)

Изгирин шамол.

Иzlайди ненидир, қўлида қилич.

Чехралар қамчидан ловуллаб ёнди,

Ўт кетса хўл-куруқ жабрдийдадир,

Ёлғонлар тўкилди,

Фақат ишонди.

Шиддатли ҳайқирди: «Кўзингни очгил!»

Ардоқланган фоний семириб ётар,

Токай чаёндайин ўзлигин чақиб,

Бор-будин кўчада уялмай сотар.

Изгирин шамол

Изиллайди, тинглагувчи йўқ.

* * *

Нечун япроқларни йиглатар шамол,

Ажиб сергакликка чорлов, белгими?

Ёхуд асрларга сигмаган Машраб,

Осмон руҳи билан қайтиб келдими?

Ўзликни парчалаб

Безабон жарроҳ

Оч қолган бўридек пойлайди бедор.

Кўринмас атрофда

Бир илинж, паноҳ,

Кўнгилга суқилар шайтоний хумор.

Мўлтираган нигоҳлар увол...

* * *

Ишқни согинганча,
Девона шамол
Табиат сепини титкилаб юрар.
Энг нафис бўйлардан гулдаста ясаб.
Ҳижроннинг устида мажнундек турар.
Сабр ҳам зириллаб
Ҳайратга тутқун,
Ҳасаддан гумбурлаб тўкилди булат.
Шамол увиллайди тўфонга дўниб,
Ўзга макон излаб тентийди, унут.
Мұхаббатда унумтоқ йўқдир.

* * *

Дараҳтлар баргини юлқилаб тортиб,
Қаҳ-қаҳ отиб кулар,
Тинмайди шамол.
Саробга айланган орзуни ортиб,
Судралар маҳбусдек,
Макони завол.
Томи йўқ кулбадан тиланади жой,
Ёғилган балодан яширинмоқ истаб.
Тоғларнинг қўксига урап бошини,
Ҳеч қачон қайтмаган вақтни ҳатлаб,
Изтиробга айланган кулгу.



МАДИНА МУХАММАД ЙОСУФ ҚИЗИ

ОТАЖОН

назира

Етмиш юлдуз ёғилиб,
Ярим ойча тўлолмас.
Етти ога йигилиб,
Битта ота бўлолмас.
Ҳеч ким сенинг ҳолингни
Отангдайин билолмас.
Бугун менинг бағрим қон,
Вайронаман, отажон.

Қанча дўсту ёрингиз
Келар эди оқишиб,
Улар бугун қўймаслар
Ҳаттоқи сим қоқишиб,
Кўрганда — ростми-ёлғон —
Мехр билан боқишиб,
Мен уларнинг ишидан
Хайронаман, отажон.

Ўзинг учун ўл етим,
Ўрда ҳам мен, қирда ҳам,
Осмонда эдим кеча,
Бугун жой йўқ ерда ҳам.
Отасизларнинг ўрни
Қайда экан, билолмам,
Аросатда йўл юриб
Овораман, отажон.

Йўқлигингиз қадамда
Туар шундай билиниб –
Тонглар келиб қучмайсиз
Меҳрингизни илиниб.
Кундан-кунга борарман,
Юракларим тилиниб.
Ҳар тонг минг бор ўкиниб,
Үйғонаман, отажон.

Яшаяпман гоҳ ўксиб,
Гоҳи таскин қидириб,
Гоҳ ғанимга қўрсатмай,
Кўз ёшимни сидириб.
Нола қилсам келасиз,
Борингизни билдириб –
Тушларимда энди мен
Қувонаман, отажон.

Ҳар тонг минг бор ўкиниб,
Үйғонаман, отажон.

АЁЛ

Ишқни юрагинг туб-тубига кўмгин,
Устидан гуурни бостириб қўйгин.
Токи севги дилдан қўттармасин бош,
Токи бевафо деб энди тўкма ёш.

Қўйгин энди, унут барини, тамом,
Ёрдан қолган ишқни, ёр берган дардни.
Севгини нафратга қориб ташлагин,
Бугундан сен янги ҳаёт бошлагин.

Ўтмишинг туш каби ўтиб кетади,
Армон яраси ҳам битиб кетади.
Сен ҳали энг баҳтли аёл бўласан,
Бевафо етолмас хаёл бўласан.



ШЕРЗОД РУСТАМ

СОФИНЧ

Талабалик – олтин давр, дегани рост,
Олтинга ҳам алишмасман бу чофимни.
Аммо мени қандайдир ҳис қийнар бир оз,
Чунки жуда соғинганман қишлоғимни.

Қишлоғимни тушларимда кўргим келиб,
Ухлайман гоҳ умид қилиб кечалардан.
Чопгим келар бальзан шамол каби елиб,
Болалигим ўтган тупроқ кўчалардан.

Тошкент! Фоят ўзгачадир ҳаёт бунда,
Қизлар сочин майда қилиб ўрмас экан.
Қурбақалар сайрамайди сокин тунда,
Итлари ҳам оқшом чоги ҳурмас экан.

Қандайдир ҳис қийнаётири мени бир оз,
Нетай, жуда соғинганман қишлоғимни.
Талабалик – олтин давр, дегани рост,
Олтинга ҳам алишмасман бу чофимни.

...Қани энди бир зумгина қайтаролсам,
Болаликнинг энг беғубор кезларини.
Гоҳ дўстларни эслаб тунлар ўйга толсам,
Соғинаман гоҳ қишлоғим қизларини...

ИЛК СЕВГИ

Болалигим ўтди бахтиёр,
Улгайганим қолибман сезмай.
(Үртамизда йўқ эди девор)
Қўшни уйдан кўзимни узмай.

Ўйинчоқлар бўлғанди унут,
Дилда ўзга ҳислар яшарди.
Хаёлимда бир институт,
Ва... баъзи бир қизлар яшарди.

Бола эдим шоиртабиат,
Дилда зарра губор йўқ эди.
Қўшни қизча ёқарди беҳад,
Ўртамизда девор йўқ эди.

Уйдан чиқиши вақтини пойлаб,
Сўнг мактабга бирга кетардим.
Дўстларимдан ажраб атайлаб,
Дарсдан кейин яна кутардим.

Яна бирга қайтардик. Мен жим.
Уйга етар у мендан аввал.
Севгидан сўз келарди очтим,
Дугонаси берарди халал.

Ҳар гал шундай жуфтлардим оғиз,
Ортидан пайт пойлаб юрардим.
Уни сира қўймаган ёлғиз,
Дугонасин ёмон кўтардим.

Қанча йиллар юрдик шу зайл –
Диллар яқин, ўзимиз йироқ.
Улгаярдик кун ўтган сайн,
Ва чалинди сўнгти қўнғироқ.

Тёй бўлмасин бунда мен қолиб, –
Деб энг яқин дугонасига.
Жўнадим сўнг хужжатлар олиб,
Олтин давр остонасига.

Рўёб бўлди улкан орзулар,
Менга очди қучогин пойтахт.
Бошланганди баҳтиёр қунлар,
Талабалик. Оҳ, қандайин баҳт!

Тузар эдим турли режалар,
Лек улар ҳам ўзимдай содда.
Ўй сурадим гоҳо кечалар,
Ҳамон ўша қўшни қиз ёдда.

Ўн саккиз ёш – муҳаббат фасли,
Севги ўшал чоғ унар экан.
Билмас эдим ўшанда асли,
У ҳам мени соғинар экан.

Бўй қизи бор эшикка одат
Совчиларга очилмоқлик ланг.
Бир лаҳза ҳам бермасдан роҳат
Кўндирибди отасин. Аттанг!

Совчиларин юборган тинмай,
Шу йигитга зўрга кўнибди.
Мен асраган ҳеч кимга бермай,
Илк севгимнинг гули синибди.

Аён эди Худога ёлгиз.
Бор дардимни ичга ютгандим.
Тушларимда йиглар қўшни қиз:
Ўшанда...
мен сизни...
кутгандим...

УМР

Бир кам дунё билсам, аслида,
Гўзал экан камлари билан.
Алмашиниб келувчи доим
Яхши-ёмон дамлари билан.

Зериктирас доимиий қувонч,
Доимиий фам — эгов умрга.
Юракларда бор бўлса ишонч,
Яшагаймиз баҳт билан бирга.

Кўнглим ичра минг битта ҳавас,
Орзуларим билмас ниҳоя.
Менга чинор умри керакмас,
Капалакнинг баҳти кифоя...



ЗОХИДЖОН ОЛОВ

ЁЛГОНЧИ ШАББОДА

Француз зодагони, атоқли тарихчи олим, Сандикур музофоти герцоги Максимилиан Андри де Сен-Симон (1720–1799) хизматкорига шундай сўзлар билан ўзини уйғотишни амр қилибди: «Граф, туринг, Сизни буюк ишлар кутмоқда!»

Айт-чи, нима кўрдик дунёга келиб,
Кузларни етаклаб йиллар ўтмоқда.
Тонг чоғи шивирлар шаббода елиб:
— Туринг! Сизни буюк ишлар кутмоқда!

Бир хил ҳолат бўлгай мәҳмонинг ҳар кун,
Бир хиллик синдириб синар бардошинг.
Ҳеч нарса ўзгармас, яшарсан беун,
Фақат умринг нуар, ўзгарап ёшинг.

Буюклик ахтариб кезарсан сарсон,
Наҳотки, алдаган қурғур шаббода?!

Асли олам ичра бир нуқта инсон,
Қанчалик юксалса — шунчалик содда...

На метин қонун бор, на чин ақида,
Лаҳзалар қаршингда чопар беписанд.
Ҳар кун сўзлашасан одам ҳақида,
Одам деб аталган сукунат билан...

Қалбинг тўла оппоқ орзулар — лим-лим,
Елкалаб юрарсан лек ташвишларни.

Мен кимман?
Сен кимсан?
Биз ким? Биз — ҳеч ким!
Буюк қўллар қиласар буюк ишларни!

Дод солмоқ истарсан тўрт томон гирён,
Оҳ билан қалқитиб бўлмас фанони.
Шунда коинотда тузиб кенг майдон,
Копток қилиб тепгинг келар дунёни.

Лол бўлмасин дарддан қўкси куюклар,
Шаббода янглишди уйготиб бизни.
Faфлат босиб ухлаб ётмас буюклар,
Ухласа ҳам очиб ухларлар кўзни...

Айт, нелар кўрмадик дунёга келиб,
Кузларга қоришиб йиллар ўтмоқда.
Тун чоги шивирлар шаббода елиб:
— Ухланг! Сизни буюк тушлар кутмоқда!

* * *

Руҳим самоларга бўйлаган,
Сўз — савобим,
Сўз — тотли ошим.
Фақат ҳақиқатни қуйлаган
Тилим қўкка кўтарар бошим.

Соврилмасми ҳавога очун,
Топилмаса ёлғонга малҳам?
Ҳақиқатнинг висоли учун
Барча шоир қурбон бўлса кам!

Тўғриликка берилмай мансаб,
Сийламаса ростгўйни замон.
Кулоқ билан кўрар-у, ажаб,
Тили билан югурап ёлғон.

Юзлашмоқ-чун олий баҳт билан,
Камлик қиласар биргина тилак,
Камлик қиласар шунчаки истак —

Эътиқодни муҳрлаб дилга
Фаришталар шаклига кирган
Шайтонларни фош қилмоқ керак!

Руҳим она-Ерга бўйлаган,
Сўз — гуноҳим,
Сўз — чайнар тошим.
Фақат ҳақиқатни қуйлаган
Тилим қўкка кўтарар бошим...

ЁМФИР

Алданганми, зор йиглар осмон,
Кипригимда томчилар оғир...
Дарддан зада, қайғуга ошён —
Юрагимга санчилар ёмғир,
Санчилар ёмғир...

Бўғзим ичра ёнар қўрғошин,
Зил қўксимда туйгулар оғрир.
Ўҳ, ўз қўлим муштлаган бошим,
Билмам, нега сийпалар ёмғир,
Сийпалар ёмғир...

Тор дунёнинг тўрт томонида,
Хиёнатлар ёйган кенг томир.
Нопокларнинг кир товонида,
Асролмайман, янчилар ёмғир,
Янчилар ёмғир...

Умр — бир қур телбалик дарси,
Вужуд — аввал, руҳ эса охир.
Номардларнинг касофат касрин,
Ёғар ювиги фаришта ёмғир,
Фаришта ёмғир...

Сен самовий хур, инжа хилқат,
Ҳар қатрангда Ҳақ васли зоҳир.
Кел, томчингда ўлдир-у, фақат
Томчиларга қўм мени, ёмғир,
Қўм мени, ёмғир...

ЕТМИШ ЙИЛ...

Етмиш йил...
Қўлингдан тушмади кишан,
Етмиш йил...
Қарғадинг қаттол темирни.
У — сенга қўриқчи,
Сен — унга душман!
Сени у, уни занг емирди...

Етмиш йил...
Оёқлар тепкилаб ўтди,
Етмиш йил...
Тупуклар сачради юзга...
Сени ҳар кун, ҳар тун ўлимлар кутди,
Умринг баҳорида йўлиқдинг кузга...

Етмиш йил...
Дийдорин қизғанди осмон,
Етмиш йил...
Истадинг бир қатим зиё.
Сени қул этдилар, қолгани ёлғон,
Озодлик туш эди,
Озодлик рўё!

Етмиш йил...
Тик туриб ухладинг бедор,
Тескари учбурчак эди ётоғинг.
Етмиш йил...
Бетонга тиралиб ночор,
Илдиз отиб кетди ерга оёғинг!

Етмиш йил тугади!
Кишан ечилди!
Хур саболар эсди тўрт томонингдан...
...Айрилгандек қақшаб йиглагинг келди
Етмиш йиллик ёлғиз қадрдонингдан.

Ҳадиксираб қолдинг ҳурлик отидан,
Ўҳ, бу не кўргулик?
Қандай ҳақорат?
Кўлларинг... чўзилиб қолди ортидан,
Сен... кишангага меҳр қўйгандинг!
Даҳшат!!!

ИБРАТ

Ногаҳон бошига иш тушган пайтда,
Ақли комил инсон бир ҳикмат билди.
Ньютон дунёни кашф этди қайта,
Ньютонни эса олма кашф қилди.

Биз-чи?!

Ташвиш тушса, заҳримиз тўкиб,
Хаёлга ҳам келмас изламоқ маъни.
Ўтган бўлар эдик бир умр сўкиб,
Пешонамиз фурра қилган олмани...



ХУРШИДА ЮСУФ ҚИЗИ

* * *

Вазифамни қайтиб бер, осмон,
Азобимни айтиб бер, булут.
Шамол, бўлди, қўтарма фигон,
Мавжудмасман,
Тушунгин,
Унут...

Йиғла, само,
Уввос сол яна.
Ювгин қаро кирларни дилдан.
Сафсата деб қилмагин таъна,
Ахир, севиб қолганман чиндан.

Томчиларда кўрдим васлини,
Кетай десам, имкон, нажот йўқ.
Дедим: топдим ишқнинг аслини,
Ундан ўзга илоҳий зот йўқ.

* * *

Яна ёғди сен кутган укпар,
Яна маҳзун бўлди табиат.
Миллион марта торайди дунё,
Оқ кафанда ухлар мухаббат.

Хилол ясад учади күшлар,
Ерни ўпиб ўлаверар қор.
Сен томонга отланаяпман,
Ўлмоқликни айлаб ихтиёр.

* * *

Мен манзилин унугтан сорбон,
Кетаяпман,
Йўқдир мақсадим.
Юрагида иймон уйғонган
Тарсо қизга келар ҳавасим.

Туйғуларим жунбишга келиб,
Савдойиман, руҳимда жунун.
Гар истасанг ишққа топиниб,
Хузурингга боришим мумкин.

Кўнгил қолди вафодан, баҳтдан,
Ҳар фонийдан кўзимни ёпдим.
Манглайимда қуллик тамфаси,
Охир сени ахтариб топдим.

Юзларимга тупроқни суриб,
Бошим урсам қора тошингга.
Ҳар нафасда борлигинг сезиб,
Ишқ тиланиб келдим қошингга.

* * *

Кўрқинчли сукунат чекинди ортга,
Қора пардасини ўзи-ла олиб.
Бегуноҳ қанотлар сано айтдилар,
Мен сўйган Зот!

Шивирлаб улуғлар
Саболар аста,
Нафаси титратар жуссамни.
Хаёллар жунбишда,
Туйгулар хаста,
Юрагим сўйди-ей гуссамни.

Ҳамд айта бошлади яна дараҳтлар,
Кушлар чугурига тўлди хиёбон.
Яна эшик қоқди мен кутган баҳтлар,
Яна хаёлларим аталди сарсон.

Қора кўйлагини йиртиб юборди,
Хомсут инжууларни тўқди бағридан.
Замин, сенда буюк бир сеҳр бордир,
Тонг юзин кўрсатди,
Туннинг қаъридан.

Машиналар тўлди яна йўлларга,
Одамлар қўрина бошлади бот-бот.
Яна бир сукунти этиб бадарға,
Замин кучогида уйғонди ҳаёт...

* * *

Тош шаҳар,
Тор хона,
Эски анжомлар.
Хира фонус ёритар тошли йўлакни.
Тун яримлаб қолган,
Гуноҳкорлигим
Сим-сим оғритади хаста юракни.

Совиб қолган қаҳва,
Суви қочган нон
Қоғознинг устида турар тумтайиб.
Шу лаҳза Худойим
Фарид бошимга,
Юлдузли осмонни қўйди ағдариб.

Шу кеча
Ватанга айланди шаҳар,
Бедорликда кашф этдим оламни.
Яқин олдим,
Дарчам тагида сархуш,
Тун бўйи
Алжираб чиққан одамни.

* * *

Хонани бошига кўтарар телефон,
Чўчиб тушаман.
Хаёлим йигиб,
Кушдек учаман.
Шошилиб оламан,
Яна сен,
Ҳа, сен!
Нафаслар учрашар,
Шу лаҳзада жоним оғритган соғинч,
Кувончга бойланар,
Овозлар,
Оҳ, нозлар,
Дил розлар,
Ишқ қўнглимизга жойланар,
Сўнг эса,
Телефон гўшаги
Мунаввар чеҳрангга айланар.



ДИЛАФРУЗ ЧОРИЕВА

ТОНГ

Күшлар ҳар мақомда эркалаң бөгни —
Бир сулув келинни аста уйғотар.
У ҳарир рўмолин эгнига ташлаб,
Ибо-ла борлиққа қўш таъзим тутар...

Гўдакдай бегубор, ипакдайин пок,
Шабнамда чайилган ҳаётнинг юзи.
Сувлар — мўйсафиддай секин одимлар,
Ариқ лабларида қолади изи.

Ялпизу райхоннинг ифорларидан,
Борлиқ жаннатмонанд тураг солланиб.
Ойнинг имзоси-ла битилди мактуб,
Тунлардан кунларга салом йўлланиб.

* * *

Ваҳм босиб турар тунги боғларни,
Қоронгу зинданга банди маҳбусдай.
Кўз тикиб ой сергак айланиб юрар,
Сукунат сирларин ўқиб жосусдай.

Имо билан дардлашиб чиқар дараҳтлар –
Яшил бармоқлари сўйлайди дардин.
Мажнунтол бош уриб, терак қўл чўзиб,
Ибодат қиласи, қара, даҳрдун.

Улар оёғидан мосуво қуллар,
Занжирлар ечилса, узилар жони.
Нола-ла дуодан тушмайди қўллар,
Дилбандин кўролмай ҳалакдир жони...



ШАҲНОЗА НАЗАРХОН

* * *

Шоир бўлиб нени топдим, онажон,
Нима ҳам йўқотдим ўзимдан бўлак?
Вақтними?
Вақтни милод боши хочга осганман.
Маконми?
Ҳаёт бекатида ночор ўсганман.

Шунчаки унудим унуганларим,
Шунчаки зерикдим зерикишлардан.
Ажнабий имлода ёзган хатларим,
Омон чиқолмади қорли қишлилардан.

Мен унутиш эдим, мен бир зерикиш,
Кекса авлод ёзиб тўлдирган дафтар.
Унутиш палласи яна бир юмуш,
Дуоларни бўғиб қўймоқда кафтлар.

Осмонга дўқ уриб, ё раб, сўзладим,
Шеър ўз соҳибига дўқ урганидек.
Онамнинг кўзлари мендадир, Марям
Исосиз қабрга термулганидек.

Шоир бўлиб нени топдим, онажон,
Нима ҳам йўқотдим ўзимдан бўлак?

* * *

Чопонимни улоқтирдим водийларга,
Ямоғидан дара битди, жарлар битди.
Кулоҳимни ечиб отдим, олгин дея,
Кўк товонин қитиқлаган тоглар битди.

Яланг оёқ кечиб юрдим оқ қорларни,
Оёғимга кишан солмам кавуш билан.
Кучоғимда олиб юрдим бедорларни,
Қирларимни таниб олдим товуш билан.

Белбоғим-ла боғламадим хур сойларни,
Белбоғимни ташлаб қўйдим – дарё бўлди.
Қулоғимга тақиб олдим тўлин ойни,
Қабоғимда мўғул кулди, ўзбек кулди.

Қанотида қарагайлар ўсган бургут,
Самоларни тафтим ила иситдим, рост.
Кўзларимдан ясадилар олмос, ёқут,
Тошга хино бўлавердим мен қасдма-қасд.

Қозонимни ағдардилар – горлар бўлди,
Қизғалдоқлар тўлиб қолди лахта қонга.
Томирларим соллангувчи дорлар бўлди
Отам билан кетолмадим ломаконга,
Сиртмоқ оғам ва онамга керак эди...

* * *

Муаллақ титрайди бир телба вужуд,
Муаллақ титрайди барча ёлгонлар.
Муаллақ титрайди тасаввуимда
Хақиқат кўмилган — яқин осмонлар.

Узоқ қўл силкиди менга охират,
Эҳтимол, у ортда қолган бир оми.
Узоқ қўл силкиди менга қелажак,
Балки ундан кечмоқ умр мароми.

Бунчалар яхисан, тик ўсган дараҳт,
Отамга ўхшамай ўсансан, дараҳт.
Онам унутилган кулбадек караҳт,
Кулбага қўмилди болангнинг бори.

Хонамни эгаллаб ётар бир сурат,
Оёқ қўйсам қўли, қўзи ё боши
Ингришиб айтадир дуо ҳам лаънат,
Рози кетсанг нетар, онамнинг ёши.

* * *

Бир оғриқ бошланди вужудимда, бас,
Дараҳтлар бир шоён баҳтни туймоқда.
Ўзингни ўлдирмоқ муҳаббат эмас,
Оташимда Машраб хоки куймоқда.

Асабий сўроқлар, мағлуб сўроқлар,
Майсалар эҳтимол тун бўйи ўсди.
Жисмимда семирган оғир тупроқлар,
Ўйларим соч бўлиб кўзларим тўсди.

Яшаб келаяпман яна олисдан,
Яшаб келаяпман умримдан ортиқ.
Кундек нураётган эгасиз ҳисдан
Ёпиқ эшик саси келади: «тиқ-тиқ».

Хотирда қолади телбаликларим,
Ойнинг тушларига кираман ҳали.
Кишанни занглатган шу билакларим
Тик тутар, тутмайди туғлар уволи.

* * *

Мени ҳайдаб солар хонамдан ўйлар,
Кўчада изгийман, изларим сарсон.
Ёнимдан ўтади сигирлар, қўйлар,
Инсонман, улардан сўрамайман нон.

Кучоингдан қўйиб юборгин, осмон,
Илдизларим излаб кетмоғим керак.
Эгасиз очилди тагин дастурхон,
Кутқармоғим, унга етмоғим керак.

Наҳот, менинг халқим тақрор кечиккан,
Кечикканлар Ҳаққа аталган шаксиз.
Чўлпонлар самода биз деб ичиккан,
Хануз исён кўкда ётар йўргаксиз.

Мени ҳайдаб солар хонамдан шовқин,
Бурчакда чинқирап осиглиқ соат.
Ёнмадим, ёнолмам, ҳаволар салқин,
Менинг ибодатим – ёлғон ибодат.



ГУЛИ НИГОР АВАЗОВА

* * *

Мен қулгусин соғинган инсон
Қалби пора, йиглаб турибди.
Кўзларида мўлтиарар соғинч,
Севинч уни ташлаб кетибди.

Хазон каби тўкилар юрак,
Битта-битта синмоқда таним.
Кулгуларин соғинган эдим,
Кўзёшлари кутмоқда мени.

Бутун дунё айланган нолга,
Дақиқалар бесамар танти.
Мен йиглатган у инсоннинг-да
Тугал эди азал ўз баҳти.

Баҳтларимиз тугади бу кеч,
Йўлларимиз айри-айрича.
Сен не қилдинг, билмадим, лекин
Тўйиб-тўйиб йигладим кеча.

Тун ўқиди руҳга жаноза,
Оқшомда ой бўзлаб йиглади.
Бир яшагим келди... келмади...
Аммо буни ҳеч ким билмади.

МАСОФА

Яна ёлғиз қолдим осмоним билан,
Дунёнинг муazzам нигоҳидаман.
Дарё олиб кетган ҳисларим томон —
Югурит боряпман, қачон етаман?

Бунда соғинч гуллар, севинчлар эмас,
Армонлар потирлаб бодраб кетадир.
Тириклик саҳарга тикилиб тўймас,
Гуноҳкор ҳисларим мени тарк этар...

Чўмила бошлайди тонгнинг нурига
Бугунидан умидвор тириклик.
Мен қандай кираман тонгнинг руҳига,
Онам боқиб турса менга умидли...

* * *

Битта хона. Кичкина қалам,
Сирдошимдир, ойижон, бугун.
Чопардим-у сиз томон, лекин —
Имконим ҳам ночоргина-да.
Вақт — Ялмогиз,
Ҳисларимни ҳузур-ла чайнар.
Вақт — Ёсуман,
Кўнглима яна соғинчин қуяр.
Нетай, она, айтинг, ахир,
Далли девона кўнглим
Сизни, яна соғинчни суяр.

НАСИБА ҚУРБОНОВА

* * *

Йироқдасан, сен мендан йироқ,
Узоқ-узоқларда яшайсан.
Заминда жой қуриб қолгандек,
Юрагимга қадам ташлайсан.

Тақдир азал мисли бир тугун,
Эплолсанг шу тугунларни еч.
Эртага кеч бўлмасдан бугун
Мени унут, энди мендан кеч.

Осон эмас менга ҳам, тушун,
Нетай шафқат билмаса тақдир.
Сени... сени унутиш учун
Менинг умрим етмайди, ахир.

Биз яшаймиз дилларимизда
Ўзимизча рост деб рўёни.
Ишқни тутиб қўлларимизда,
Ёмонларга бериб дунёни.

Яшаяпман мен ҳам беилож,
Ўз ҳолимга кулгим келади.
Дунёда жой қуриб қолгандек,
Кўксингга бош қўйгим келади.

КИФОЯ

Менга ўнгдан келган тушлар керакмас,
Сўзи бол, диллари бўшлар керакмас,
Номи баҳт аталмиш қушлар керакмас,
Менга кулиб турган қўзлар кифоя.

Тилаганим эмас гўзал изҳорлар,
«Согинаман» деган сўзлар кифоя.
Қизиқтирмай қўйған мени баҳорлар,
Сенинг исинг келган кузлар кифоя.

Адашиб бормайман хаёлларингга,
Мехримни олмагин малолларингга,
Эҳтиёжим йўқдир висолларингга,
Юрагимда қолган излар кифоя.



АДҲАМ АРСЛОН

СЎНГГИ СИГАРЕТ

Сигарет донасидаи
Умрим аста-секин
Тутаб-тутаб
Кулга айланмоқда.
Мен эса ўша
Сўнгги сигаретни
Худди ўчакишгандай,
Яна ва яна
Чуқур-чуқур
Тортаман...

* * *

Икки варақ олдим –
Ориқлади дафтар.
Бу кетишим бўлса,
Тайин тамом бўлар.
О, одамга ўхшар нақадар!
Кунлар – варақлар
Одамлар – дафтар.

ҚҮРҚУВ

Дунёга боқаман кўзларим хира –
Кўзойнак бир четда ётибди.
Кўрқаман...
Кўзойнагим тақиб олишдан...

Қувончбекка

Биринчи синфга борадиган
Кўшнимиз ўғли
Қувониб деди:
«Ака, қор ёғяпти, қор!»
(Мен кўриб турибман,
Лекин ҳис қилолмаяпман).
Эҳ, жажжи укам,
Билармисан?
Сендан шундай...
Қуёш ёғилар...

* * *

Дўстим билан деразадан
Тикилиб ўтирибмиз.
У машиналарни кўрди
(ўзи айтгани).
Мен эса...
Мен эса япроқларнинг тўкилаётганин...

Оттин кўприк

* * *

Суякларим йирик-йирик эди,
Яшаганим сари
Майдаланди бари.
Орзуларим ҳам,
Мақсадларим ҳам,
Қайгуларим ҳам,
Гапларим ҳам йирик-йирик эди...
Бу «эдилар» еди ҳаётимни,
Энди ўлимнинг келишидан қўрқаяпман...



НИЛУФАР ҚАЮМОВА

БАҲОР ЁМФИРИ

Күёш аста кетди беркиниб,
Ҳаво қуюқ уйди қовоғин.
Япроқларни қитиқлаб шамол,
Учди қўлга олиб оёгин.

Дараҳтлар ҳам саломлашади,
Елкаларга қўйиб қўлларин.
Қувноқ барглар тўлиб-тошади,
Туташади баҳтга йўлларим.

Ўзи билан ўзи табиат,
Кайфиятим тушиб бормоқда.
Кекса булут бермоқ-чун таскин
Бошлиди дур ҳадя этмоққа.

Чапак чалар тоза япроқлар,
Баракалар ёғди деб ерга.
Оқсоқ булут суянган чоғлар
Ҳатто тоғлар ботади терга.

ТУШ

Туш кўрдим, бир зумда кичик ушоқман,
Дастурхонда ҳайрон турибман боқиб.
Вақт ўтди, уни ҳам йигиб олдилар,
Четга дуо билан қўйдилар қоқиб.

Офтобга етолмай, қолдим сояда,
Ҳатто ушломадим ажриқ баргини.
Сабр нелигини англадим чоғи,
Йиглаб ивитмадим ернинг бағрини.

Эътибор бермади кўқдаги қушлар,
Яшадим соянинг ўлкаларида.
Чумолининг чиқдим юрган йўлидан,
Мени олиб кетди елкаларида.

* * *

Ёз ҳам ташлаб кетди охири,
Баҳор етим қилган боғларни.
Сатрларда тикляяпман жим,
Руҳимда йиқилган тоғларни.

Шамол юрар кўча чангитиб,
Беҳи гуллаб шохни безайди.
Хасратлашиб хазонлар билан
Кузги боғни кезаман дайдиб.

* * *


Саволлар қўзимда оловланади,
Қўзёшим — нигоҳим отган куқунлар.
Яримта юракни бўлгиси келар,
Жигари бутунлар, бағри бутунлар.

Хаёлга чамбарак ясаб берибман,
Вақт ўтгач, бошидан тушди, тўкилди.
Болаликнинг шодон беланчакларин
Чорбогимга оссам, чоки сўкилди.

Сўроқлар ундовни четлатаверди,
Жавоблар нўноқдир, саволлар пухта.
Дунёни бошимга чиқариб қўйиб,
Хаётимни босиб кетди уч нуқта.

Саволлар сўқмоқлар солди йўлимга,
Садпора юракда тентираф толдим.
«Ерда кун кўришни билмаган дилман»,
Ўзимга самодан йўл очиб олдим.





НАСР



Хикоялар

Поззия охизлик қилиб қолса, қўли
етишад қолса, нафаси етишад қолгандаг...
проға күнга киради. Поззия тұғалған
жоддан... проға бөшіланади.

Мозай Мурод



АБУ БАКИР

ТУГАЛЛАНМАГАН САЁХАТ

Институтда ўқиб юрган кезларим бир жўрам бўларди. Жуда қадрдан эмасдигу, ҳар қалай, бошқа болаларга сира ўхшамасди. Баъзи ёзган нарсаларимни унга кўрсатсам, худди буюк мunaққиддек фикрларини айтарди. Шунинг учун ҳам баъзи бир инжиқликлариға қарамай, уни ўзимдан узоқлаштирмасдим. Ётоқхонада бирга туардик. Унинг менга ёқмайдиган, ҳар куни такрорлайдиган бир гапи бор эди:

- Ёзяпсанми?
- Ҳа, ёзяпман, — кайфиятим қандай бўлишидан қатъи назар, шу жавобни берардим. Сабаби, уни бошқа гап билан тўхтатиш қийин эди. Сал бўш келсам бўлди, мени ошкора калака қилишни бошларди.
- Бирор жойга бориб қолдинг, — деб гап бошларди беўхшов тиржайиб, — биродар, нима иш билан шуғулланасиз, деса, ҳикоя ёзаман дейсанми, — дерди голибона киройиш билан.

Балки унинг гапи тўгридир, деб ўйлаб қолардим баъзида. Шунга қарамай, ундан ўзимни олиб қочмасдим. Охир-оқибат бу гапларга кўнишиб қолдим ва ёзяпсанми, дейиши билан ҳа, ёзяпман, деб қутулардим. Жўрам менга бу каби таъна-дашномларни отишига сабаб бор эди менимча. У... жуда кўп китоб ўқирди. Қўлидан китоб тушмасди. Қачон қарамай, кўлида китоб, янги китоблар чиқдими, унда бўларди. Мана шунинг учун унга ипсиз боғланган эдим. Қаерга бормасин, китоб билан қайтарди. Қизиги, у ҳеч қачон китоб сотиб олмаган. Институт кутубхонасиданми, танишларининг уйиданми, қўлига нима илинса қўлтиқлаб келаверарди. Мен ҳам унга бу қилаётган иши яхшимаслигини сира гапирмаган экан-

ман, чунки унинг қўлида кўрган китобларни имкон қадар ўқиб чиқардим ва шунга хурсанд эдим. Ҳар ойда туман марказидаги уйига китоб жўнатарди. «Кутубхона курмоқчимисан?» – деб қизиқиб сўрасам, «Куриб бўлганман, энди уни тўлдиришим керак», дерди.

У тўплаётган китобларни қўриб ақлим лол қоларди. Ҳамма соҳадан бор: бадиий адабиёт, математика, мусиқа, қишлоқ хўжалигига оид йирик-йирик китоблар, қўлланмалар. Бундай ранг-баранг китобларни қаёқдан топади, ҳайрон қоламан. Мана, унинг инжиқларига чидаб келганим сабаби. Ора-сира ёқтирган адиларимнинг китобларини сотиб олмасам, асосан у олиб келган китобларни ўқиб кўнглим таскин топарди.

Институтни тамомлаётган йилимиз туғилган кунига онаси келди. Озроқ тайёргарлик кўрган эдик, «мозорбосдилар» билан «шоҳона» дастурхон тузадик. Бири пичоқ сўраб, бири кимнидир қидириб келувчилар билан хона тўлиб кетди. Эртасига онасини кузатар чоғимиз жўрам бўлажак кутубхона учун «атаганларини» бериб юборди. Ойбекнинг «Навоий» романини ўқиб тугатмаган эдим, қанча илтимос қилсам ҳам онаси ташлаб кетмади: «Бачам, китоб ўқиб бошингиз ачиб кетмасин, ҳали кўп ўқийсиз». Жуда қизиқ-қан эдим, кейинроқ стипендиямга сотиб олиб, охирига етказиб қўйдим.

Ўқишимиз охирлаб, диплом ҳимояси кунлари тўрт йил бирга ўқиган дўстларимиз билан Самарқанд, Бухоро зиёратига боришига келишиб олдик...

Йўл-йўлакай жўрам мени уйига таклиф этди. Таклифини мамнуният билан қабул қилдим. «Бозорга кириб ўтайлик. Келганимни онамга айтиб кетамиз», деди. Онаси бозорда сомса сотар экан, айланиб-ўргилиб бизни кутиб олди. Уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирган бўлдик. Шу орада бир пайтлар ўз қўлим билан бериб юборган Ойбекнинг «Навоий» романига кўзим тушди, муқовасига ёғ сачраган бир аҳволда қозон бошида турарди. «Онаси ҳам китобга қизиқаркан, шу ерда

Отиң күптик

ҳам китоб ўқиб ўтирибди», деб хаёлимдан ўтказдим. Ўша, мени ўзига мафтун этган китобга қўлимни узатдим, ичидаги иккита вараги қолибди, холос. Юрагим увишиб кетди. Томогим хиппа бўғилди. Наҳотки, шундай китобга сомса ўраб сотишса...

Баданимда минг-минг чумоли ўрмалагандай, этим жи-мирлай бошлади. Бир оғиз ҳам гапиролмадим. Бир нималар деб айланиб-ўргилаётган онаси қўзимга хунук кўриниб кетди. Уйигача жим бордим, ичимда «Ишқилиб, бошқа китоблар ҳам шу ҳолга тушмаган бўлсин-да», деб ўйладим.

— Кутубхонангни кўрсат! — дедим сабрсизлик билан.
— Кутубхона, қанақа кутубхона? — ажабланиб қаради жўрам. — Эй, ҳа, онам китобларни бозорда сотиб юборибдилар.

Устимдан муздек сув қуйғандек бўлди, ортиқ бу ерда ўтиrolмадим. Саёҳатни чала қолдириб, ўша куниёқ Тошкентга қайтдим.

БУНЁД АБДУЛЛАЕВ

ЧЎПОННИНГ ОРИ

Бу воқеани менга момом ҳикоя қилиб берган эди.

Курбон ота кечаси билан тўлганиб, ухлаёлмай чиқди. Чунки ҳар кеча у қўйлари ёнида ухлар ва каллаи саҳарлаб отарни яйлов томон ҳайдар эди. Кеча эса гурурини деб салкам олтмиш йил ишлаган, ҳәётининг мазмунига айланган чўпонлик касбидан воз кечди. Курбон ота ҳар доимгидай бугун ҳам каллаи саҳарлаб турди ва алаҳсираб заранг таёгини қидира бошлади. Ўзига келганида эса, уйида эканини англаб, хўрлиги келди. Лекин гурур қурғур яна қўймади. У чўпонлар оламига илк келган дамларини эслаб дала айланди.

...Очарчилик йиллари эди. Курбон ота ўшандаги чамаси учтourt ёшларда бўлган бўлса керак. Ҳар қалай, базур хотирлайди.

Кеч куз. Абдулла чўпон қўй боқиб юриб, қамишлар орасидан бир боланинг чинқирган овозини эшилди. Бўрибосар илингдан илдамроқ чиқиб, қамишзор оралаб чопиб кетди. Абдулла чўпон эса унинг орқасидан бораркан, бирдан овоз тиниб қолди. Сал юриб қараса, вахшийлиги билан ном қозонган Бўрибосар ярим ялангоч ўтирган боланинг юз-қўзларини ялаб ўтирибди. Абдулла чўпоннинг кўнгли бузилиб кетди ва болани кўтариб бағрига босганча уйига олиб борди, фарзанд қилиб олди. Абдулла чўпоннинг фарзандлари кўп эди. Лекин шу етимчанинг кўнгли ўксимасин деб уни бошқача меҳр билан катта қилди. Доим ўзи билан олиб юрди, умрининг сўнгти дамларидаги ҳам уни эслаб, «Агар Курбонжонимни бирорталаринг хафа қилсаларинг, гўримда тик тураман...» — деди.

«Ҳа, бебаҳо одам эди...» — деб кўзида ёш билан эслади Курбон ота болалигини. Бўрибосарни ҳам жуда яхши қўрар эди. Биргаликда қўй боқиб келгандан сўнг аввал ит овқат-

Оттин кўприк

ланади, кейин эса ўзи. Кунларнинг бирида дастурхон атрофига бутун оила жам бўлиб, кечки овқатни бошлаган ҳам эдики, Курбон:

— Янга, Бўрибосарга овқат бердиларингизми? — деб қолди.

— Йўқ, эсимиздан чиқибди, ҳозир, — деди янга қўрқаписа ва туриш учун энди қўзғалган эди, Курбонжон индамай янгасининг олдидаги овқатни олди-да, Бўрибосарнинг идишига қуиб келди. Ўшанда на Абдулла чўпон, на тутинган акалари лом-мим демаган эди.

Хаёллар оғушида далани бир айланиб, қараса, яна уйи ёнига келиб қолибди. Таҳорат олиб бомдод намозини ўқиди, сўнгра чойга ўтирди. Ўғиллари бирма-бир салом бериб, яхши кун тилаб кириб кела бошлади...

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, кейин ўғли Ваҳоб сўз қотди:

— Ота, кечаги ишингиздан сўнг раис менга отарни топширди.

— Берса олавердингми, энагар?! — деди аччиқланиб Курбон ота.

Орага сукут чўқди, бир оздан ота сал юмшаб:

— Майли, болам, энди менинг бир оёғим ерда бўлса, бир оёғим гўрда. Шунча йил чўпонлик қилиб кам бўлганим йўқ. Ҳаммангни ўқитдим, уйли-жойли қилдим. Қолаверса, отарнинг корига сенлар ярамасаларинг бошқа ҳеч ким эплай олмайди, — дея оқ фотиҳа берди.

Курбон ота шунча йил чўпонлик қилган бўлса, шунинг орқасидан эл ичиди обрў-эътибор орттириди. Дунёни кўрди. Ҳаммасига ҳалол меҳнати туфайли эришди.

У заранг таёғининг ичини ковак қилиб ўйиб, ҳамма мездаль ва бойликларини шу ерда сақларди. Ўтган куни тог бағридаги кўлда қўйларни сугораётган пайти таёфи сувга тушиб кетиб йўқолди. Шунда у: «Шунча қилган меҳнатим бекор экан-да, демак, топган бисотим ҳаром экан-да!..» — дея чўпонликни ташлади. Раис келди... бўлмади, ҳоким келди... унамади. Фурур қурғур йўл қўймай тураверди. Ор-номус, фурур чўпонлардан айрилмайдиган хислат. Курбон отага ҳикоя қилиб беришган эди, ўша очарчилик йилларида Абдулла

чўпон уни топиб олмасидан олдин тўнгич ўғли Нурали икки қишлоқ наридаги қайнотасиникига меҳмонга борибди. Терлаган оти ташқаридаги совуқда қолибди. Эрталаб туриб қараса, от ўлиб ётганмиш. Нима қилишини билмай, отасига одам юборади. Абдулла чўпон эса, «Йигитнинг ори, йигитнинг қаноти — оти, оти ўлган бўлса, ўғлим ҳам ўлган. Энди менинг унақа ўғлим йўқ!» — дебди. Шу-шу, Нурали отасининг кўзига кўринмабди...

Курбон ота шу зайлда бир йилча юрди. Кунларнинг бирида ўзи тенги чоллар билан қўшни қишлоққа тўйга бораётганда ўйлда чанқаб, чашмадан сув ичиш учун тўхтади. Ҳовучида сув оламан деб эгили. Шунда не кўз билан кўрсинки, зилол сув тубида ўша йўқотган заранг таёфи ётибди-да. Овози борича қичқириб ўзини сувга ташлади. Таёқни олиб чиқиб, ўзи ясаган кўлбола бурاما қопқоқни очди ва хурсандлигидан ичидаги дуру олтин тангаларни сочди... Бари ҳалол, бари ҳалол!

Ҳалол таёқ тог тепасидаги кўлдан тошлар оралаб сузиб, тог қўйнидаги чашмага келиб қолган эди.

НУРИЛЛА ЧОРИ

ЛЎЛИТОПМАСЛИК ЧОЛ

Ўшанда нима бўлган, буни ёлғиз Эгам билади, яна Кулмат чол билан ити билади. Бошқалар ҳам билишга билади-я, аммо уларнинг на кўзлари, на қулоги ва на тили бор. Ҳа, айтганча, уларнинг туққанидан тонган этаги йиртиқ қизи, шалварини кўтариб чопиб юрган ўғли йўқ. Поданинг ортидан таёғини судраб бир чиққанида ойлаб кетадиган қизғалдоқлик Кулмат подачи пешонаси тиришиб, буришиб, бурни оқиб мўйловига тушиб, соқолини кўзёшлари ювиб, эшонларнинг пойқадамига ширбоз-бўрдоқи, олабош-қорабош қўйларни сўйиб, муллаларнинг этагини кўзига суртиб юрди. Аёли Зубайда фолчию қушночларга оқ товуқ-қора товуқ, кулранг ва чипор товуқ қилиб, авлиёю шаҳидларнинг мозорини бот-бот зиёрат қилди. Дугоналари айтган ёр-ёрлар қулогига элас-элас ҳам эшитилмай қолиб, қирмизи олмаёноқ юзини сўлғинлик маҳв этганида, тақимини ўпган сочига оқ оралаб, тирсагига етмай қолди. Эрининг чайир қўллари бўшашиб, ёши олтмишнинг остонасига етганида, «шўр» дея аталмиш манглайларига бир тирноқ битди. Битишга-ку битди-я, лекин у тирноқ, ҳа-ҳа-а, умри қисқа Иzzатуллоҳ Кулмуҳаммад ўғли билан Зубайда она олти ой ичида бири саҳарда, бири шомда қазо қилиши Кулмат подачининг эгик қаддини буқчайтириб қўйди.

Аввалига шердай наъра тортди, кейин оч бўридай увиллади, сўнгра парранданинг пойчасига тиши ўтмаган қари итдай ғингшиб, шингиллаб, мунгайиб, тўпорилигига ярашадиган жizzакилигини йўқотиб қўйди.

Кеч куздан эрта баҳоргача чолдевордан нари-бери бир айвоннинг икки қанотидаги хужрасида у билан бойўглилар

истиқомат қилаётганидан бериям, ўҳ-хў, қанча мезон шамоллари эсиб, анорларнинг багрини тилди. У индамас, одамови ва хаёлпаст бўлиб қолган бўлса-да, Қулмат исмига қапишиб, шу билан бирга, тирик эканидан нишона бериб келаётган подачилигини қўймади. Элининг подасини аёли ва ўша тирноқни кўрган ит билан боқиб, дардлашиб, оши ҳалолини териб юрди.

Кўкламда қора қуюндан булат бостириб келиб, момақалдироқ гумбурлаганидан сўнгти ёмғирга эркалик қилиб борлиқча бўй кўрсатган майсалар бўйи етмай поданинг мадорига айланади. Қўёш ерга бош урган паллада моллар жодраб¹, қора ерни ютадигандай қирларга ўрлаб кетади.

Қулмат поданинг бошида, ити ортида, кўшни отарга қараб қирдан эна бошлади. Нонхалтасининг таги тешилганиданми ё бойўглихона бўлиб қолган чолдеворга ошиққаниданми, кечадан бери қишлоқча кўзи учади. Тинчи йўқолган. Ҳаловатдан мосуво, гарантсиб юриб, ўзидан анча олислаб кетган чўпоннинг яқинига бориб тўхтади. Ит подани айланиб чопа бошлаганида юлдузлар қўлларга, дарёлар ва ариқларга, ирмоқларга, ҳатто булоқнинг кўзига тўкилиб қолган, ой бўлса Қулмат подачи, подаси, ити ва унга қавмдош бўлмишларга этагидан жой берган тоғнинг бошида сочини таарарди.

— Ув-в, Қулматбой подачи, келсинлар, келсинлар! Биз томонга қайси шамол учирди? Йўқлардингиз-да, қишлоқча тушгандами, қишдами, а? — дея ундан икки-уч қўйлакни йиртишда орта қолган, келбатига қарабми, одамлар исмига «туя» сўзини қўшиб атайдиган жинжаклилик чўпон қарши олди.

— Ҳеч одам бўлмадингиз-да.

— Сен одамман деб юриб тур қани. Бизам одам бўлиб қолармиз, Қулматбой!

— Сизданам тузук гап чиқадими, ўзи?

¹ Ж о д р а б – ёйилиб.

— Чиқади-чиқади. Эгалик қилолмасанг, мен нима қилай?!
Ҳи-ҳи-ҳи... Сенга ҳайронман, подангни боқиб юравермайсанми, туппа-тузук подачисан. Акамнинг ёқасини ушлашни ким қюовди. Раҳматли армонда ўлиб кетди. Мановининг кўзи бўлса кеча кўрардим, тилинг танглайнингга ёпишгур бид-бидлаб тинмайди. Яна бир марта айтса, ўлиб қоладими ё осмон узилиб ерга тушадими, а? Уни сен ҳам эшитсанг, аҳ, бир борагина эшитсанг, — деб ўз майлида қуийб куйлаётган, алмисоқдан қолган пачоқ радиосини Ташман түя таёги билан туртди.

— Нимани айтсин?

— Фармистонда катта кураш бўлибди. Ана шуни айтсин! Ҳа-а, ана шуни айтсин! Шунда-а-а раҳматлини сирқиндиши Шамсиддин полвон бўлибди. Ана муни айтсин! Шамсиддин бизга тортган. Тогаларига тортганида борми, уям иттирасак, сатанг акасига ўхшаб гўрам бўлмасди. Унинг елкалариям меникдай-да. У худди ўзим! Қуийб қўйгандай ўзим. Ҳа, ўзим ўзим.

— Рўзимурод раҳматлини улини айтаяпсизми?

— Бўлмаса кимни айтаяпман?

Кулмат подачининг дами ичига тушиб ниманингдир ҳисобини олди ва тилга кирди:

— Рўзимуродни ули, Рўзимуродни ули... Полвон бўлдими? Ундей бўлса, ҳалоли бўлсин. Сизнинг бу марсиниш¹ингизда тонгам отади. Мен қишлоққа тушиб келай дегандим. Шу десангиз, сиздан...

— Дарди бўлмаса, Кулмат подачи келмайди дегандим ўзимам, — манови иштони ҳўл болага, — бўйи бўйидан баланд йигитга ишора қилган Ташман түя кулиб, ўз сўзида давом этди: — Олдин бир пиёла чой ич, қишлоққа тушиш қочмайди. Подангга бўлса ўзим қўз-қулоқ...

Ой Кулмат подачининг йўлини соchlари билан супурмай қўйганида юлдузлар ердан йироқлаб кетди. У эшакнинг би-

¹ Марсиниш — мақтаниш.

қинига ниқтаб, «Бўрибосар», дея итини йўқлаб-йўқлаб Қизғалдоққа эниб келганида майин шабада қишлоқни аллаларди. Қишлоғи Зубайданинг хамирига ўхшаб кўпчиб кетганига Қулмат подачи шу тонг эътибор қилди. Унинг кўзига узоқдан чолдевори кўринмас, гувалаю пахсадан қад ростлаётган иморатлар орасидан олдин ҳам ўтиб борганини эслади. Аммо шу кўкламда подани қаерга тўплаганини эслолмади. Илгари унинг кулбаси олдига қишлоқдошларининг мол-ҳоли тўпла нар, у кузатар, қайси бири подага эргашолмаса қўшмас эди. Бу одатларини қачон унуганини қизғалдоқликлар тугул энди Қулматнинг ўзи ҳам билмайди. У завжаси ва пешонасига сифмаган зурриёди қайтиш қилганидан бери кўпчиб бораётган қишлоқ одамларининг хизматини қилиш учун кун кўраётган ва улардан умидворлигини бирорвга, ҳатто ўзига ҳам айттолмаган бўлса-да, кўнглининг туб-тубида қип-қизил қизғалдоқдай очилган дардини бошқаларга билдирамайди, тунлари ўзича тентирайди ва бир маҳалга бориб беҳол йиқилади. Шу йиқилишда ой нурларини Зубайданинг сочидай ўриб, ол омонатингни, дея зорланади. Кўзини юмганча юлдуз санайди. Якtagидан қўлларини чиқариб, белбоғи билан, тиши оғриган бемордай жагини боғлаб, яна бир белбоғ билан юзини ёпади. Оёгининг бош бармоқларини бир-бирига теккизб боғлаб, таёқдай ётади. У шунга одатланиб қолди.

Эгри-буғри чатишиб, чигали ёзилмаган илонизи, ёлғиз-оёқ йўллар катта йўлларга тулашиб, подачини аҳли қишлоқ томонидан «Қулматнинг бойёғлихонаси» дея аталмиш кулбасига олиб келди.

Қийиқ кўзига чолдевор эмас, кампирдай буқчайган ҳужрасининг тамбалаб қўйилган эшиги очиқ кўринди. Очиқ эшик подачининг хаёлларини аёли томон етаклади. Унинг йўлига қачонлардир канда қилмай пешвоз чиққан Зубайда ҳозир яна бир бор Қулматга, ҳа, ўша оғироёқ кунларидаги табасумидан ҳадя этадигандек ва унинг келишини кутган, кутганда ҳам узо-о-о-қ кутгандек туюлди. Қулмат эса аёлининг чиқишини ич-ичидан истаб, жуда секин, оҳиста одимлай-

одимлай, кўзини юмганча елкасидан сирғалиб тушиб кетган хуржуни устига ўтириб қолди. У кўзини очишни, очганда ҳам бошпанасига қарашини хоҳламасди: димогига қўклам нафаси, олча гули ифори урилди, юзига олча гуллари биринкетин тўкила бошлаганида... Оғирлашиб қолган қулогига бир лайчанинг акиллаши-ю, Бўрибосарнинг мағрур ириллашига қоришган ва шу дамгача Қулмат эшитмаган нолишли увиллаган овоз эшитилиб, хаёли жамланди. Ўзининг гариб дунёсида кўз очди. Осмон гардсиз, тоғдан эсаётган шабада қишлоқдошларини уйготишни истарди. Подачи итига кўз қирини ташлаб, катта-катта очилган нурсиз кўзи бақрайиб турди ва кўзини уқалаб қаради, соқолини сийпаб, яктагини кўтарди ва қўксига «туп-туп»лади. Яна итига тикилди ва падарингга лаънат, дея уруг-аймогини ағдар-тўнтар қилиб, оғзи кўпирб, тупугини сачратা бошлади.

Ит тишилаган этни қизгалдоқнинг иссиғида идраб кетган ва тердан сарғайиб ҳидланган яктагига ўраб-чирмаб олишга олди-ю, энди нима қилишни билмай музтар қотди. Эл оқсоқоли Тиркашов муаллимга хабар берсинми? Йўқ-йўқ, унинг ўғли Фармистондай катта шаҳарда эгарга ўтиргандан бери Тиркашов муаллим қутурган. Қулматдан бошқаларни ҳам қопяпти. Уни ҳам қуруқ қўймай бир-икки даврада изза қилгани бор гап. Эшонникига боришга борди-ю, лекин эшони тушмагур ўтган кузда барзанги, қориндор ва калбош раисга Қулмат назир қилган улоқни сўйиб, анави зормандадан қуиб, «Биз эшон бобонгиз бўламиз, сиз муридимсиз. Раҳматли отангиз хўб яхши одам эди. Сизнинг камолингизни кўрмай ўтди-да, эсиз, одам дегани шундай ўтиб кетаркан. Билмай қоларкансиз. У киши бизни тез-тез йўқлаб келиб, ўғлимнинг мартабаси улуг бўлсин, деб дуо олгич эди», дея совхоз чўчқасига эгалик қилиши Қулматга қаттиқ ботган. У бундай пайтда гина-кудуратларни унутиш кераклиги учун унутмади, балки айни дамда довдираб қолганди. Шу боисми, оқсоқолу эшоннинг измига кўпам кирмайдиган ва улар юрган йўлларда оқсаб қолмайдиган Мулла маҳсумни барча-

дан маъқул билдими, уникига қараб бўри йўртиш қилиб боргунича ҳарсиллаб қолди.

Махсумнинг эшигига борганида тонг отган эди. Мулла махсум аёлининг соchlари тўзгиб, бошидан сирғалган рўмолини нозик кўлига олиб, «Ҳув, ҳозир-ҳозир! Ҳу-в, ким? Ким эди?» – деб овоз бериб подачига пешваз чиқди.

– Кеча Турдихол момонинг тили тортиб кетиб, болалари чопа-чоп бўлиб қолди. Шунқор Мирзомнинг отаси ҳам ўша ерда эди. Келганига бирпас бўлди. Озгина дам олай деганди. Нима? Ишингиз бормиди? Ё ошалолни бизницидан бошлидингизми, подачи буваси?

Қўзини йиртиб очган хотиннинг товуқдай пат-патлаши ни Кулмат бўлди:

– Муллага айтинг, бизнинг бўсағага бир тирноқни ташлаб кетибди. Уни ит ўйнабди.

– Аҳ? Нима!

– Бизниги борсин!

Мулла махсумнинг хотини сонига шапатилаб, додлаб уйига чопди: «Ҳу, отаси, кўргилик! Бу бир кўргилик! Сизга айтгандим тунавгида. Юзи қургур янги ой ёнбошла-а-ган чалқанча, деб. Ўзига тинч, элга нотинч чиқди. Анави шўрникига, Кулмат шўрникига боринг! Тулинг, турсангиз-чи, туриング... Отаси... Бу ётишингизда эртага Қизғалдоқни ер ютади ё сув олади. Шундайга ҳам Кулмат шўрни уйи куйибди. Куюйблар кетибди!»

Буви отин¹нинг додини эшитган борки, аввал Махсумниги, кейин подачиникига чопди. Кетмон елкалаб далага кетаётганлар тўхтади. Жомадон кўтариб шаҳарга отланган оёқ илди. Папка қўлтиқлаб мактабга бораётган муаллим кирди. Кулмат подачининг томорқаси одамга тўлди. Қари-қури, юзига ажин, сочига оқ оралаган, бир-икки ўш-яланглар ҳам қўшилиб, бинойидай давра бўлди-қолди. Болани мулла би-

¹ Б у в и о т и н – шевада бувотин; мулланинг хотинига шундай нисбат берилади.

лан подачи кўздан кечирган, эл унинг онасини, сўнг отасини билмоқчи. Қулматга қолса, уни индамай кўпга қўшиб келмоқчи. Мулла маҳсум ҳам шу гапни маъқуллаб турибди. Тиркашов муаллим билан Эшон бува мулланинг, қолаверса, Қулмат подачининг гапига кирадиган аҳмоқ эмас. Улар ўша иштони йиртиқ падар лаънатини топиб, Қизгалдоқ қишлоғидан беномусларни қувиб солмаса, ўзини бу ерлик ҳисобламайди. Буни элнинг олдида айтиб қўйган.

Қулмат даврага умри бино бўлиб бир маротаба – мўйи сабза уриб қорая бошлаган, овози дўриллаб қолган паллада чиққан. Ўшанда тирама¹нинг туни эди. Жинжаклида бир кураш бўлди, бир кураш бўлди! Рўзимурод полвон қизгалдоқликнинг кўкрак кериб юрадиганидан тортиб, полвонман деганигача барини ердан осмонга олиб, осмондан ерга урди. Қизгалдоқлик эрман дегани борки, ер билан бир бўлди. Ана шунда адашибми-нетибми, Қулмат иргиб майдонга чиққанди. Давра гурра кулди. Қизгалдоқлик полвонларнинг изи шу сафирга қолибди-да, деганлар ҳам бўлди. У қанотини қиздираётганида Тиркашов муаллим, эй, кечирасиз, Тиркашов студент: «Қулмат, бу ишингни йиғиштир», деса-да, баковулинг ўнгиде Рўзимурод полвон, сўлида Қулмат давра айланди. Зотига бир момотугун², икки кигиз, бир улоқ айтилди.

Баковулнинг овози даврадаги кулгини, шовқин-суронни кесди. «Худойим полвонларнинг белига куч-қувват, топганига файзу баракот берсин. Эй, биздан нима кетди. Кетса ҳам шу полвонларга кетди. Суйганлари майиз ҳам берсин», деб яна кулгига буриб қўйди. Томошаталаблар кулиб, бирдан жимиб майдонга тикилди. Рўзимурод полвон ортидан Қулмат даврани кезиб кураш туша бошлади. Рўзимурод ўйнади. Қулмат қунишди. Полвон Қулматга беписанд бўлиб икки қафас ийқитмай эзгилаб қўйиб юборди-ю, учинчи қафасда

¹ Т и р а м а – куз.

² М о м о т у г у н – ёши улуг момолар тўйларда кураш ёки кўпкаригаsovrin учун маҳсус тутун тайёрлайди. Унинг ичига жойнамоз, белбоғ, маҳси ёки шириналлик солиб, яхши ният билан туғиб қўйилади.

анг қолди. Қулмат уни на елкадан, на қўшшадан, на бурамадан олди. Ўнгига силтаб тортиб, сўлдан қоқма бериб, ер искамаган қуракларини намчил сомонга босди-қўйди. Жинжакликлар: «Бошқатдан! Бу гирром, гирром!» – деб тинмаса-да, Рўзимурод полвон майдонни тарк этди. Баковул: «Полвон, исмингиз кими? Нима дейсиз? А? Қулмат. Қулмуҳаммад, денг, полвон! Қулмуҳаммад денг!» – дея, «Бугунги курашда қизғалдоқлик Қулмуҳаммад катта полвон бўлди!» – деб элни дуога қўл очтириб курашга якун ясади.

Бу олишув қизғалдоқлик тугул, жинжаклиликнинг, ҳа, айтганча, Ташман туяга ўхшаган бир-икки Рўзимурод полвоннинг жигарларини демаса, бошқаларнинг хотирасидан ўчиб кетган. Қулмат Рўзимурод полвондан бошқанинг ёқасидан тутмади. Қайтиб майдонга доримадиям. Шундай бўлсада, унинг полвонлиги қоронги тунларда, ёргу кунларда оғиздан-оғизга ўтиб, шоҳулоқ пишган, қўноқ тушган даврани кезиб, «Қулмат ўшанда шалварини хўллаб қўйган, даврага чиқиш олдидан заранг таёфини сиқсан жойи қизнинг сочидай тарам-тарам бўлиб қолган»и ҳақидаги миш-миш ва эмишлар орасида Зубайдада билан бир мучал яшагунча исмига полвон сўзи эргашгани рост.

Фалакнинг гардишини қаранг-а, ҳозир у шармандалик, шармисорлик даврасига чиқиб турибди. Ота-онаси нотайин бир парча этга катта аза, катта можаро. Қулмат подачи ўз элига юзланиб, зор қақшаб, ялиниб Мулла маҳсумдан неларнидир умид қилиб, Тиркашов муаллим ва Эшон бува бошчи эл билан курашди. «Кўпга қўшмоқдан бошқа даво йўқ», деб муддаосини айтса-да, Тиркашов муаллим: «Кўпга қўшиш қочмайди. Сен олдин уни қандай топганингни айт, эл билсин», деб қистовга олди. Қулмат подачи гуноҳкор, Қулмат подачи айбдор. Айтар сўзини тополмай, ахири, ит ўйнаб юрганини, боланинг эр экани ва ниҳоят унинг суннат қиласар жойини ит еб қўйганини айтишга мажбур бўлди. Оломон барибир уни ва ўша жойини кўрмоқчи, Тиркашов муаллим ва Эшон бува билан кўрса, ота-онаси топилади-

гандек, ўша жойи битадигандек, Қулмат подачи Қулмат ёлгончига, Қулмат қасамхўрга айланниб қоладигандек бўлди.

Улар кўришди. Ундан ўзини олиб қочган кўпайди. Эшон бува Бўрибосарга ҳукм айтди. Оломон унинг ижросини талаб қилди. Ит осилди. Аммо у осонликча жон бермагач, Тиркашов муаллимнинг турткиси билан бир бўзбола итнинг бўғзига дами ўткир пичноқ тортди. Бўзболанинг бетига қон сачради. Қулмат подачининг юзини кўзёшлари ювди.

Оломон гўё шу томошага йигилган ва муддаосига етгандек тарқаб кетди. Улар орасида Эшон буваям фойиб бўлди. Тиркашовни оқсоқоллик юки ушлаб қолдими, уни Мулла маҳсум ҳам, Қулмат подачи ҳам билмайди. Яна бир-икки киши билан қўёш қиблага оққанида боламозордан бир ўра кавлаб, подачининг боййўлихонасидан чиқаришли.

Мулланинг юриш-туриши отамерос. Саҳарда азада, эртасига фотиҳада, сўнгига худойида қироат билан тиловат қилади. Азадорларнинг елкасига бош қўйиб, «Кўп куюнманг! У берганини олди-да», дейди-қўяди. Ачиниш, куюниш унга бегона. Негадир бугун унинг ранги қорайиб, лаби ёрилибди. Қулматни-ку, ўз дарди, Қизгалдоқнинг иссифи еб қўйган. Тиркашов муаллим асосига суянган. Икки-уч кишига «уй» кавлаганлар ҳам қўшилиб, саф кенгайиб мозордан жим қайтишяпти. Подачи чукур уҳ тортди. Муаллим жимликни: «Кулмат, ичикма. Эл олдида айтганмиз, қачон бўлсаям Эшон бува билан у беномусларни топамиз. Қизгалдоқда қўймаймиз», – деб бузди. Қулматнинг киртайган кўзлари гўристонга қадалди. Қип-қизил қизгалдоқлар очилиб ётган қабрлар орасидан митти мозорни топди. «Эҳ, сени шу кўйга согланинг насли куйсин!» – деганини билмай қолди. Бу негадир Тиркашов муаллимнинг қитигига тегиб кетди.

- Қулмат, элга бундай дейишга ҳақинг йўқ!
- Элни демадим.
- Ҳозир у кимдан, билмаймиз-ку?
- Билмасангиз, индаманг.
- Элга сенинг боййўлихонанг етмайдими-а?

Кесақдан олов чиққанидай мүнди чўқقا айланди. Тишиз оғзидаги тупукни Тиркашовга тортиқ қилди. Изидан ёрилиб ётган бармоқлари етмай, бўйнига асо тегиб тўнтарилди. Юз-кўзи демай бошига, кўкрагига тепкилаётган Тиркашовни Мулла маҳсум тортди. «Эй, Бухор алдаркўсани боласи, сен шу тирик мурдага эга чиқиб қолдингми ҳали! Бунинг-ку, ўлиб қутулмаса қутулмайди. Сен биланам кўраман. Саҳарга қўймай бу ялоқхўрни бойўғлихонасига қўшиб ўт қўяман. Сенинг бошингга итнинг кунини соламан. Ўзи, куни билан кўзингни ола қилганинг ортиқча...», дея тинмади.

Тиркашов муаллимдан ўтолмай мозорга бориб келаётгандар: «Домла, одам тенги билан жанжал қиласди-да энди. Сиз у ялоқхўрни сўкканингиз ҳайф. Алдаркўсани боласиям бир гўр. Қулсан, қобилсан, асли наслингга тортасан, деган-ку. Шу алдаркўсага тортибди-да энди. Қўйинг, ...вич эшитса хафа бўлади-я», деб овутган бўлди. У бўлса то уйгача мулла билан подачининг таърифини келтириб борди.

Подачининг оғзи бурнидан оққан оч қизгиш қон Мулланинг яктагиниям бўяди. Қулматни қўлтиқлаб бойўғлихонага олиб бориб бир кафт сув топмай ариқقا ювинтириди ва Шунқор Мирзодан ош-овқат бериб юборишини айтиб, Мулла маҳсум жўнаб кетди.

Туни билан Қулмат подачининг уйқуси қочиб, узоқ хаёлларга чўмиб, шифтга тикилганча ётди. Сас-садо йўқ. Ҳатто бойўғлиям жим. Ёта-ёта кулбасини саганага ўхшатди. Ўзини унда ётган ҳисоблади. «Наҳот мен ўлган, саганада ётган бўлсам-а? Ўлигимга ким эгалик қиласди-а?!» Ўлимдан илк бора қўрққанидан отилиб ташқарига чиқди-ю, қўлига кесак олиб кулбасига дўқ қилди, отолмади. Ич-ичидан келган алам қайтадан тислантириди. Остонада отасини кўриб, боладай чопди. Етмишни уриб қўйган бува ёшининг ярмига етмаган отаси бағрига ўзини отди. Кучди. Сароб экан. Пешонасини остонага уриб ўкириб юборди. «Эй худо! Менга нега ризқ берувдинг!? Сарсон қиласман девмидинг!? Аҳмоқ

қиласман девмидинг!? Ё тангри, айт, мендан нима ўтган, айт!? Сафир қилдинг – кўндим! Куттирдинг – чидадим! Отам сифмаган дунёга, онам сифмаган дунёга, болам сифса бўлмасмиди, айтсанг-чи, айт!? Сенингам тилинг бор, айт!? Бироннинг молини олдимми ё жонини олдимми, уйини буздимми, айт, қани, айт!? Ё берганингни мен нотавон билмадимми, айт!? Берганинг сафирликмиди ё бир гулни қўлимда сўлдирғанмиди!? Ўзи сен тўғри билан эгрини фарқлай оласанми, айт!? Ҳаромни урчитсанг, ҳалолни тўссанг, сенингadolating шуми!? Менга яна нимани атаб турибсан, айт, айтсанг-чи!? Эсимни танибманки, эзасан, эзгилайсан, тўймайсан, айт, ўзи, қачон қўясан!?» Қулмат таъна қилиб, зорланиб толди, ҳовридан тушди. Энди у ҳоргин овозда гудранарди: «Эй тантрим, мендан ўтгандир. Мендан бўлмаса, аждодимдан ўтгандир. Майли, нима берган бўлсанг, барига – қайгунтгаям, қувончининггаям шукр! Аммо мен сенинг луқмаси ҳаром, ҳирсига қул бандаларингдан нафратланаман. Нафратлансан, нима қилай, ўзинг айт!?» Қулмат яна томоғига зўр бериб, бақира кетди: «Нафратланаман, нафратланаман! Нафратланаман!» Ўз ёқасидан олиб, ер муштлаб ётганини, яктагини йиртиб ташлаганини англаб, индамай осмонга тикилиб қолди.

Юлдузлар ўша-ўша. Сомон йўли бурунгидек. Эшак ҳанграшию хўрознинг қичқиришида ҳам ҳеч бир нуқсон йўқ. У тонготарни кутмай елкасига тўнини ташлаб Қизгалдоқни тарқ этди. Қишлоқдан чиқаётганида узун вагонларини судраган, белита «Кимкўрган – Фармистон» ёзувли поезд шитоб билан келиб, «таقا-тақ» қилиб, Қизгалдоқча бир тўхтаб, ўтиб кетди. Унинг хаёлида йигитлик даври, худди шундай бир тун жонланди. Ўшанда худди шу поезддан бир болани эргаштирган кўккўз хотин тушиб қолган ва Тиркашовнинг уйини сўраганди. Ҳа, у бола ҳозир Фармистондай катта шаҳардаги кимсан ...вич, аҳли Қизгалдоқ у билан фаҳрланади. Бирори тўғри йўлдан озса, уни йўқлаб боради. Бирори мақсадга етаман, деб эгри йўл излаб боради. У шундай катта одам бўлган. Қизгалдоқча юриб келиб, Қиз-

ғалдоқдан чиққан ва қизгалдоқликман деганига соя берадётган ...вич!

Кулмат кўп йўл юрмай, подачилиги эсига тушиб, таёғини излади. Ташман түянинг олдига бораман деб бир қадам олса, иккинчисини Тиркашов муаллимдан қочиб қўяди, учинчисини ўз ўтмишидан қутуламан дея ташлайди. У шу кетганча Жинжаклига, ундан Чамангузарга, ундан Найзабулоққа ва Найзабулоқнинг суви тўқилиб турган дарёни ёқалаб яна кўп юриб, Полвонариқнинг бошига келиб қолган.

Полвонариқ бўлса, ху-в, анави қишлоққа саҳарда бир тўйга етказган. У ўша тонгдан бери тўй-маъракаларда самовар ёқиб, чой қайнатади. Тўйдан қайтишида болалар «самоварчи чол», деб ортидан эргашиб чопади. Бири тош отади. Бошқаси тош отганга дўқ қиласди. Яна бири қўшиқ айтишини сўрайди. Унинг бисотида бор-йўғи такрор-такрор айтадиган битта қўшиғи болаларни анграйтириб қўяди.

Эчким туғди – сути йўқ.

Қумара¹син қути йўқ.

Овози эшитилмай, ўзиям кичрайиб-кичрайиб, бора-бора бир нуқтага айланиб, ёлғизоёқ йўлга сингиб кетади.

Қаерда ётади, ким билан истиқомат қиласди, буниси қоронғи. Қаерликсиз, деб сўраганларга чол шундай деган: «Ер куррасининг қоқ киндигидан кунчиқарга терс тарафдаги Лўлитопмасдан». Тўйдан олган қўнигини қўлтиғига қисиб, гоҳ тошлар орасида қолиб, гоҳ қўшиқ айтиб, яна-яна ўз йўлига сингаверади. Кечалари узоқ-узоқлардан бир сибизганинг товуши келса, ҳамма «Бу ўша – самоварчи чол», дейишади. Унинг ҳар замонда сакраб, қўлинини баланд-баланд чўзиб рақсга тушиш одати борлигиниям, қишлоқ этагидаги кўл балчигига аганаб, шалварини байроқ қилиб чопиб юришиниям кўрганлар бор. уни бирор Қулмат деса, бошқа бирор Қулмуҳаммад дейди. У ҳақдаги гап-сўзлар жуда урчиганидан қай бири рост, қайси ёлғонлигини ҳам билмайсиз.

¹ Қумара – бола.

ДИЛМУРОД СОДИКОВ

ЎЗИДАН ҚОЧАЁТГАН ОДАМ

Боботоқقا пода ҳайдаб кетаётувдик. Манзилга етмасимиздан кун бота бошлади. Қуёш қизгиш тус олди. Осмон тоқидағи парқу булутлар нимпушти рангга кирди. Тогнинг гадирбудир чўққилари, бепоён адир ҳамда этакда сочилиб ётган қишлоқлар устида шафақ бижирлади. Қуёш осмонни тарк этди, бироқ қутб қонга бўялгандай қизариб турди. Кун сеқин-аста унниқиб, зулмат чўка бошлади. Кундузга хос нарсалар қумга сингандай йўқ бўлди, ҳаммаёқни тун вазминлиги эгаллади. Шу пайт тоғ қаърида шоқоллар улиди. Моллар таққа тўхтади. Тоғам поданинг олдига ўтиб йўл бошлади. Мен ортда, хачирда «ҳада-ҳуй»лайман, ёнимда озиқ-овқат ва идиш-товоқ ортилган ола эшак, унинг кетида иккита қозоқи итимиз тиркалиб келади. Тун осуда, осмонда юлдузлар порлайди. Ёқимли шабада эсади. Ахён-аҳёнда қарчигай чагиллаб қўяди. Ўтлар орасида ва сойликларнинг сув ювикиетган ўнгирларида чигирткалар тинмай чириллайди.

Тўсатдан ҳаво айниди. Жонланган шамол кўклам денгизини тўлқинлантирди. Тоғам отни Қанотлиқоя томон бурди. Сўнг менга ўгирилиб: «Илдам-илдам ҳайда, ёмғир келаяпти!» – деб қичқирди. Мен хачирни никтадим.

Бирпасда осмонни булат қоплади. Кучли шамол турди, момақалдироқ гулдираб, ёмғир қуя кетди. Мен тия жунидан тўқилган чакмонга ўралиб олдим. Чакмон ичида томчилар шатирлатиб ураётганини эшишиб турдим. Бир оз ўтгач, ёпинчиқ ёқасидан атрофга қарадим: ҳаммаёқ ярақ-юрук, булат терак бўйи осилиб тушган, так-так, шилдироқ, отқулоқ барглари сувга ивиб шалпайиб қолганди. Ёмғирнинг зўридан моллар иргишлиб чопарди. Жунлари ивиб, қовурғасига ёпишиб

қолган итлар эса гоҳ подага яқинлашар, гоҳ хуржунли эшакнинг қаватига киришга тиришар, ёмғирпана жой тополмай аллатовур гингширди.

Ёмғир қуйиб ёғарди. Сув чакмондан ўтиб, кўйлагим танамга чиппа ёпишди. Усти бошим билан дарёга шўнгиб чиққандай шалвираб қолдим. Чакмонни бошимдан олувдим, теваракдаги сойларнинг сувга тўлгани ва нишабликдаги ўтларнинг бир текис ётиб қолганини кўрдим. Дара тугади. Тик тушган юзаси илма-тешик бўлиб кетган жарлик бошланди. Унинг тагидан, паст-баланд кенг сўқмоқ бўйлаб юрдик. Бу йўл зим-зиё, лекин ёмғирпўш эди. Тепадаги ковакларда кушларнинг уйқу аралаш чугури эшитилади. Ўйдим-чуқур сўқмоқдан юқорига кўтарилиб, текис, баҳаво ўтлоқзорга чиқдик. Ёмғир тиниб, мусаффо шамол эсади. Даралар ёмғирга бўккан. Овдан қуруқ қайтаётган Ҳисор айифига ўхшаб жуда вазмин қадам ташлардик. Дара адогидаги чўққилар саф-саф аскарлардай қаторлашиб турарди. Бургутнинг қанотидай кенг ёйилгани Қанотлиқоя. Унгача сел ювиб кетган тошлоқ арна¹ бор. Арнада ёғиб ўтган ёмғирнинг бўтана сувлари шитоб билан оқади. Соҳили эгри-буғри дарёдан бир амаллаб ўтдик. Кечув пайтида хачирим икки марта мункиб кетди. Бирор фалокат бўлмасин, деб хачирнинг яғринига қамчи билан туширдим, жонивор токи жингилпояга чиққунимизча қадамини тек босиб борди.

Қоя ён ўркачларга мингашиб олган. Чап қанотдаги ўркач бағрини сув тешиб ўтганидан форга айланган. Чўққиларнинг орқаси қалин қарагайзор. Овчилар шу гор орқали ўрмонга ўтиб олади. Ҳозир у ердан шариллаб оққан сув этакдаги арнага бориб қуийлмоқда. Тогам отдан тушиб, қоя остидаги қўрхона томон юрди. Қарасак, ўчоққа ўт ёқилган, юпқа кул қатлами тагида чўф милтиллаб турибди. Шоҳ-шаббалар сочилиб ётибди. «Гулханни қалламозорлик подачилар ёққан бўлса керак, — деди тогам чўтлаб. — Чўпонлар ўтинга хасис бўлади, бир дона чўпниям бекорга ташламайди».

¹ А р н а – баҳорда сел уриб кетган жой (арик).

Мен хуржундан шолча олиб ёздим, кўрпача солдим, ке-йин намиқиб кетган кўйлагимни алмаштиридим. Тогам подани уюргани кетди. Шу орада итлар хуриб қолди. Ўчоқча икки бўлак тўқмор ташладим-да, чўзилиб арна томонга қарадим, тогам кўринмади. Итлар акиллади. Бир оз хавотирга тушдим. Тоғда кечаси товуш чиқариб бўлмайди. Гаранда-гурандалар одамга хавф солади. Бундай пайтда ҳайвон ё қуш тилида гапиришга тўғри келади. Хуллас, кўлимни оғзимга қўйиб, «ку-ур»ладим. Тоғамдан «хотиржам бўл», деган жавоб келди. У гор тагида, заранг таёқни белидан ўтказиб, энгашганча ўпқонга қараб турарди. Итлар тинмай ҳуарди. Қизиқ, улар тулкининг ҳидини олдимикин? Тоғам тулкини ёмон кўради. Учратиб қолса, «зоти паст», деб сўқади ва ўнг енгидан ип узиб, тутатиб юборади. Шундай иримчи одам нега бунча горга тикилади? Тағин айдари¹ масмикин? Вой, гапим курсин, айдари дегани жуда даҳшат-ку! Унинг қораси ўчсин. Унга ҳеч бир жонзот бас келолмайди.

Ниҳоят, тоғамнинг қорувли гавдаси кўринди. У кўрхонага келиб, намиқиб кетган чакмонини ечди, ўнгири узун, кенгмўл камзул кийиб олди. Юзида эса бесаранжомлик бор.

- Нима гап, тинчликми, тоға?
- Унинг бошмалдоқдай қошлари андак чимирилди. Сўнг:
 - Тинчлик, жиян, — деди ўйланиб. — Шу... горда нимадир бордай. Инграгандай бўлди. На одамга, на ҳайвонга ўхшайди...
 - Ким билади, бирор жонивор ёмғирдан қочиб кирганми...
 - Арғамчи бўлса керак-да! Улар одамдай овоз чиқаради, деб эдингиз!
 - Авраётган маҳалдагина товуш беради.
 - Арғамчининг кўзи йилда бир марта ёнармиш. Буни кўрган одам бой бўлармиш. Шу чинми, тоға?
 - Бу гапни кимдан эшийтдинг?
 - Марқа бува айтувди.
 - Тўғрику-я, лекин бу фалокат келтиради.

¹ А й д а р и – аждарҳонинг шевада айтилиши.

Кўрга кўмилган картошка пишди, чўғ чарсиллаб отилиб қолди. Тамадди қылдик. Тогам Қанотлиқоя, унинг атрофидаги қишлоқ ҳақида гапирди: – Бу ер – Калламозор. Ўтган аср бошида эски тепаликда одам боши кўмилган қабрлар топилган. Қишлоқ мутаваллилари даҳрийлардан чўчиб, бош чаноқларини Илонжарга улоқтиришган. Азбаройи суюклар кофирлар қўлига тушишини исташмаган... Тузалбой худди шу қишлоқдан бўлади. Унинг сурув-сурув кўйлари паstdаги дараларда ўтлайди. Бегоналар бу ерга дориёлмайди. У Калламозорга хўжайин. Тавба, одамзотни нафс енгди. Бўлмаса, ер кимлардан қолмаган! Эй, жиян, ер, бу – абадият, унинг олдида ким бўлибмиз?! Ҳеч ким! Дарё сувидай оқамизу кетамиз...

Шу пайт фор тагидаги сув «шалоп» этди. Итлар важоҳат билан югурди. Ўзларини аямай сувга ташлади, вағиллади ва аллақандай одамнинг жонҳолатда қичқиргани эшитилди. Ичимизга фулгула тушди, кейин кўлимизга илинган нарсани олиб чопдик.

Қарасак, айланана ҳовуз ичида Кўккўз билан Полвон (у айикдай семиз ва кучли эди) бир одамни талаб ётибди. У одам сувга ўзини пишиб олар, нафаси қайтгач, бошини чиқарип овози борича бақиради. Тогам пойчасини туриб сувга тушкида-да, итларни нари қувди. Итлар ўлжасидан қуруқ қолган йиртқичдай ҳовуз четида кўзларини олайтириб, оппоқ тишларини кўрсатиб ириллаб тураверди. Ҳалиги киши дод солар, сувни шалоплатар ва горнинг мум тошларига тирмашиб юқорига чиқишига ҳаракат қиларди. Тогамнинг: «Кўрқманг, буёққа келинг, қўлингизни беринг», дейишига ям қарамай, фор деворига ўрмалаб чиқаверди ва бирданига сирпаниб, сувга юзтубан қулади. Ҳовузнинг суви икки ёнга айрилиб, ўпқон ҳосил бўлди-да, гойиб бўлди. Уйрум қайтиб тўлгач, атрофга жимлик чўқди, итлар сувга тикилиб қолди. Юрагим дукурлаб урди. Тогам ҳовузга тушгани ҳамон тана пўкақдай юзага қалқиб чиқди. Уни ташқарига чиқарип ётқизди. Кўкрагини босувди ихради, оқариб кетган юзини буриштирди. Тиришиб, гужанак бўлиб олди. Тогам уёқ-буёғини

уқалагач, пича бўшашиб ўзига келди. Бизни кўриб, кўрқиб кетди шекилли, илкис туришга уринди.

— Кўрқманг, биз оқмозорлик чўпонлармиз, — деди тогам. Ҳалиги одам чап елкасини ушлаб «оҳ»лади. — Итлар роса талабди-ку, ога, — деди тогам тасалли бериб. — Ҳай, нима ям дердик. Ҳайвон-да! Лекин чатоқ бўлди.

Унинг қулоғига гап кирмасди, қўлга тушган ўғридай қочишига пайт пойларди. Амал-тақал қилиб қўрхонага етак-лаб келдик. Ўчоқдаги чўғни кўрди-да, иккимизга аланглаб қаради. Бу қарашида кибр-димоф бор эди.

Калтакесимдан келган, озгин бу кўса одамнинг тишлари тўкилиб адo бўлган, гапирганида икки лунжи товуқнинг жигилдонидай кириб-чиқади. Косасига ботган кўзларидан қаҳр олови учқунлайди. Бурни чигитдай. Устидаги жемпери шалаббо бўлган эди, пахталик кўйлак-иштон бердик. Шундан кейин ажин босган юзи сал ёришди.

— Ога, келинг, би-ир отамлашайлик, — гап бошлади тогам. Одатда, у хокисор, фақир одамларни ўзига яқин оларди. — Қайтар чўпонман. Бу бачча — жияним, — деди мени кўрсатиб. — Каттарса чўпон бўлади. Иштиёқи зўр. Ҳар қалай, қонида бор-да... Энди, ўзингиздан сўрасак, оғам. Тогчилардан бўлсангиз керак?

Нотаниш одам ҳеч нима демади. Ўчоқдаги чўққа қўзини тикиб ўтираверди. У чуқур ўйга чўмганди.

— Нима, бошингизга мушкуллик тушдими? Одамнинг дардини одам қўтаради, ога. Айтаверинг! Тортинманг, — деб тогам уни гапга қистади.

— ...Отим Бозиқ. Тузалбойнинг қўйчивониман. Муштдайлигимдан қўй боқаман. Бола-чақадан йўқ. Пешонада ёзилгани шу экан-да. Болам деса дегулик икки шогирд бор. Худо ёрлақасин, оқибатли болалар чиқди...

Бу исм тогамнинг кўнглида қўтириб бойлаб ётган хотира ярасини тилиб юборди. Ўн беш йил бурун эди. Айни қўклам маҳали, отарлар Боботоғ этагида жодраб юрарди. Ўн чоғли одам раҳматли Кулмўмин чўпоннинг оғзига маҳтал бўлиб,

уруш майдонида гаров ўйнаб бир гала қарғани қийратгани-ю, кўкрагидаги медалларни нақ биттага кўпайтгани ҳақида-ги матални мароқ билан эшитарди. Шу пайт қир биқинида-ги сўқмоқдан милтигини орқалаб Лақай овчи ўтиб қолади. Бечора Кулмўмин чўпон қартайиб қолган бўлса ҳам кўзи ўткир эди, қирга ўрмалаб бораётган овчига қараб: «Лақайла-рам журибди-да овчиман, деб. Қўйиб берсанг, икки метр наридаги қобонни дуруст кўзлолмайди. Қарғани-ку, гапир-масаям бўлади», – дейди. Қўтондагилар қийқиришади. «Эй, нима деяпсиз, оқсоқол, бир чақирим наридаги эчкемар-нинг бошини янчганда, қарғангиз нима бўпти?» Кулмўмин чўпон бўш келмади: «Чақир, синааб кўрамиз». Тогамнинг жўра-лари дали-гули эмасми, тура солиб, ҳалиги овчини бошлаб келибди, гёёки кекса чўпонни мот қилмоқчи бўлишибди. Раҳматли чўпоннинг ори кучли эди. Ёнидаги чопқир чаван-дозларга қараб: «Мана шу осмонда учиб кетаётган ўрдаклар-дан бирорини уриб туширсанг, битта кўпкари бераман» – дебди. Лақай овчи ўйлаб ўтирмасдан кўшотарини шарт ечиб-ди-ю, осмонга нуқибди. Уролмабди. Яна баданглатибди... Чапани овчи шолғомдай қизарибди, отлиқлар эса писиб қолибди. Қари чўпон шундаям марсинмабди, якшанбада Лойлик-да кўпкари бўлади, деб кетворибди.

Боботогда гап ётармиди, кўпкари хабари ҳаммаёқча тар-қалибди. Ҳатто Сурхоннинг у бетидагилар ҳам эшитибди. Якшанбада кўпкари бўпти. Зотига йигирма бош улоқ, тўрт фунажин қўйилибди. Кўпкари зўр ўтибди. Бизнинг Тарлон икки улоқ айирибди. Тоғам тантилик қилиб бирорини отни чопган эшонга назир қилибди. Хуллас, тўй тугаб, отлиқлар тарқаётган маҳал бир жулдуурвоқи одам тогамнинг ўнгири-дан ушлаб, отингизни бериб туринг, кўйларим Илонжарга тушиб кетди, йўғасам улардан айрилиб қоламан, дебди. Тоғам лақقا тушибди. Фарибу бечорага яхшилик истаб, терга ботган Тарлоннинг жиловини унга тутқазибди. У минибди-ю, кетибди. Шу сози қайтиб келмабди... Кейинчалик, орадан бирор ойлар ўтиб, оқмозорлик чўпонлардан бири унинг тай-

ини йўқлигини айтиб қолибди. Шу гапдан сўнг тогам Тарлонга дуо берибди...

Ана шу жулдуровоқи энди рўпарасида ўтирибди. Тогам от жониворга кўп ачинувди. Жулдуровоқини у гўрдан олиб, бу гўрга тиқувди. Шундай бўлса ҳам ҳаммасини унутибди, мана, бир тукиям ўзгаргани йўқ. Биринчи марта кўраётгандай гапини қизиқсиниб эшитаяпти...

...Туновин етти бош қўй зовдан учиб ўлди. Бойга шундай бўлди, деб борсам, бетимга шапалоқ тортди. Сен қўйларни қўпайтириш ўрнига бошига етаяпсанми ҳали, деб итдан баттар қилди. Ўлган қўйларни тирилтирасан ё сотиб олиб қўшасан, дейди. Ёмон бўлди... Жала қуяётган пайти қўйларни қўтонга қамадим-да, қочвордим. Бўлди-да энди, ўттиз йил бойнинг қўлига қараб яшадим. Бирим икки бўлмади. Қайтага барбод бўлдим. Одам эркин ялаши керак экан. Тўрт-беш йиллик умрим борми-йўқми, шуниям гурбатда ўтказмай дейман... Бойнинг одамлари изгиб юрипти... Айнам, мени кўрганингизни ҳеч кимга айтманг! Ўтинаман.

— Кўнглингизни тўқ қилинг. Ҳеч кимга айтмайман. Сизга қўлимдан келганча ёрдам бераман.

— Мен ҳақимда бировга гапирмасангиз бўлди. Тонг оқармасдан Керишгантовга йўл оламан. Ўлсамам бу томонларга қайтмайман.

— Уёқда қўнимингиз борми?

— Керишганинг бағри кенг. Ўз ҳолимча яшайвераман. Манглайимга, ҳайвонлар билан қушлар омон бўлса, бас. Мен сизга айтсам, фақат уларнинг кўнгли топ-тоза. Уларгина одамга чин ҳамдард бўла олади. Бандасидан имон қайтди, айнам. Одамлар бузилди.

Тогам жим тинглар, пешонасини, қаншарини тез-тез қашиб қўяди. Охирги гапни эшитиб сұхбатдошига ялт этиб қаради. Ўша Бозикбой бу гапларни айтиётганига ишонмади. Сўнг кўзини олиб қочди, уялди, чироқлари милтиллаб турган қишлоқقا тикилди ва ўнгайсизланиб:

— Сизга нима дейишиям билмай қолдим. Менга қолса, туғилган гўшангиздан йироққа кетманг. Ундан азизроқ жойни тополмайсиз, — деди.

— Сиз уни билмайсиз. Кўзига қон тўлган. Тўрт-беш йилдан бери: «Сен қарияни бир ёқли қилмасам бўлмайди, тоза баъдимга урдинг», деб юради... У мени соғ қўймайди.

— Ахир, уям одам. Кечирилмайдиган гуноҳ йўқ. У сизнинг айбингиздан ўтар. Ахир, қўйларни жўрттага нобуд қилмансиз-ку, тўғрими? Фалокат босган.

— Буни тушунмайди. Ҳайвон феъли бор.

— Унга ҳаммасини тушунтираман. Сизни кечирали.

— Қўйинг, фойдаси йўқ.

Орага сукут чўкди.

Сал вақт ўтиб, тогам чуқур нафас олди-да:

— Товонини ўзим тўлайман, — деди. — Садқаи сар, мол кетса кетибди. Одамнинг олдида мол-дунё нима бўпти?! Сиз бандасидан имон қайтди, дейсиз. Одам жардан қулаётган пайтдаям одамлигини унутмайди. Билиб қўйинг, имон бирламчи, у тирикка ҳам, марҳумга ҳам керак, ҳаёт — абадий.

— Ҳаёт... ҳаёт аллақачон тамом бўлган, — деди Бозиқ aka чўрт кесиб. — Лекин сиз менинг ташвишимни чекманг. Мен тамом бўлган одамман.

— Ундей деманг. Ҳаммаси яхши бўлади.

— Кўзим етмайди.

— Мана кўрасиз. Мени айтди, дерсиз.

— Сиздан қарздор бўлиб қолишни истамайман.

— Мени хаёлингизга келтирманг.

— ...

Тунги осмон сержилва эди. Юлдузлар бодраб ётарди. Қарасанг, чақнаб ўйнайди. Ёмғир ҳиди тараб, майин шабада эсади...

...Елвизак ела бошлади. Қушларнинг чугури, молларнинг пишқириғи, гимирлашлар эшитилди. Кўзимни очдим. Осмон кўкиш, кунчиқар томон ёришиб келарди. Тогам билан Бозиқ

ака поданинг нариги томонида, арнанинг бўйида гаплашиб туришибди. Зум ўтмай қуёш бош кўтариб, борлиқ нурга тўлди.

Чой қайнатиб ичдик. Тогамнинг димоги чоғ эди. У менга қараб:

— Молларни ангорга ҳайдада. Биз хув, қишлоққа бориб келамиз, — деди сийрак жойлашган уйларни қўрсатиб.

Бозиқ ака бошини иргаб қўйди.

Улар кетди. Мен дўмбирани чертиб ўтирдим. Қуёш терак бўйи қўтарилганда тогам Тузалбойнинг одамларини эргаштириб келди. Бозиқ аканинг уст-боши қон. Ора-сира ёнидаги барваста йигитлар: «Қўрнамак, тузини тотиб, тузлигига тупрасанми? А-а? Бепадар ит!» — деб унинг гарданига мушт тушириб қўярди. Йигитлар қорувли эди, кенг юзларидан жаҳдорлиги билиниб турарди.

Улар ўн бош молни айириб, олдиларига солиб ҳайдаб кетишиди. Бозиқ ака йиглашга тушди. Тогам:

— Эркак кишиям йиглайдими? Қўйинг-эй, бас қилинг! — деди.

У йигидан тўхтади. Лекин Оқмачитга етгунимизча тогамни алқаб борди. Тинмай: «Энди сизнинг олдингизда нима деган одам бўлдим? Қарзимни қандай узаман?» — дерди. Тогамнинг жаҳли чиқди. «Бўлдида-э, нима деганингиз бу? Айтдим-ку, мени хаёлингиздан чиқариб ташланг!» — деб қаттиқ гапирди. Шундан кейин у миқ этмади.

Бобомдан қолган қўтонга ўрнашдик. Қўтон икки хонали, бирида на дераза, на сандал бор. Том ичи қоронги, совуқ. Гўшт сақлашга мўлжалланганди. Кейинги хонанинг шифтида челакнинг оғзидаи тешик бор. Фувиллаб кирган шамол хоналарда айланади. Қиши маҳали тешикка челакни кийтизид қўярдик. Хона худди кўкламдагидай.

Кечқурун ис чиқардик. Қўшни қўтондан чўпонлар келди. Гурунг қизиди. Мехмонлар тонгта яқин қўзғалишиди. Бозиқ акаям кетаман деб туриб олди. Тогамни узоқ дуо қилди. Отам қилмаган яхшиликни қилдингиз, деди. Унинг елкасига тўрва

илдириб кузатдик. Овози тинмай, тоғамни алқаб, жавраб кетди.

Ёз келди. Ҳаво аланга олиб, ўтлар қовжираб қолди. Арнада сув тортилди. Күч-күронимизни йигиштириб қишлоққа қайтдик. Тоғдаги воқеадан уйдагилар хабар топибди. Бобом: «Шу замондаям ҳотамтойлик қилиб бўладими?» — деб тоғамни койиди. Момом: «Ҳай, гўрга, жон омон бўлса, мол топилади», — деб кўйди. Шу билан бу ҳақда қайтиб гурунг бўлмади. Бобом ҳам нима қилсан, ўглини шундай тарбиялаган-да. Одамга нафинг тегмаса, одамгарчиликдан кеч, деб ҳозир ҳам айтиб юради.

Пичанни ғамлаб, тоққа йўл олдик. Бу томонларда куз қисқа бўлади. Чўққиларга қор тушгач, чўпонлар яна қишлоққа қайтишади. Ҳозир адирни ажриқ босган. Яйловда сурувлар жодраб юрибди. Калламозорга қўниб ўтдик. Ангордаги чўпонлар: «Бу подачилар ким бўлди экан?», — деб бирин-кетин келиб, ҳол сўрашди. Бироқ бир чўпон қўнимга яқинлашавериб тўхтаб қолди ва ортига бурилиб югуриб кетди. У юрганча кетаверди. Ҳамроҳлари: «Ё тавба, Бозиққа нима бўлди? Жин чалдими буни?» — деб ажабланиб қолишиди. Улар билан гурнгимиз қовушмади. Бирин-кетин туриб, отарининг бошига қайтишиди.

Тоғам қийшанглаб қочаётган Бозиқ чўпоннинг ортидан қараб: «Бу томонларга қайтиб келмайман деганди-ку! Тавба, келиб-келиб яна Тузалбойнинг сурувини боқиб юрганини қара!.. Айнибди баччагар», деди овозини чиқариб.

Хиёл ўтмай қўзғалдик ва йўлда давом этдик.

АЗИЗ НОРҚУЛОВ

ҚЎРҚИНЧ БАФИШЛАГАН СЕВИНЧ

Ширқ-ширқ...

Ширқ-ширқ, ширқ-ширқ...

Абдураҳмоннинг ихтиёри қўлдан кетди. У қабристонда туриб, мозорларни суратга олаётганди. Юрагида милт этган нур йўқ. Нажотни нимадан қутишни ҳам билмайди. Қўзёшлари неча карра юзини ювди. Тонг отгунча қанча ёстиқлар ёш томчиларидан ивиб кетди. Юрагига изтироблар дунёсидан қувур очилгандек эди. Ямаб-ясқаб бекитишнинг сира иложи йўқ.

Ҳоли қолмаган Абдураҳмон қабристон четидаги нимкоронги кулбага узала тушди. Ҳаёлларига эрк беришга ҳам мажоли қолмади. Ҳаёт билан боғловчи сўнгти толаларнинг чирт-чирт узилаётганини сезиб турарди. Қанча муддат ётди, хотирида йўқ. Эти жунжикиб уйғонди. Ҳадиксираб атрофини кузатди. Вужудига сезилар-сезилмас таралаётган титроқ бор хаёлларини тўзгитиб юборди.

Болалигида тонг маҳали том бошига чиқиб, гўё қуёшни қаршилаган бўларди. Жимирилаётган уфқа узоқ-узоқ тикиларкан, пастда жигибийрон бўлаётган онаси ҳеч нарсани тушунмасди. Балки соддадил ўғлидан хавотир ҳам олган чиқар.

Бу тонг эса на тириклар орасида, на ўликлар орасида ҳисобда йўқ. Тақдир ўйинлари виждан «математика»си билан чиқишишмади. Уни марҳумлар қабр битгунча вақтинча сақланадиган мана шу кулбага улоқтириб юборди. Бетизгин туйгуларнинг асирига айланган ожиз инсон УМИДни шу ерлардан ахтарибди. Қабртошлардаги суратлар билан сўзсиз сух-

батлашганларини хотирлади. Мунгли нигоҳлар унга ҳаёт сабоқларини берарди.

— Бу дунё ва охират бир лаҳзалик таҳлика ва хавотирингга арзимайди.

Қабрлар орасида узок, бемақсад тентиди. Суратлар уни таъқиб этаётганди, нигоҳлардан паналаш эса имконсиз. Журъатини жамлади, уларга тик боқди. Марҳумларнинг бири меҳр, бири ўқинч билан ҳасрат халтасини кавлаширар, нималарнидир уқтиришга уринарди. Улар дунёнинг дардини опичлаб ётганини ҳис қилди. Нега, нега бу сасларни шу пайтга қадар туймадим-а?!

У биринчи маротаба ўлимдан қўрқди. Нажот ўлимда ҳам эмас экан! Нега паймонам тўлмасдан бурун ўлим тўшагига ётдим? Абдураҳмон ўлимдан қўрқаётганидан қўрқди. Ҳақди эди. Илгари ўлимдан сира чўчимаган. Аксинча, нажотни ўлимдан кутиб яшайдиганлар тоифасидан эди. Марҳумларнинг «вой-вой»ларини эшитгач, бу ерларга тезроқ келиш истаги тамоман сўнди. Тезроқ кун ёришса-ю, мўъжаз дунёда яшаб-яшаб қолишга шошилса. Шуни истади унинг юраги.

Бир маҳаллардагидек туйгулари билан ҳисоблашмаслик одатини энди тарк этади. На ўзгаларнинг, на ўзининг юрагига қулоқ тутарди. Оқибат-натижа эса уни бу маконларга муддатидан илгари етаклаб келди. Бироқ «инدامаслар дунёси» яна ҳам ваҳима ва изтиробларга тўла эканини кеч англади. Хаёлланди: «Энг улуғ ўлик ҳам изтироб чекишдан маҳрум»¹.

Тирик эканидан, изтироб чекаётганидан қувонди. Тириклик нишонаси, деб билди изтиробларни...

Бир оз йиғишириниб олган Абдураҳмон ҳовлига чиқди. Уфққа болалигидаги каби узоқ-узоқ термулди. Кўз илгар-илғамас қуёш шуълалари пайдо бўлаётганди. Севиниб кетди. Вужудидаги қўрқинчли титроқ тарқала бошлади. Мийиғида жилмайди. У севина олаётганидан севинаётганди.

¹ Хайрийдин Султоновнинг «Нуқта» ҳикоясидан.

Улкан одам
(Афсона эмас)

Кўлингизни силтаманг, сиз мени нотўгри тушунаяпсиз!?

Бундай бўлишини сира истамагандим. Ҳаммаси дабдурустдан содир бўлди. Йўлакдан ўтаётганимизда қаттиқ тайинланди: «Кўзларингни маҳкам юмгин-у, очма!»

Димоғимга урилаётган хуш бўйларга дош беролмадим. Атрофни кўзларим билан кўргим келди. Аввалига мўраладим. Сезмади. Кейин томоша қила бошладим. Гўзалликлардан хушимдан айрилар маҳалим осмонда муаллақ кетаётганимизни сездим. Ҳаракатланаётган биз эмасдик. Жонҳолатда силтаниб, ўзимни ерга ташламоқчи бўлдим. Мувозанатим бузилди. Ёнасига пастга қуладим. Бошим пастта қараб кетаяпти-ю, оёғим жойидан жилмасди. Кўрқиб кетдим. Мен УЛКАН ОДАМга айланаётгандим. Шу алфозда неча йиллар Ўзим билан ўзим овора бўлдим. Улкан одамларнинг майда ташвишлар билан иши бўлмас экан. Узун-узун қўлларим оёқдек ҳаракатлана олар, узайгандан-узайиб, узатган жойимга етарди.

Бироқ ҳаммаси жонимга тегди. ОДАМга ўхшаб яшамаганингдан кейин бекор экан. Азобландим. Неча-неча қайта силтандим, эслолмайман. Бир замон оёқларим бўшаб, бор бастим билан заминга қуладим. Унинг бир бурчидаги юмаларканман, қанча ҳаракат қилмай ўзимни тўхтата олмасдим. Думалаганим сайин кичрайиб бордим, ниҳоят, ёшгина болакай тўхтатиб қолди. Унга меҳрим тушди. Қилиқлари, эркаликлари, яна нималариидир ўзимга ўхшарди. Иккаламиз баб-бара-вар улгайиб бордик. Унинг мен қилган хатоларни такрорлашини ҳеч хоҳламасдим. Танбеҳни кўп бердим. Охири мендан безиб, ҳайдаб юборди.

Иложсизман.

Жимгина кузатиб яшайдиган бўлдим.

Ҳозир у жуда ҳам УЛКАН ОДАМ. Фақат оёқлари осмонда, қўлларини эса қаерга узатса етади.

Кўлингизни силтаманг, сиз мени нотўгри тушунаяпсиз!

Таскинга мұхтож тасалли

Ер курраси наздимда кичик бир заррага айланди. Унда алланималар элас-элас қўзга ташланарди. Яна ҳам узоқларга учеб кетдим...

Чексизлик гирдобида кезиндим. Сайёralар ийманган қўйи ёнимдан айланиб ўтарди. Юрак яна ҳам, яна ҳам кенгликни истади. Турфа галактикалар, турли оламларни ортда қолдирдим. Бироқ кўп ўтмади, ўзимни йўқотдим. Маъносиз ҳаракатлар жонимга тегди. Юрак ўз гўшасини қўмсай бошлади. Миллионлаб сайёralар орасидан Заминни қидирдим. Ана – у!

Аммо оёқ босарга жой йўқ. Бу макондан ўзимни топиш, ўзимни ажратиб олиш ўйи босди мени. Узоқ тентидим. Кундалик юмушлар билан куймаланаётган вужудда яшашим қийин кечишига қўзим етаётганди. Уни опичлаган кўйим бошқа оламга кетгим келди. Аммо бунинг сира иложи йўқ. Ўзимнинг ҳам ўз қўнгли бор. Баъзида туйғуларим билан ҳисоблашмайди ҳам. Танбалликларию худбинлигидан жоним ҳалқумимга келди. Ташиб кетишининг ҳам мавриди эмас. Юрак ўз маконида қолишини истайди. Кўнглимга тасалли бераман, аммо тасаллиларим таскинга мұхтож.

Чунки юрак осойишталик тарафдори.

Чорасиз қолган, дунёларга сигмаётган «олифта» Руҳ бир умр вужуд қафасида мум тишлиб яшашга мажбур.

Юраксиз ВУЖУДсиз юрак

Тонг ёришиб уйғонганимда нимагадир кўнглим фаш эди. Сокинликдан юрагим ёрилай деяпти. Беихтиёр томирларимни ушладим, бирор нарсани англаш мушқул. Ногаҳон дераза рахидан ошиб ўтаётган юракка қўзим тушди. Вужудсиз юрак қаерга ҳам кета оларди. Бепарволик қилдим...

Юраксиз вужуд билан қанча муддат ётдим, билмайман. Аммо юрагим лойларга беланди. Икки маротаба ёмғирда қолди. Бир гал кимдир янчидек ҳам бўлди. Шу аснода воқеалар қоришиб кетди.

Оғриқнинг зарбидан чўчиб уйғонганимда босинқираётгандим. Дарҳол дераза рахига, ромларга кўз юргуртирдим. Иккаласи ҳам берк. Юрагимга қулоқ тутдим, ўз ўрнида ишлапти. Шукроня келтирдим.

Юраксиз вужудга ачиндим.

Вужудсиз юракка раҳмим келди.

Арз ва дунё аразлашганда

Арз атворини ўзгартиришга қарор қилди. Шу пайтта қадар ҚАДЛБнинг сасларига қулоқ тутмасди. Таşландиқ қалб ахир бўғилди. Ўлмоқ ёки қайта тирилмоқ истагида ёнди. Тирик бўла туриб, яшай олмасликдан ўлмоқ афзал – қалби билан ҳисоб-китоб қила бошлаган Арзнинг сўнгги хулоаси шу. Очилар-очилмас сўнгган «чечак»ларнинг уволи тутмасидан парваришлишга улгуриш лозим. Арз бунга тўла ишона бошладики, у қалбига қулоқ тутар экан. Дунё ҳам, албатта, ўзгаради. Зотан, бу Арз учун яшаб қолишнинг ягона чораси эди.

* * *

Дунё бугун ҳар доимидан кечроқ уйғонди. Чиркинлаша бошлаган вужудига боқиб, ўз-ўзига ачиниш ҳиссини тайди. Шундоғам яшашга мажоли қолмаганди, ошиб тушди. Бисотидан гўзалликка бурканган маҳалларидаги жилва қиладиган зиракларини ахтариб топди. Эндинга аёллик останасига қадам қўйган пайтларидаги гўзал тусга кирди. Сандиқчасидан олган кийимлари ўрнига шармни беркитди. Юзларини қоплаб улгурай деган тарам-тарам ажинларга нафрат билан тикилди. Либослари вужудидаги кексаликни, руҳияти-

даги гарифликни ичига ютиб, яшаб қолишига қувват бағишлаётганди. Кўзгуга қаради, жилмайишга ҳаракат қилиб, кўчага отланди.

* * *

Эртасига Арз Дунёга қўл силтади. Йиғлаб-ёлворганлари нида, унутди. Нима бўлса Яратгандан, деб билди. Дунёни қўлга киритиш имкони бўлгани ҳолда ҚАЛБ амри ила яшамоқни лозим кўрди. Эрта тонгданоқ увадаси чиққан қалбининг астарини ағдарди, тиниқлаштиromoққа тиришди. Тез кунларда Дунё унинг кетидан чопишига ич-ичидан ишонди. Тиззалаб тиз чўккан дамларини унумоқ истади.

* * *

Дунёнинг қўзлари ёшланди. Ёш томчилари қалбини бир сидра ювиб ўтди. Шу он ёға бошлаган раҳмат ёмғири унга эш бўлди. Бу улар учун покланиш имконияти эди.

САЛИМ АБДУРАХМОН

ҚАРЗ

Холмат қассоб ёлғиз одам. Том маънода ёлғиз. Ёлғиз одамлар икки тоифага бўлинади: биринчи тоифаси ёлғизланиб қолган одамлар. Улар ўта қайсар бўладилар. Одамлар уларнинг сўзини қонун ўрнида қабул қилиши керакдек гёё. Бу тўгрими ё нотўгрими, уларга фарқи йўқ. Агар ҳаммаси ўзлари айтганидай бўлмаса, тўнларини тескари кийиб оладилар. Ўзгалардан нафратланадилар. Буни бекитиб ҳам ўтирамайдилар. Таассуфки, бундай одамни ҳеч ким хушламайди. Уларнинг ёлғизлиги – заифлиги. Иккинчи тоифа одамлар эса ўзини ёлғизликда яхши ҳис қиласи. Баҳтли сезади. Кимнингдир қалбига озор бериб қўйса, қийналиб, кечирим сўрашга шошилади. Ниятига етмагунча қўнгли тинчмайди. Кимгadir зиёним тегмасин деб, одамлардан ўзини олиб қочади. Қўнгли танҳолик истайди. Унинг қудрати – шунда. Холмат қассоб шу тоифадаги одам эди.

У қишлоқ четидаги қаровсиз, икки том, бир даҳлизли, эски пахсали уйда яшайди. Қишлоқдаги баъзи тилига кучи етмайдиганлар наздида бу уй – «чолдевор». Аслида-ку, унинг чолдевордан ҳеч қандай фарқи йўқ. Лекин дунёда қўнгил деган нозик нарса ҳам бор-да...

Холмат қассоб яғири чиқиб кетган кўрпачада хаёлга чўмиб, ёстиққа суяниб ётарди. Тўрда эски ёғоч сандиқ, устидаги икки-уч кўрпа ва кўрпача. Хона ўртасида қўлбола хонтахта. Унинг остида қассоблик анжомлари сақланадиган кути. Ерга баъзи жойлари сўқилиб қолган олача тўшалган. Унинг бор дунёси – шу...

Қассоб ўрнидан туаркан, қариллик қурсин, дея гудранди. Сандиқни очиб, тутунча олди. Авайлаб очди. Аёли Нодира янги келинлигига ўраган қизил рўмол... Болаларнинг кийилмай қолган кўйлакчалари... Саргайиб кетган сурат. Унда чи-

ройликкина қиз қулиб қараб турарди. Ўнг ёноғида хол... Кўксидаги чирк боғлаб кетган яра қайта тирналди. Хаёл ҷарх-палағи уни олис хотиралар қаърига улоқтириди...

Пахта экар, иши ўзига ёқарди. Этатлар орасига қовун-тарвуз эксанг, саҳарда кўкча қовунни узиб, пичноқ тортсанг-у, тар-силлаб ёрилиб кетса, мазза қилиб есанг... Бунга нима етсин! Хотини кетмони дастасига тушлик солинган тугунни илиб қўярди. Даладан қайтгач, сув сачратиб ювинар, хотини елкасида сочиқ, обдастада сув қуиб турарди... Кейин... Нодира тур-руқхонага етмади... Эшик рахига пешонасини қўйиб, энтикиб-энтикиб йиглади. Бу алам, айрилиқ, армон ёшлари эди...

Шу тунда қишлоқдан чиқиб кетди. Узоқ-узоқларга кетиб, бу ерларга умуман қайтмасликни истади. Кетди. Бир неча кун ўзига келолмай юрди. Ёлғизгина ҳамроҳи қўлидаги ту-гунча эди... Бирорларнинг ишини қилиб кун кўрди, то Одил қассобга шогирд тушмагунча... Сўнгра устози унга оқ фотиҳа берди...

Суратга икки томчи ёш тўкилди. Қассоб ёшни кафти би-лан авайлаб сидирди. Сурат тиниклашиб, аёлининг юзидаги кулгичлари яққол кўзга ташланди...

Одамни ҳаётда ширин хотира тутиб туради!..

Қассоб икки йил бурун бу ерларга келиб қолган. Қаердан-лиги, кимлигини ҳеч ким билмайди. У ҳар ҳафта бозордан мол олиб, сўйиб сотади. Аксарият эл талашиб олади. Чунки кўп қисми қарзга тарқатилади. Одамлар маош ё нафақадан олиб келиб беришади. Бирор ҳафта семиз мол ололмай қайтса, хуноб бўлиб юради. Бундай пайтда тажанглашиб ҳеч кимга эътибор бермайди. Кимда қарзи бўлса, йиғишга тушади. Қас-соблик овунчогига айланиб қолган: фойда-зиёнига қизиқ-майди. Қассоблик қилмасам ўлиб қоламан, дейди. Шу қишлоқдан бир йигитни шогирд қилиб олган. Шогирдининг ҳақини вақтида беради. У қассобнинг иссиқ-совуғидан ха-бардор бўлиб туради.

Бугун ҳам мол ололмай келган, кайфияти йўқ. Суратни авайлаб рўмолга ўради. Кўйлакчаларга қўшиб, тугунга тутиб, сандиққа солди. Ташқарига чиқди. Кузнинг сўнгги қунлари.

Оттин кўприк

Ҳавонинг авзойи ўзгарган. Изгирин шамол. Уй олдидағи бир тупгина кекса ўрикнинг сарғайиб кетган япроқлари шитирлаб тўкилмоқда. Япроқлар ҳар томонга учар, шамол уларни тўп-тўп қилиб ҳар жой-ҳар жойга уйиб ташлаган... Кўчада совуқ танадан ўта бошлади. Қайтиб кириб, чопонини кийиб чиқишини истамади. Бирор ёққа кетаётганда нимадир эсидан чиққани хаёлига келса, ортига қайтмайди. Қайтсан ишим юришмайди, деб ўйлайди. Иримчи одам...

Кўлида ўзи билан олиб юрадиган заранг таёқ, яктакчан бўлиб Баротбойникига жўнади. Баротбой қирқдан ошган, басавлат, юзлари лўппи киши, маҳалланинг олди... Қачон кўрма, гердайиб, қўлларини орқасига қайириб юради. Ўзидан сал паст келадиган одамга бурнининг учидаги қарайди. Дунёси қанча кўп бўлса-да, барча қиладиган харажатларини тиий-нигача ҳисоблайди. Отаси Эгамбойдан шундай тарбия олган. Бирорга унча-мунчага қарз бермайди. Берсаям қайтариб олмагунча кўнгли тинчимайди. Ўзи бирорвудан қарз бўлса, у одамнинг қатнайвериб кавуши ейилиб кетади... У билан бутун қишлоқ ҳайиқиб муомала қиласди, лекин орқаваротдан «Барот қурумсоқ» дейди...

Икки марта қарзга гўшт олган: бир сафар беш кило, иккинчи сафар меҳмон келиб қолди деб, ўн беш кило. Бир ойдан ошайптики, пулини берай демайди. Бир-икки сафар кўчада кўриб қолиб, сўрай деди-ю, ботина олмади. Салобабати босдими? Билмади... Оёқлари унинг уйига судради...

Дарвозани тақиллатди. Жавоб бўлавермага, таёғи билан гурсиллатиб урди. Тўсатдан дарвозанинг кичикроқ тавақаси тарақлаб очилиб, эшиқда юзларидан қон томган, жаҳли бурнининг учидаги Баротбой кўринди. У ҳушсиз эди. Салом-алик йўқ. Бирдан:

— Хўш, хизмат? — деди.

Қассоб дудуқланди. Айтар сўзи бўғзидан базўр тилига кўчди:

— Қарз...

Овозини ўзи ҳам эшитмади...

— А-а-а!?

— Қарз деяпман.

— Қарз... Сенинг ҳеч ташвишинг битадими? — сенсизай кетди у. — Кунора югуриб келасан, гўрга кирганингда ҳам қарз, қарз деб, тинч ётолмасанг керак. Оласан ўша пулингни. Етмай қолади дейдиган орtingда бирор тирно-финг бўлсақи...

Ушлади. Жон жойидан ушлади. Узиб ҳам олди. Қассоб довдиради. Тили калимага келмади. Кулоқлари шангиллади. Нима деярини билмади. Тезроқ бу ердан кетгиси, ёлғиз қолгиси келди. Кетиш олдидан баттар алам қилди. Нималардир демоқчи бўлди. Аччиқ-аччиқ гаплар айтгиси келди. Шу пайт Баротбойнинг уйи томон келаётган кампирга кўзи тушди... Кўзлар бир муддат тўқнашди. Баротбойни тарбия қилган онаси. Маҳаллада бообрў аёл. Тўю маъракаларда бош-қош. Эсиз... Ўғлига яхши тарбия бера олмабди... Юрак уриши тезлашди. Ортига қайтди. Қалбининг туб-тубида галаён уйғонди. Ўз ҳақингни талаб қилиб ололмасанг. Бунинг устига, ҳақорат қилишса... Қандай чидаш мумкин... Юраги қинидан чиққудай урап, бошида оғриқ турган, лаблари нимадир деб пи-чиirlab, ақли ҳеч нарсани идрок этолмас, мажолсиз қадам ташлар, боши бир томонга оғиб қолганди...

Чолдеворига яқинлашаётганини илгади. Шу томонга талпинди. Судралиб етиб келди. Етди-ю... Таёғига суюнмоқчи бўлди. Гавдасини кўтаришга кўлларининг қучи етмади. Юрагини чангallаганча гурсиллаб йиқилди. Кўз олди қоронғи-лашиб, дунё чирпирак бўлиб айланана бошлади. Тугунчада овқат олиб келган йигит уни шу ҳолатда кўрди...

Баротбой вазмин қадам ташлаб чорпояга, онаси ёнига келди. Онасининг кўзларидан шашқатор ёш оқар эди. Бирдан юмшаб деди:

- Сизга нима бўлди, она?
- ...
- Она?
- Ҳеч.
- Гапирмайсизми?
- Хато иш қилдинг, ўғлим.
- Қассобми?.. Жаҳл устида...
- Қарзингни узишинг керак-ку, ахир.

- Албатта, узаман. Арзимаган пул-ку!
 - Фақат пулмас...
 - Тушунмадим?
 - Сен у одамдан кўп қарздорсан.
 - Нималар деяпсиз?!
 - Ҳа...
- Баротбой бетоқатланди.
- Она... қўпол гапирганимга айтаяпсизми?
 - Уям, бошқаям. Сен унинг олдида бир умр қарздор бўлиб қолдинг.
 - Ҳеч нарсани тушунмаяпман. Майли, сизни ҳам қийна-майн. Кейин гаплашармиз. Арзимаган нарсага кўзёш қила-верасиз-да, она.

Баротбой уй томон йўналди. Орқадан онасининг заиф ово-зи эшитилди:

— Кўнгли ярим одамнинг дилини оғритдинг. Кечирим сўрашинг керак. Лекин синган кўзани минг чегалаган билан... Бу катта юк. Ўзинг ўз қилмишинг билан бўйнингга илган қарз. Бу қарздан қутулиш учун баъзан бир умрлик ҳаётинг камлик қиласиди. Тиф яраси битади, дил яраси битмайди, болам.

Шу вақт мактабда ўқийдиган кенжা ўғли шошиб кириб келди:

- Дада, буви, Холмат қассоб ўлиб қопти!
- Баротбой супага ўтириб қолди...

Изгирин совуқ авжига чиқди. Фира-шира туман тушган. Осмонни бир текисда булат қоплаб олган, қаргалар галаси «қаг-қаг»лаганча ҳар томонга ўйнаб, парвоз қиласиди. Уй ол-дидаги олма шохидан сарғайиб кетган япроқ чирт этиб узи-либ, оҳиста тебранганча ерга тушди. Аста-секин қор учқун-лаб, шу заҳоти лайлакқорга айланди. Япроқ қор остида қолиб кетди...

ФАРРУХ ЖАББОРОВ

ҚАЙТИШ

*Қишлоқнинг чанг кўчаси бўйлаб
кетиб бормоқда,
бир маҳзун,
бир ғамгин,
бир башиш йигит.
Ўша сен бўласан,
ўша — МЕН!*

Қишлоғингни соғиниб кетасан... Автобус сени тупроқ йўллар бошига ташлаб ўтади. Ҳозир бутун қишлоқ қаршинга чиқадигандек. Шаҳарда ўқишингни кўрсатиб қўймоқчисан, шимингнинг балогини туриб оласан. Галстук бўйнингда салқи осилган.

Кўхна тутнинг соясида сингилчанг ўйнаб ўтирибди. Тагида эски олача. Кўғирчоқлари чўпдан, кийими — латтапутта. Бўшаган атир шиша сига ҳавасакка сув тўлдириб олган. У: «Акам келди!» — деб ўзини қўярга жой тополмайди, бўйнингдан қучади. Олиб келган иккита хўrozқандингдан боши кўкка етади. Билмайдики, буни уёқларда... назарига ҳам илишмайди.

Онанг пешвоз чиқади, неча йилдирки сенга қадрдон бўлиб кетган қўйлаги билан, қалампирмунчоқ ҳидини туясан. Қаршингда лойсувоқ ўйинг. Куни билан қизиб ётган тупроқ кеч-курун сув сепилгач, ёқимли ҳид таратади. Сал чанг тегса, устини ўн марта қоқадиган шаҳарликлар бу ҳовлини кўрса, нима қилишар экан — ўйлайсан...

Кўёшнинг ботишини кузатиб ўтиаркансан, иting келиб ялтоқланади, қўлингни ялайверади, думини ликиллатади,

куни кеча сен бошлиғингга эланганинг каби. Кечаси отанг кириб келади. Ўйлаб қоласан, қўёвлитидан кейин бирор марта янги костюм кийганмикин? Падари бузрукворинг Тошкентнинг тинчлигидан сўрайди.

Тезда қўни-қўшни, қариндош-уруг йигилади. Дастурхонда нон, қатиқ, чакки, саримой, мева... Куннинг ҳаҳрамонига айланиб кетасан. Шаҳар ҳақида айтилган гапларни худди кино кўргандай тинглашади. Мутлақ ҳақиқатдай қабул қилишади. Бу гаплар эса оғзингнинг бир чеккасидан чиқиб кетаверади. Тошкентта қачонлардир борган тогант сен билан метро ҳақида тортишади. Бошқалар кимга қўшилишини билмай ҳайрон. Онаизоринг сенга тикилиб-тикилиб олади, худди туш кўраётгандай...

Қишлоқ одамларининг юраги каби кенг, чексиз осмон тагига жой солинади. Шаҳар ва қишлоқ қизларини солиштириб кўзинг илинади. Бир уйғонсанг, онанг бошингда ўтирибди, сочингни силаб. Отанг эртага бозорга чиқиш учун тайёргарлик кўриш кераклигини айтади. Сенга бериб юбориши учун пул керак. Кўй сотишмоқчи.

Эрталаб турсанг, сутли чой тайёр. Уканг йиртиқ туфли билан мактабга бормайман, деб хархаша қиласпти. Онанг қўшниларникига чиқиб кетган, оёқ кийим излаб. Синглинг икки пақир сув кўтариб келиб қолади, қишлоқнинг нариги чеккасидан.

Чиқиб кетасан. Жўралар, дўстлар давраси. Далани, тогни айланасан, мактабга борасан, домлаларни йўқлаб. Уйда кўзи тўрт бўлиб сени кутиб ўтирган бўлишади.

Тонг. Сафаринг қариди, энди шаҳарга қайтиш керак. Онанг бошқаларга билдирамай, сенга қараб-қараб олади. Узоқдан автобус кўриниш беради. Момонг қўлини дуога очади. Узун дуодан сўнг ўн-ўн беш жуфт қўл юзни силайди. Автобус тўхтамай ўтиб кетади. Қўшни хотинлар ҳайдовчини қарғаб қолади. Яна дуо. Навбатдаги автобусга амаллаб чиқиб оласан...

Кўзинг ўнгида онангнинг термулган нигоҳи, момонгнинг нуроний чеҳраси, эски атир идишини қўтариб юрган синглинг, янги туфли деб хархаша қилаётган уканг, сени деб дуога қўтарилган қўллар... Кулогинг тагида бобонгнинг насиҳатлари жаранглайди.

Сенга анча масъулият юклаб қўйишиди. Отанг эсингга тушади: энг сўнгти пулини ҳам фарзандларини илмли қилишга сарфлаган тантни ўзбекнинг сиймоси эмасми?

...Нимадир орқада қолиб кетгандай бўлаверади. Кўлингни сумка ичига тикиб қўрасан: «Ҳа, шу ерда турибди!»

ЖАСУР КЕНГБОЕВ

ХАВОЧУН

Агар Они унутса банда они,
Тирик эрмас агарчи бўлса жони.

Сўфи Оллоёр

Ер сайёрасида нималар бўлмайди. Ҳа, ўлимдан қўрқсан умр кўрмас.

Қанча умрим қолди? Билмайман. Билиб ҳам нима қила-ман? Менга фарқи борми? Яна бир огоҳлантириш сигнали келса, тамом, ўламан. Ҳисобимда қанча пул борлигини ҳозир аниқ айтольмайман. Ҳар қалай бир-икки қунлик ҳавога етади. Эҳ, ўртоқ Чирскин!.. Ўзимга-ку, раҳмим келмайди. Сени қўзим қиймайди-да, дўстим...

* * *

Бошимнинг оғриғи босилмаяпти. Ишламайдиган нарса оғриса, жуда алам қиласди. Агар имкони топилса эди, калламни кимга бўлса-да, бериб юборардим. Албатта, текинга. Бошимга манави лаш-лушни осишганидан бери шу ўй тинчлик бермайди. Муттасил оғриқ ҳам шундан бўлса керак. Қўзимни очолмайман. Очсан, худди бурнимнинг тагида бир қора қурт осилиб тургандай, у ҳар нафасда бурнимдан кириб, бутун аъзои баданимни ит мисол шилимшиқ манфур жаглари билан ғажиётгандай, шундоқ ҳам қисилаётган нафасимни баттар бўғар, танамда оқаётган рангсиз қонга бир томчи-бир томчи заҳар туфлаётгандай, заҳарларган қон жисмимни оний лаҳзада маҳв этаётгандай; бундан бошим телбаларча айланар, оғриқ зўрайишидан икки қўзим ва қулогимдан бошқа жойларим жонсиз таёқ сингари қотгандай тую-

ларди. Кўзим кўрган нарсаларни чала англайман, миям худди улкан бир қопни кўтарганча, сайёра ярини устида но-маълум манзил томон кетаётган қоқсуяқ, ожиз бир чолга ўхшаб қолди. Ўлдирсанг – ўлдир, тезлатма, дейди. Унга буй-руқ бериб бўларканми?

Эҳ, бир дақиқа манави сабилга ҳаво беришмаса эди, қий-налмасдим. Ахир, тўкилгандан томчилаган ёмон экан. Ҳаво-чинни бурнимга осишган пайтларда кун санарадим. Кейин соат. Ҳозир эса сония ҳисоблайман.

Ўзимни кўрай десам, кўнглим бормайди. Нарцислик пайтлар аллақачон ўтиб бўлган. Термулган кўйи нафратим ошади. Ойна айбормикин? Ойна, аввало, гирт телба-тескари нус-хангни кўрсатади. Ўнг кўзинг чапи билан, чап кўзинг эса ўнги билан жиққамушт бўлади. Суратингни томоша қиласан, сийратингдан-да йиглайсан. Айниқса, мана, бурнинг остида ҳавочининг бўлса!

Ўзига-ўзи ўлим тилаган одамни ёмон кўрардим. Бугун бу ҳолат қолган ҳаётимнинг мазмунига айланган. Умрни ҳисоблай бошлаганимдан бери унинг нақадар узун эканига шубҳам қолмади.

Узун йўлни тез босиб ўтиш мумкинми?

Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Бир машҳур одамнинг ал-жабр каби ҳаётда ҳам энг тўғри йўл энг қисқа йўлдир, деган гапини ўқиган эдим. Агар мен ўша абллаҳларга кўрс, лекин ҳақ гапларни айтмаганимда эди, бурнимга ҳавочин осишмас, мен ҳам телба-тескари йўллардан гандираклаб, эгри қўчалардан насиба излаб дайдиб юрар, ҳар учраган но-касни, гарчи нолойиқ бўлса ҳам, ҳурмат қилас, шириноқ сўз айтишга мажбур бўлар, ҳамма қатори қотган муомалада бўлар, оқибат, ўз сўзим, юзимни ўзим ер билан яксон қилас, қиёфам денгизини исқирандиларга тўлган кўлмакдай булғаган бўлардим. Юзизлиқ – ўзизлиқ, ўзизлиқ эса қора-қўнгизникидан ҳам баттар ҳаёт демакдир. Одамлар кўрганда кўнгли айниб, бурнини жийиради, эслаганда башараси бужмайиб, қусгиси келади.

Хўш, бурнингга ҳавочин тақишича яхшими? Биламан, тўкилган қайта тўлмайди. Бироқ ер қаърига батамом син-

гib ҳам кетмас экан. Мана, синголмаяпман. Ўлиш ҳам осон-
мас экан. Ўлим шоху гадога баробар, дейдиганлар жуда ада-
шади. Ўлим — ҳақ. Бироқ сен ўзинг истаганингда ўлолмас-
лик жуда катта ноҳақлиқдир. Бугун ана шу ноҳақлик мени
қийнаётир. Ўлаш азобидан қутулишнинг бир йўли нафас
олмаслиқдир.

Бу хаёл энг сўнгги қарордек туюлади менга. Нафас олмас-
лик ўлим эканини яхши биламан. Бунга уриниб қўраркан-
ман, бир неча сонияда қўзларим намланади. Қўлларим
бўйнимга югуради. Томирларим бўрта бошлайди. Вужудимда
лаззатли бир титроқ сезаман. Миямда бир тозариш рўй беради,
кўкрак қафасимданми, товонимданми чиққан бир ен-
гил эпкин бўғзимга келиб қотади. Сўнг унга оёқ-қўлим бар-
моқларидаги тирноклардан яшин тезлигига шундай бир ни-
марса келиб қўшиладики, наҳот, руҳим парчалари бўғзим-
да, жигилдонимда бирлашди? У нега муаллақ қолди, оти-
либ чиқиб кетмаяпти?

Қорним, томогимда вулқондек бир шамол бўрон солади.

Оний дақиқа довули нафратим алангасини бирпасда ўчири-
ди-кўйди. Мен енгилдим...

Эсимни олган бир ҳикмат мағзи кўнглимни пора-пора
қила бошлайди. Зардушт халқами ё халқ Зардуштгамиди-е,
шундай деган экан: «Букридан унинг буқрисини олиб қўйиш-
ганда, унинг руҳини олиб қўйган бўлишади. Кўрга унинг кўз
нурини қайтариб беришганда, у ер юзида шунчалар кўп бе-
мазарчиликларни кўрадики, оқибатда у кўзини тузатган
табибни қарғайди. Чўлоқни чопишга ярайдиган қилиб даво-
лаган унга энг оғир зиён етказади, зеро, у иллатлар қувиб
ўтиб кетолмайдиган даражада тез югуришга муюссар бўлар-
микин?».

Мен бу чоғда буқримни қайтаришларини, кўр кўзимни
беришларини, чўлоқ оёғимни бошқатдан ҳадя қилишлари-
ни сўрамас эдим.

Мен абадий йўл тусаяпман! Абадий манзил! Тушунаяп-
сизми?

Айни дамда мен йўлга чиқиш жилвасидан маст ҳолга туш-
ганида, манзилига етишдан кўра қайтиб келиш ҳақида кўп

ўйлайдиган одамлар тоифасидан эмаслигимни сезиб қолдим. Тўғри-да, ҳозиринг – жонинг, ҳозиринг – ҳаётинг, ҳозиринг – тақдиринг. Бошқаси чўпчакдек кўринади менга. Биламан, сиз абадий маконга элтадиган ягона куч томонидан сийланган барча нарсанинг икки томони бор дерсиз: туғилиш ва ўлиш, яхшилик ва ёмонлик, катта ва кичик, кеча ва кундуз, покизалик ва жирканчлик...

Агар бурнингизга ҳавочин осишса, бошқача фикрлай бошлийсиз: ҳаёт, яъни туғилиш – ўлимга тайёргарлик вақти; инсоният ўйлаб топган ахлоқий мезонлар – жазосиз қолмайдиган яхшилик эса ёмонликнинг айнан ўзгинаси; туғилган митти гўдак улгаяди, катта бўлиб, вояга етгач, тағин кичрайиб боради, демак, катталик асли кичиклиkdir; кеча кундуз деган мавҳумотнинг чегарасини билиш учун киприклар юмилган оний лаҳза очилса, ундан асар ҳам қолмайди; покизалик жирканчликнинг хаёлдай учқур, филникидай баҳайбат оёқлари етмаган жой, таассуфки, бундай жой қанча қолди ўзи?

Хуллас, ўзимга кучим етмади. Бўғриқиши зарби гарданим деворларини бузолмади. Жоним муаллақ қолди. Ўзига кути етмаган одам бошқаларни қандай идора қиласарди? Буни хаёлига ҳам келтирипасин!

Ўзи, бу кучни ким ато қиласди одамга? Ягона кучми? Нега у менга бермаган? Қизғанганди? Бошқаларга сахийлик қилган-да? Йўқ. Менимча, менга фақат гапириш учунгина куч берганга ўхшайди. Оқибат, мана, ўтирибман ҳавочини бурнимга қўндириб. Ўзни маҳв этмоқча куч ҳам, ирода ҳам топилмаяпти. Чораси, йўли битта – чидаш, қаттиқ чидаш. Бу бир азоб. Худо яратган ҳаводан ўпкангни тўлдириб нафас ололмайсан; ҳавочиннинг нина учидек келадиган тешигидан кирган ҳаво билан кифояланасан, аникрофи, шунга мажбурсан. Миянгда фақат бир фикр чарх ураверади: ҳаво, ҳаво, ҳаво... Қўлинг ишга бормайди. Бундоқ олганда, бу хонада иш ҳам йўқ. Нимқоронги зулматдайин хона. Бир стол ва стул, ранги ўчиб кетган дераза ромларини чирмаб олган, сўлаёзган чирмовуқсифат гулнинг иккита тувагидан

бошқа ҳеч вақо йўқ. Деразадан мўралайсан. Шу тобда ўзингни жилла қурса касал мушукка ўхшатолсанг ҳам суюнасан, бундан баттари эмаслигидан хурсанд бўласан. Кўчада ҳаёт қайнайди. Ягири чиқиб кетган торгина асфальт йўлдан одамлар тинмай ўтади. Ҳаммаси асабий кўринади. Бирортаси туртиниб кетса, нақ шапалоқ тортиб юборишдан ҳам тап тортмайди. Оғир сумка кўтарган кампир ҳар куни кўчани шовқинга тўлдириб ўтади:

— Ифлослар, ярамаслар! Боламни ўлдиришди... Болагинамни ўлдиришди... Ер ютгурулар...

Бу кўчанинг доимий йўловчилари кампирнинг гапларига парво ҳам қилмайди. Янгилари бўлса, бири ҳайратда, бири ажабсиниб, бири эса қаҳр билан унга тикилади. Чап оёғини сал оқсаброқ босадиган, эгнида кулранг плаш, бошидан қишин-ёзин тушмайдиган ҳаворанг момиқ рўмолли кампирнинг қарғишлари менга ёд бўлиб кетган. Эшитсан, охирги пайтлар негадир завқланаман. Мени бу ерга келтиришларидан аввал, ҳавочин тақишиларидан олдин ҳам билардим кампирнинг ўғли ҳақида...

* * *

Ҳавочинимни тортиб-тортиб кўрдим. Фойдаси бўлмади. Темирсифат металл қирралари юзим, бўйним аралаш бoshимга оғриқ берди. Сабилнинг ҳеч тирқиши йўқки, секингина очиб, тўйиб-тўйиб нафас олсан. Кўлингга чипқон чиқ-курлар шунақаям шафқатсизларча ясадими бу матоҳини?

«Емоқнинг қусмоги бор». Буни қанча есанг, шунча қуссан, деб тушунардим. Яъни «емоқ», «қусмоқ»да ҳам МУВОЗАНАТ бор, деб ўйлар эдим. Чумолиникидек «бурун»дан нафас олиб, филникидек «бурун»дан нафас чиқараётган ҳозирги кезда бу борада ҳам адашганимни ҳис этдим. Кам-кам еб, кўп-кўп қусаётганимни ўйлаб, кўзимга нам югурди...

«Хурсанд бўласан-а, — дедим ўзимга ўзим. — Кул, кулавер... Тилингга ақлинг, ақлингга кучинг етмагандан кейин кулавер. Бирорларнинг устидан қулиб ўлиб кетасан...»

Кутилмагандан ўртоқ Чирскин товуш бериб қолди. Хаёлим қочиб, ўйдан тўхтадим. Деразанинг рафига қўйганим — гу-

гурт қутисини қўлимга олдим. Секин очишим билан ўртоқ Чирскин дийдиёни бошлаб юборди. Типирчилаб-тирирчи-лаб ташқарига интиларди. Буткул қўйиб юбордим. Озодлика чиққан ўртоқ Чирскин узо-о-о-қ чириллади. «Ана энди исмингга муносиб бўлдинг, укам».

Ўртоқ Чирскин чигиртка зоти орасида энг ботири, чўнг чидамлиси бўлса керак. У билан дастлабки танишувимиздаёқ буни сезгандим. Бурнимга ҳавочин осишгандан роппа-роса бир ҳафта ўтган қуни тушга яқин юрагим роса сиқилганидан, қолаверса, миямга ўтириб қолган эски бир фикр – гўёки очсам, тўйибгина нафас оламан деган ўй билан деразани очдим. Дераза ортидаги темир панжара оралаб келаётган, кўкрагимга теккан енгил эпкиндан, таассуфки, нафас ололмадим. Жигибийроним чиқиб, ташқарига, ҳаёт туркираётган кўчага нафрат билан қараб турар эдим. Кутимаганда ердан чиқдими, ойдан тушдими – билмайман, бир нарса қаттиқ келиб қабогимга урилди. Кўзимдан ўт чақнаб кетди. Жон аччиғида қалтираб қолган қўлим билан ушлаб уни отиб юбордим. Қарасам, полга юзтубан тушган нарса, мана шу, чигиртка экан. Оёқларим билан эзғиламоқчи бўлиб қадам ташлашимни биламан, сабил, жонингдан ўргилай, ўлмаган экан, забт билан учебяна кўзимни нишонга олди. Бу сафар етиб келмасданоқ уриб туширдим. Кейин у анча вақт, бориб хаскашга ўхшаб кетадиган оёқчасидан ушлаб кўргунимча қимир этмай ётди. Бир оёғидан тутиб, кўтарар эканман, иккинчиси билан роса қўлимни тирнаб қаршилик кўрсатди. Бундай жасоратини кўргач, ҳар қандай жаллод ҳам унинг жиноятини кечириб юборса керак, деб ўйладим худди ўзимни мисол қилгандай. Юрагингга балли, жонивор. Мабодо юрагинг иккита эмасми?

Қабогимдаги оғриқ жонимдан ўтавергач, чигирткани ба-рибир ўлдиргим келди. Кейин... ўйланиб қолдим. Қуни билан сония санайман, нафас етишмайди. Гаплашадиган одам ҳам йўқ, эрмак ҳам. Боз устига, бундоқ ўйласам, «чигиртка ҳам-ласи» дамларида ҳаво, нафас олиш ҳақида ўйламаётган эканман. Ана энди каллам ишлаб кетди. Эрмак топилганидан бе-

Оттин кўприк

ҳад суюндим... «Энди менга ҳамроҳ ҳам ўзинг, ҳамхона ҳам ўзинг, биродар ҳам ўзинг».

Ҳамроҳимга ном топиш учун уч кунимни сарфладим. (Дўстинг учун уч қунлик умр нима деган гап? Ҳозир борлиғимни шунга бағишилашим ҳам мумкин-ку, ахир?) Эҳ-хе, қанча буюк инсонларнинг, ҳатто қариндош-урургаримнинг, энг яқин дўстларимнинг номини унга қўймоқчи бўлдим. Исларни бир-бир эслар эканман, э-э, нимасини айтай, арзимади... Ҳамроҳ бўлгандан кейин улугвор, забардаст исм топишим керак. У шунга муносиб. Чирскин деган номда тўхтадим. Лугавий маъноси лугатда йўқ бўлиши мумкин. Майлида. Чигирткалар ичра ноёб чигиртканинг исми ҳам оригинал бўлиши керак эмасми, ахир? Унга эҳтиром белгиси сифатида «ўртоқ» нисбасини ўйлаб топганимдан сўнгтина кўнглим жойига тушди. Дўстимнинг исмини овоз чиқариб, такрорлайман: ўртоқ Чирскин! Ўртоқ Чирскин! Чирскин! Чирскин! Ўртоқ... Ўртоқ...

Шу-шу, мен ўртоқ Чирскинга, ўртоқ Чирскин эса менга ўрганиб қолди. Ўта зерикканимда номини айтишим билан гугурт қутиси ичидаги типирчилаб қолади. Авайлабгина очаман-да, ҳар куни уч мартадан уни озодликка чиқараман. У хонани гир айланниб чиқади. Сўнг дераза рафига қўниб, мен ташлаган нон ушоқларини, овқат қолдиқларини ейишга тушади. Томоша қилиб, хузурланаман. Унга нисбатан шунча вақт мана шу хонада туриб сезмаган бир ҳис – меҳрим товланиб кетади...

* * *

«Ифлослар, ярамаслар! Боламни ўлдиришди... Ёлғизгина болагинамни ўлдиришди... Ер ютгулар...»

* * *

«Ўртоқ Чирскин! Мен ўладиганга ўхшайман».

«Дунё – орзу-ҳавас уйи, биродар, ўлмайсан. Узок яшайсан».

«Нималар деяпсан? Мен шунча йил яшасам-да, МУВО-ЗАНАТларни тушунолмадим, ақлим етмади».

«Бурнинг ёпилгач, кўзинг очилмадими?»

«Нималар деяпсан, ўртоқ Чирскин? Аnavи кампирнинг қаргишларини қачонгача деразадан эшишиб ўтираман?»
«Сўнгти нафасинггача, биродар...»

* * *

Ҳар куни эрталаб уйим остонасидан чиқар эканман, поғонимга қўндирилган кичик юлдузчаларни силаб қўяман. Атрофдагиларга мағруона-мағруона қарамайман. «Ҳмм, сен ким-у, мен ким? Ҳаммангнинг тақдиринг қисман бўлса ҳам менинг қўлимда-я. Яшайверларинг жимгина».

Бугун ишхонамдаги ҳамкасларнинг юзида қандайдир бе-зовталик ва ташвиш аломатларини сездим. Сўрасам, аҳвол чатоқ. Бошлигимиз мен билан гаплашмоқчи, тақдиримни ҳал қилмоқчи эканини айтишди. Тўғри унинг кабинетига йўл олдим.

Котиба «кираверинг», деган ишора қилди.

Эшикни тақиллатиб, сўнг бош суқдим.

Бошлиқ телефонда сўзлашар, кайфияти ҳам анчайин яхши эди. Менга қўзи тушди-ю, авзойи ўзгарди. Кейин ўзим қўнфироқ қиласман, дея гўшакни қўйиб қўйди. Ҳар доим «Фалон-чиев», деб ҳам сал ҳурмат маъносида, ҳам бир озгина ҳазиллашиб гапирадиган бошлиқ бу сафар бир оғизгина қилиб «Кир!» – деди.

Стулга чўқдим.

– Хўш, нега топшириқни бажармадинг? – деди у сенсирашга ошкора ўтиб.

Жаҳлим чиқса ҳам, унинг авзойидан қўрқдим. Аслида, қилдек айбчам бор эди. Шу боис бошқа тақрорланмайди, деб қўя қолдим.

– Нима, сенга бу ер катта холангнинг уйими, чўлоқнинг боласи?!

– Нима? Чўлоқнинг боласи?

Тепа сочим тикка бўлиб кетди. Қалтирай бошладим. Фазабдан қўзимнинг ўти чиқай деди. Титраб кетдим. Ўрнимдан сапчиб туриб тўғри бошлиқнинг олдига бориб, ёқасидан олдим. Энди мен ўзимда эмас эдим. Қайнаб кетган қоним сўзга айланди:

– Энагар, ўгри! Иш – иш, уй – уй. Ишимга онамни қўшма, итдан тарқаган!

Нима қилаётганим, нега бундай деяётганимни аниқ билмасдим. Қаттиқ жаҳұ устида бошлиққа мушт туширдим. Кеңин яна, яна... У жонҳолатда столи тагидаги учинчи тугмачани босишига улгуребди. «Тревога» сигнали овози эшитила бошлаганда, бошлиғимиз креслосига бошини сувганича жи-миб қолди. Менинг кўзим қонга тўлганди...

Ўша қуниёқ мени мана шу хонага ташлашди. Топшириққа биноан, бир шарт билан бурнимга ҳавочин тақишидди. «Бу аппарат илк бор синовдан ўтаяпти. У ҳар қуни бир зайлда пул сарфлайди. Сўнгти чақа қолишидан беш дақиқа аввал сигнал келади. Пул тўланмаса, ҳаво узилади ва сен ёласан. Ўшандай пайтда бошлиқнинг оёғини ялаб, пул сўрамагунингча, бурнингдан ҳавочин олинмайди», дейишидди.

Нозирдан эшитишими, зор қақшаб йиғлаган онамга ўғлингиз дом-дараксиз йўқолиб қолди. Қидирайпмиз, топилиб қолар, дейишибди...

Онам ишонмаслигини билардим.

Ҳавочин билан ўтаётган илк қунларимда онамга жуда ачиндим, раҳмим келди. Ёлғиз ўзи қандай яшяяпти экан, деб роса сиқилдим.

Онам ҳақида ўйлашдан ҳам кўра муҳимроқ, кучлироқ муаммо – нафас олиш масаласига келганда, баъзан ундан хафа бўлардим. Мени шундай характер билан туққани, Ягона куч эса шундай тақдир ато этганидан ҳар иккисидан ҳам ранжир, гоҳ нафратлана бошлардим. Нафратим шу даражага етдики, улар ҳақида бошқа ўйламасликка қарор қилдим...

* * *

«Ифлослар, ярамаслар! Боламни ўлдиришди... Ёлғизгина болагинамни ўлдиришди... Ер ютурлар...»

Бу таниш овоздан чўчиб ўзимга келдим. Қулоғим гувилларди. Кўзимга ҳеч нима кўринмади. Мен устида ётган столни ушлаб кўрдим. Ҳеч нима сезмадим. Нафасим сиқиларди. Иситмам чиқаётганга ўхшайди. Ўпкам «шиғ-шиғ» этаётганини эшитдим. Очик, лекин ҳеч вақони кўрмаётган қўзларими ни тағин юмдим.

Кулоқларимга жуда-жуда олислардан таниш саслар келарди. Билмайман, бу даҳшатли овозми ё овознинг щунчаки даҳшатими... Дўстимни чақираман, таниш сас эса унинг овозини эшиттирмайди:

«Ўртоқ Чирскин!»

«Ифлослар, ярамаслар!...»

«Ўртоқ...»

«Боламни ўлдиришди...»

«...Чирскин!»

«Ёлғизгина болагинамни ўлдиришди...»

«Қаёқдасан?...»

* * *

Чироқнинг ёруғи тагига тушмаса-да, атрофини ёритади...

Тун ярмидан ошганда, нафасим яна қисилиб, бошим гир айланар, кўнглим айниб, қусгим келар, шу тобда ҳаводан бошқа бутун оламни унутган эдим.

Алаҳсий бошладим, беихтиёр ўртоқ Чирскин тунги оромини олаётган гугурт қутисини пайпаслаб топдим. Қўлимга олиб, шивирладим:

— Мабодо ўлиб қолсам, сен нима қиласан? Ҳолинг нима кечади?

Кулогим остида ўзимникига ўхшаш товуш келади: «Ўлма, отим: ёз келур, йўнгичқа битур...»

Ҳавочинимни юзимга маҳкам босаман...

УМИД ЯЪҚУБ

РАМАҚ

...Кўтири босган давр(ас)ининг энг авж ноталарига чулғонган Буюк Эш(Шак) эраси хуржунидаги ножинс аср карвонида түя эгиз туққан йили, ўша... қисир ондатра билан серпушт қаламушни чатиштиришган (ва алал-оқибат темир тўнни ҳам кемириб ташлайдиган беҳисобу беҳижоб... хундору ёлдор... думсизу қўзсиз Ўлат Тўдаси сувайдо байроқлари остида фитрат нақоратининг тийнат садоларига ўранган қўйи қўзголган) ой орасида, ўша... жабралари дақиқа аро идраб бораётган Эваз Балиғи ўмганидаги тойғончиқ туёқлари лаҳза сайин едирилиб келаётган Зерикиш Ҳўқизи мазахомуз са-мимият ювиндисидан тўйинган хўрлигу мукаррамлик билан сабил қолгур шоҳдор бошини мурсалона-мақтулона сараксарак қилган, ўша... фаришта тун қўйнидан бўшангандан фоҳиша кун чеҳрасидаги ойдин-оидин Беш Лаҳзанинг ҳарир-ҳарис ония қанотлари узра худди ЎЗденгизга қайтиш учун самога сафар қилган ўзтомчи сингари...

...бир пайтлар муқаддас меҳварини ўйнамай бой берган ватанларига ал-видо айта-айта Яра(ти)лмаган Макон излаб йўлга чиққан Аждарҳо Авлодлари бир муддат нафас ростлаб, сўнг Ибтидо Рамақининг интиҳо аввалида Баҳт ва Баҳтсизликнинг нимхира туманзори қўйнида Борлигу Йўқлиknинг мангу муаллақ мувозанати елкасига ўрнатилган сағир тарози милини озгина ўнгга (эҳтимол, чапга) буриш умиди билан Ёввойи Чанг Рақсига эврилган, оқибатда эса истиғроқкүй авжида барча «арғамчи»нинг танқайған тумшуғидан тўкилган заҳар томчилари ўзагини куйдириб юборган Абадий Баҳоркелмастепа пойида ҳали яшашга улгурмай сочларига қиров инган Ўз мазмун чўққиси томон бору йўқ (бемаъ-

нию асосдор, изнли-ю исмсиз) Ўйин илгарисида ҳайрону хотиржам (сабиту ҳадиквор) тикилган кўйи ёлқиб — чилпиниб — титраб ўтирадим.

Беш томонимни Ҳирс қўшинининг тама суворилари қамал қилган, Азалқоядан йўлга чиқсан ЎЗбургут(им) бору йўқ мадор билан интилса-да, Абадчўққига етолмай толган, бинобарин, бу беҳуда дайдишнинг сабабу мақсадини топа олмай ҳайрондарада кезиб юрган, топилдиғу ютқизигим қафасга ташланган йўлбарс нигоҳларида мангу муз қотган мунгга эврилган эди: исмимнинг уч ҳарфини яшаб бўлгандим.

Ҳали жангга кирмай туриб қўшини мағлуб бўлган саркарда руҳини қамрагувчи қарахтлик йўсин тутунвор тўлқин сочимдан товоним қадар оҳиста ўрмаларкан, оломон оёғи остида эзилгач, офтобда идраб — бижгиб — айниб қолган ҳаққуш лошидай таркланган баданим жимлик кафанига ўранаркан, Умиддаражтнинг чириган илдизига болта урилгач... вақт чеҳрасини ҳали ажин(а) тишламай туриб ниятшохларни макон тутган истакқушлар оиласи Борлиғу Йўқликни ларзага сола-сола фарёд кўтариб қочқинлик карвонини тузаркан, энг сўнгти нам билан нафас олишга интилаётган япроқ каби исмимнинг охирги ҳарфини яшамоққа уринардим.

Ямоқлари ҳам йиртигини беркита олмаган Мавжудлик чиқинди уфунотига булғангандан, сулув-сулув кийиклар қўнглида йўлбарс орзузи билан ялтирил жунли тўнғизлар қўйнига шошил(аёт)ган, ҳатто қақнус тухумидан ҳам палағдалик шалтоғига белангандан каркас полапони кўз очган, тақиқ меваси ахлатга эврилган пайтдан халоскорликни бўйнига олган Якка Бўри уйғонгач... қопқон қисиб қолган оёғини тажиб ташлаб... сўнг Борса Келмас водийси қаърига абадулабад улоқиб кетган, ҳайвон зоти борки, нишхўрт талашибидан... бир тери остида семириб озишдан... урчишдан-гина шодумон қийқираётган, булутлар булоқ томон... чашмалар абр сари интилаётган, рақам унуган олам азалдан

буён айланажак Ягона Тасбек Риштасини узмоқقا жаҳдланган, қўёшнинг шаъмга ҳавасли ҳасади қўзиган, бир умр ўз қавмидан масхараю туртинишдан ўзга шимилтириқ ҳам кўрмаган Майна зардобутс кўлмак кунжагида БАРЧАга бир кийимлик қор илтижо этиб ибодат қилаётган... лаҳза... ЎЗда-рахт(им)нинг ҳамма япроги Мангу Тийрамоҳ қабри устига тўшалар, бинобарин қаҳратонда кўз очаётган фунча сингари ўзуругим учун ҳеч ниманинг аҳамияти қолмаганди. Ахир қачонлардир шубҳа, хавотир, исён мавжуд эди. Уларнинг ақлим гулханида сўна-сўна... тутай-тутай... туриллаб-туриллаб... ёнишига маҳлиё бўлардим: нимадир бордек эди. Аммо ўша... заҳардан ўзаги куйиб кетган Абадий Баҳоркелмaste-па пойида исмимнинг охирги ҳарфини яаш илинжига ўраниб пилпиллаб ўтирасканман, неча эрадан сўнг тағин ўша... Адашган Аёлгу ўзимни айтиб чақираётганини туйдим: кўзгу чилпарчин бўлди. Ў, бу овозни қанча кутганимни тасаввур қила оласизми?.. Шу садони деб икки дунё оралиғида қандай тентиганимни тушуна биласизми?.. Бу аёлгу кул — пўпанак — моҳ — заҳ — занг... босган Ўзим тубида милод(и)дан буён сўниб бораётган ягона чўғ Эгаси эканлигини түя оласизми?.. Ахир... қачонлардир мен учун ҳам вақт, фарқ, дард... мавжуд эди: кемтиклиқдан Ўзимни қўярга на замон ва на макон топа билардим. Энди эса ҳеч нима йўқ. Фақат ўша йўқлиқдан мерос қолган соя, сўқир табассум, мўлтироқ нигоҳ...гина бор: йўлбарс нигоҳида муз қотган ўтмиш...

Мана, ҳозир ўрнимдан турман-у, бир лаҳза ҳам кўз олдимдан нари жилмайдиган ўша йўлбарс қорачўфига муҳрланган мунгли кеча(м)ни... ўша Ўзим тубида сўниб бораётган ягона чўғдан яралажак гулханда... ўша ҳеч қачон ҳеч қаерда ҳеч нимадан на хавотирланмай, на ҳаловатланмай, на афусланмай йўнилган косов билан кавлаб-кавлаб ёқиб юбораман...

Ана, ҳали яашага улгурмай соchlарига қирор инган Ўзмазмун чўққисидан беранг тутун ўрламоқда... Ана, беш томо-

Ҳаср

нимдан асир олиш мақсадида қамал қилиб келаётган Манфаат қўшини тўлгама тўрларини мен томон ташлаётир... Ана, қўлтиқларим орасида ис босиб ётган қанотлар мудҳиш парвоз умиди билан таранглашиб бораяпти...

...ва ўша Аждарҳо Авлодлари бир лаҳзагина нафас ростлагач... Кўклам талоқ берган мана шу етим Заҳартепа пойимда энаси чала туғиб улоқтирган мана шу иркит дунёга қўшиб... ҳали яшашга ултурмаган исмимнинг мана шу охирги ҳарфи ни худди илон пўст ташлагандек агадулабад унутиб... Ўзмазмун чўққисини(дан) ўзимдан(ни) ажратиб турган табу туманзорига сингиб борарканман, тирикмидим ё ўлик... руҳ билан эдимми ёки тан билан... исмлимидим ёхуд исмсиз... — билолмадим.

АКОБИР САЙЙИД

ДАРАХТ ПЎСТЛОГИДАГИ БИТИКЛАР

Чол буқчайиб ўзидан ҳам ёши улуғроқ ёнгоқ дарахти остини тозаларди. Ёнгоқ меваси пўстини арчавериб қўли, лаби ва яланг оёғидаги бармоқчалари қорайиб кетган болакай сергайратлиқда бобосидан ҳам ошиб тушарди. Шох-шаббаларни улоқтириб ўйнар, кези келганда, бобосига тақлидан белини ушлабвой-войлаб қўярди. Таниш болакай. Жудаям таниш. Кўзлари, нигоҳлари, қўёшдан қорайган юзи меникига ўхшайди. У менмидим?! Чол баъзан ёнгоқнинг вужудини, гадир-будир танасини сийпаларди. «Пўстинг тўкилаяпти-я», дея гудраниб қўярди. «Шоҳинг синаяпти-я», дея оҳ уриб қўярди. Дарахт танасидаги бўртиқ чизиқлар чолнинг юзидағи ажинларга ўхшарди. Чолнинг тўкилиб кетган сочи ёнгоқ шохига ўхшарди. Бир-бирига ўхашаш икки ҳаёт бирлашган, икки ҳаёт кексайгандек эди. Мен иккаласи ҳам қачонлардир бу ердан мангу кетиб қолишини сезардим. Жудаям қаттиқ ҳис қилганимдан финг демасдим. «Бобо, ким билан гаплашяпсиз?» – дея олмасдим. Тинглардим. Бобо томоқ қириб қўярди. Болакай шох ўйнаш билан овора эди.

«Бизнинг муддатимиз тугаб қолаяпти, қария. Ёдингда бордир, мен сени ёшлигиндан бери биламан. Уй қураётганимда сени кесиб ташламоқчи ҳам бўлганман. Менга уй керак эди. Сен эмас. Кечирим сўрамоқчи эмасман. Сен ҳам ҳеч нарса демагандинг. «Келдим, дунёнгни ҳам кўрдим. Ҳеч бир қизигидан, ҳеч бир жозибасидан нишона йўқ. Қурсанг қуравер ўша уйингни», дегандек ҳатто барг қимирлатмадинг. Кейин мен айнидим. Нима, сен шоҳинг синмаси жуфтакни ростлайверасанми, деб ўйладим. Мен билан ёмон яшамадинг, шундайми? Лекин кўп қийналдинг. Атрофингта бетон тўқдик.

Кичкинамиз ЗИЛда босиб цемент олиб келиб ташлади. Қачонгача лой кечиб юрамиз, дедик. Сен яна ҳеч нарса демадинг. Бир куни дардингни ичинингга ютавериб қурийсан, деб ўйлагандим. Жонинг тошдан экан. Энди бу сафар кетишмиз аниқ. Сен хоҳ рози бўл, хоҳ бўлма... Еримиз биз учун айланишни тугатади, қўёш биз учун сочаётган нурларини бас қиласди. Насиба».

* * *

Ўсмирлигимда чол ўша пайтлари чарчаган бўлса керак, деб кўп ўйлардим. Айниқса рок, поп, жаз ва бошқа жазавали қўшиқлар таъсирига тушиб, инсон танасидан бошқа вужудни тан олмай юрган пайтларим чолни эсини еганликда айбладим. Маъшуқамга сохта ҳаётдан келганлигимни, шаҳарга келиб ҳаққониятга кўмилганимни ҳаяжон билан айтиб берган пайтларим бўлган. У оппоқ тишини кўрсатиб кулган, пушти лабларини чўччайтириб, «Ўзимнинг ёввойигинам», дея қулогимга пи chirлаганди. Мен чолнинг қўнглини оғритиб қўйган эканман. Ишим ўнгидан келмай юрган кезлари чолнинг ҳаққига дуо қилгим келиб кетди. Чол жойнамозга ўтирволиб ҳадеб такрорлайверадиган сўзларини эслай олмасдим. «ла», «ла», бу – арабчада «йўқ» дегани экан. Миямга тузукроқ гап келмади. Пешонам терлаб кетди. Юк келиши керак эди. Иссиқда куйиб-пишиб ўтиравердик. Акром, Зубай, Хуршид ва мен. Хуршид асабийлаша бошлади. Омборхона хўжайинини секин йўқлади. Онасини ҳам. Мен қулдим. Жаҳлим чиқса, куладиган одатим бор эди. Миямда ҳамма воқеалар қоришиб кетар, тетапоя қилиб, тилим бийрон бўла бошлагандан бери ўтган энг масъуд дамларимни эслаб кулардим. Гёёки қуёшнинг қайноқ нурлари қаърида пайдо бўлган йўл мени ўша томонга етакларди. Бу йўл менга пулдан ҳам қадрлироқ мукофотни ваъда қилар, кимгадир йўли-қишимга ишора этарди. Оёғим увишиб, туришга мадорим йўқ эди.

* * *

Чол эшикни гийқиллатиб очди. Бола унинг кетидан қолмасди. Кампир тўрда нимадир тикиб ўтиради. Чопон бўлса керак. Куёвликбоп чопонлар кампирнинг кўл фабрикасидан чиқарди. Чол оёқ учида келиб кампир ёнида турган ғалтакка кўл чўзди. Ғалтак ип бошқа томонга тортилди.

— Сезиб қолдинг-а? — деди чол кулимсираб.

— Худога шукур, кўзим ҳали ўткир, — деди кампир киноя билан.

Кампир кўзойнагини кўтариб қўйди. Кейин катта-катта, ҳақиқий Шарқ гўзалларигагина хос бўлган кўзларини болага тикди. Дарров ҳамма ишини йиғишириб эшикка чиқди. Чол маҳсисини ечди. Бола ҳам сакраб турди. Ғалати қувонч билан бармоқларини йиғиб, жажжи муштласини намойиш этди. «Ана, эшиддингизми? — деди овозини баландлатиб. — Бобо, эшиддингизми?» Чолнинг кўзи илинган шекилли, овози чиқмади. У ёнбошлаганча ютиниб қўйди.

— Ҳо,— деди болакай эркаланиб, — бериб бўпман сизга. Кейин сал юмшади: — Ўзиз-да, «Товугинг бақироқ, товуғинг йиғлоқ», деяверасиз. Майли, тухумни чўқقا пишириб берсайиз, са-алгина бераман. — «Салгина»ни бармоқчалари билан ифодалаб берди. Чол кулиб юборди.

* * *

Чап кўксини чанглаб қолишини кутгандим. Бунақанги бақиришда инфаркт ё инсульт бўлиш ҳеч гапмас. Хуршид аёлга ҳамроҳ икки барзангига эътибор бермади. Мен билан Зубайга кўз қирини ташлаб қўйди, холос.

— Хола, кўп «шантаж» қилманг. Сизга бўёқни мен сотганим йўқ. У мен эмас.

— Ким эди у, арвоҳингми? Машинник...

Аёлнинг ҳақоратлари кўпайгани сари Хуршидинг юзи тундлашиб бораверди. Бозордаги аравакашдан тортиб воси-

тачи-ўртакашларгача йигилди. Менга қўпроқ Сопи Бемаънининг лақиљлашлари ёқмаётганди.

— Бола қўпроқ қўшворганми, нима бало... Ўртакашга осонмас, жигар. Юз сўм топиш учун минг сўмлик гап эшитиши керак. Кўзи кўкарғани зарарига.

Индамадим. Хуршид ҳам гап эшитадиганлар хилиданмас. Бозордан қорин тўйдирадиганларнинг кўпчилиги буни яхши билади. Уни сирли жойга кўмилган портловчи мосламага қиёслаш мумкин. Тўсатдан ўзини намоён қиласди.

* * *

Кампир сахардан тараддулланиб қолди. Ҳали уёққа югуради, ҳали буёққа. Чолини оппоқ кийинтириб, кўнгли тинчиди. Кейин дарвозагача кузатиб қўйди. Чол ҳассасини қўлтиқлаб кетаркан, ортига ўтирилди.

— Сен ҳам бор, — деди жиддий қиёфада. — Қобилжон хафа бўлади.

Кампир дастурхон тугмасин. Майиз, туршак, ёнгоқ, ўзи ёпган нон, ҳаммаси бўлади. Болани кийинтирмасин. Ўзи тиккан иштончадан тортиб, кўйлакчагача кийдиради. Кейин йўлга тушади. Йўл ора болакайга яхшилаб тайнинлади:

— Дастурхонга қўл чўзавериб, мени уялтирма, хўпми, қўзим. Қорнинг оч бўлса айт, овқат сузив берай.

Шу орада йўлларидан шох-шабба чиқиб қолиши тайин. Кампир шуни ҳам қўзи қиймайди. «Ҳарна-да, тандир қизитишга ярап». Болакайнинг тили қичииди.

— Моможон, Хуршидни тўйими бугун? Суннат тўйими?
— дея сўрайди. — Нима, уни уста яна «ҳалол» қиласдими?

Момо «йўқ», дегандек бош қимирлатади.

— Ўтган сафар «ҳалол» қилган эди, бугун ош едиради, — дейди.

* * *

Ош унчалик татимади. Ҳеч нарса қўнгилга таскин беролмасди. Хўрлигим келди. Қачонгача шундай яшайман? Уйга кетаман. Тамом-вассалом. Бу ерларни ташлаб кетаман. Бир омадсиз йигит сифатида бош эгиб, қишлоғимга кириб бораман. Ҳамма кулган тақдирда ҳам бобом момом яшаган ҳовлига қамалиб оламан. Чиқмайман.

— Кўп алжира ма, — деди Хуршид кечаги муштлашувдан сўнг турфа рангга кирган юзини мен томон буриб. — Яхшиси, мана бу дискни кўр, хурсанд бўлишинг аниқ.

Экранда таниш манзара намоён бўлди. Хуршидинг суннат тўйи. Ўша пайтлари видеокамера тўйларга эндиғина «ташриф буюрган» эди. Ҳамма бу оғир матоҳни елкасига қўндириб олган кишини кўрса ё кулишга, ёки бўлмаса қўл силкишга ошиқарди. «Мана, мен», деб қўйгиси келарди. Ўйларим ичимга тушиб кетди. Уни кўриб қолдим. Мана, мана менинг бобом. Худди ўзи. Калта соқоли. Ёнгоқ дараҳтиникига ўхшаш ажинлари. Тирик экан. Дуога қўл очди.

— Омин, — деди Қобил амакининг: «Дуо беринг», деган қистовидан сўнг.

Ғалати дуо қилди. Жуда ғалати. «Менинг ёшимга кириб юринглар», дейишини кутгандим. Ундай демади.

— Барчамизни Яратган тўғри йўлдан адаштирумасин, аслимизни унутмайлик, — деди.

БОБУР НАБИ**ЮЛДУЗ**

У қўлидаги китобни ёпиб, токчага қўйди. Деразадан қарди – шом вақти бўлибди. Сандал чўғига қўйилган обдастани олиб, ташқарига чиқди. Ҳаво жуда совуқ. Қор тизза бўйи ёққан. Осмоннинг оқиши ранги қалбларга ҳузур бағишлилар даражада тиниқ. Ердаги оппоқ қор ва осмон ранги бирлашиб, уйғунлик ҳосил қўлгандай қўринар, айниқса, дараҳтларнинг айрим шоҳлари худди оқ қоғознинг у ер-бу ерига қалам билан чизиб қўйилган каби тасвирга менгзаб, ажид манзара ҳосил қўлганди. Гўё бу ерда рассом сен-у, унга хоҳлаганингни чизишинг мумкиндеқ эди.

Үйда ўтиравериб димиқиб кетган чол учун тоза ҳаво жоннинг роҳати бўлиб кетди. Ўзига йўл очиш мақсадида куракни олиб, бир оз танасини қиздирмоқчи бўлди. Ҳожатхонага қадар эллик қадамлар бор. Томирлари бўртиб чиққан қўлларига туфлаб, куракни ушлади. Айвондан бошлаб, йўл очишга тушди. Қор зилдай экан, ҳеч қанча юрмасдан ҳарсиллаб қолди. Қаддини тиклаб, худди чарчоқлардан халос бўладигандек чуқур уҳ тортди. Оғзидан чиққан ҳовур секинаста бостириб келаётган оқшом зулмати таъсирида йўқ бўлаётган оппоқ табиат қўйнида кўзга кўринмай кетди. Чол шунда эътибор берди – агар шошилмаса, намозшом ўтиб кетиши мумкин. Яна бир оз шундай тургач, ўз ишига шўнгиди...

Ўн беш дақиқа ичидаги манзилига етиб борди. Пешонасидан тер қўйиларди. Дам олиш учун бир чеккага чўқкалади. Қўйнидан дуррасини олиб, манглайдаги реза терларни арта бошлади. Қишида терлаб ишлаш яхши-ю, лекин совуқ уриб кетиши чакки-да. Оқшом тобора кунни енгиги келарди. Осмон тоқида бир кичкина юлдуз хира бўлса-да, нур сочишга тиришарди. Уни кўриб, чолнинг юзига табассум

ўрмалади. Гўё шу юлдуз ҳам оппоқ қор лашкарини ёриб ўтмоқчи бўлаётган чолга ўхшаб қолганди. Лекин у бор кучи билан ҳаракат қилаётгандек эди. Чол ҳам: «Шу митти юлдузчалик бўлолмайсанми?» – деб ўйлади-ю, шаҳд ўрнидан турди.

Обдастадаги сув ҳам совиб қолибди. Бироқ чол буни сезмади ёки умуман эътибор бермади. Ҳозир унинг хаёллари бошқа самоларда парвоз этарди. Шомни ўтказиб юбормаслик нияти ҳам қалбининг бир четида хира нур сочиб тургани учун аста қадам ташлади...

Икки ёнбошига салом бериб, аста ўрнидан турди. Жойнамозни юқорига, ўз жойига қўйиб, бир муддат сукут ичиде қолди. Энди қорин ғамини ейиши керак. Ўзига қолса, иштаҳаси ҳам йўқ, аммо қорни хафа бўлиши мумкин. Унинг аразлаши эса соғлиққа ҳам таъсири этиши табиий. Шунинг учун кечки овқат ташвишига тушди. Плитага чой қўяй деса, доимигидек бу пайтда чироқ ўчган. «Қурмагурлар, шуни ўчирмаса, нима бўларкин?» – дея одатдагидай хаёлидан ўтказди чол. Яхшиямки, термос деган матоҳи бор экан. Эрталаб шунга қайноқ сув солиб қўйганди. Ҳали ҳам иссиққина турибди. Токчадан ликопчада оққанд ва гулли дуррага ўраб қўйилган яримта нонни олиб, сандалга ўтирди. Термосдан пиёлага сув қўйиб, оққанд солди. Оққанд худди ташқаридаги қорнинг нурсиз қуёш жилвасидаги оппоқ ҳавода эришига ўхшаб, дод сув ичиде майда зарраларга ажраб кетди. Кейин у сал суви қочган нонни ҳам пиёлага ботирди. Кўзларини бир нуқтага қадаб, ўйга толди. Чамаси у боягини ўқиган китоби ҳақида ўйларди. Мактабда қоровуллик қилиб юрган пайтида бир йигит зерикиб қолмаслиги учун унга ташлаб кетган китоб ҳозирда энг яхши овунчогига айланганди. Шу-шу, бу китоб унинг ажралмас дўсти бўлиб келмоқда. Ҳозиргача неча марта ўқиганини ҳам эслай олмайди. Лекин ҳар мутолаа пайтида янгича маъно топади. Баъзан эса ўз-ўзидан ва соддалигидан ҳайратга ҳам тушиб қўяди. Наҳотки, шундай катта асар битта чолнинг сўзлари, ўй-хаёллари билан ўтиб кетса?! Ёзувчи шунча гапни қаердан олган экан-а?

У сувда ивиган ва оққанднинг мазаси юққан нонни тишлади. Шу тишлаган бўлagini эринмасдан узоқ чайнади. Сўнг ширин чойни симириб ичди. Роҳатланиб «ваҳ», деб юборди... Қорин масаласи ҳал бўлгач, аста ўрнидан туриб, нон билан оққандни яна жойига қўйди. Токчада ёниб турган шамни олиб, ётадиган жойига ўрнатди. Кейин боя шу токчага қўйган китобни олиб, жойига ётди. Китобни шам ёргуга тутиб, келган ерини топиб, очди. Шунда ўзини ҳам чексиз денгизда сузиб юрган қайиқ устида ўтирган асар қаҳрамони — Чолдек тасаввур қилди: қўлларининг кафти анча қавариб кетган, бунинг устига очлик ҳам Чолнинг силласини қуритганди. Ҳарфлар секин-секин чаплашиб, муайян бир шаклга кира бошланганда унинг ҳам киприклари гўё оғир нарса қўнгандай аста қоқилди-да, кўзлари чуқур оҳ тортгандай юмилди...

У ўзини чексиз бир яланглиқда кўрди. Атроф оппоқ қор. Ҳеч зог йўқ — ерда ҳам, осмонда ҳам. Бир ўзи қалин қор босган чўлда турарди. Негадир ўзини ҳоргин сезди. Боши оғирлик қилгандай ерга эгилди. Не кўз билан кўрсинки, унинг танаси саксовулга айланиб қолганди. Қимирласа, ҳеч ерга жилмайди. Фақат калласи билан теваракни кузатиши мумкин. Изгирин танасидан ўтиб кетди шекилли, инграб юборди. Бунинг устига, қорни роса очган. Негадир жуда сувсаган ҳам эди. Шамол саксовул шохларини ҳавода учирар, бу эса унга роса азоб берарди. Аламдан бақирмоқчи бўлди, лекин овози чиқмади. Балки чиққандир, бироқ уни эшитадиган бирор кимса кўринмасди.

Шу алфозда анча вақт қотиб турди. Худди иккала қўлини икки томонга тортиб бойлаб қўйгандек бошини осилтирганча фақат ингранарди. Шу пайт қаердандир бояги Чол пайдо бўлди. Ўзининг қайигида. Унинг ёнига келиб, қўлини чўзди-ю, лекин ногаҳон силтаниб кетди. Елкасидаги чилвир Чолни тортиб кетганди. У ўзини ўнглади, аммо қайиқ жуда катта тезлиқда узоққа кетиб бўлган эди...


У чўчиб, уйгониб кетди. Юзига қуёш нури тушибди. Ёнида эса бояги китоб. Кўрган тушининг таъсиридан қутулиб, хуши-

Отин кўприк

га келгач, бомдод қазо бўлганини англади. Ўрнидан қўзғалмоқчи эди, оёқлари қимир этмади. Кўллари билан оёқлари ни жилдирмоқчи бўлди. Шунда кафтлари қавариб кетганини кўрди. Кеча қор кураганига бўлдимикан? Ўрнидан туролмагач, бир муддат жим қолди. У факат калласи билан теваракни кузатиши мумкин эди. Сандалдаги чўғ ҳам аллақачон ўчган, шунинг учун изгирин танасидан ўта бошлади. Анча вақтгача шундай ётди. Булар камлик қилгандай ошқозон сурнай чалишга тушди. Негадир роса сувсаган ҳам эди. Лекин ёрдам берадиган одам йўқ. Бақиргани билан унинг суст овозини ҳеч ким эшитмасди.

Тасодифан хаёлига қайиқда ўтирган Чол келди. Чолдан кўмак сўрамоқчи бўлди. «Худойим, елдек кел-у, селдек ол». У энди қандай мадад сўрашни биларди. Кўлидаги китобни кўксига кўйиб, тилида бир нималарни пичирлади ва кўзларини юмди. Узоқдан булувлар уюмини ёриб чиқишга муваффақ бўлган ёрқин юлдуз чарақлай бошлади. Гёёки у чолни ўзига чорлаётгандай бир кўз қисиб кўйди. Буни кўриб, чолнинг лабларига хиёл табассум югорди. Шундан кейин қайта кўзларини очмади...

Боя чараклаган юлдуз ёнида каттароқ яна бир юлдуз пайдо бўлди...



ЖАҲОН АДАБИЁТИДАН



Хикоялар

Жаҳон адабиётидан ўқиб-ўрганилима-са, ҳар қандай адабиёт кўлиякка ўхшаб қолади.

Моғад Мурод



О' ГЕНРИ

ФАРИШТАЛАР ТУХФАСИ

Бир доллару саксон етти цент. Бор-йўқ пули шу эди. Мана шу пулдан олтмиштаси бир центлик чақалар. Ана шу чақаларни тежайман деб, баққол, кўкатфуруш, қассоб билан шундай савдолашдики, улар Делланинг тежамкорлигидан оғриниб, индамай қарадилар. Бундан у уялиб ўлаёзди. Делла қўлидаги чақаларни уч марта қайта санади. Бир доллару саксон етти цент. Эртага эса Рождество.

Энди фақат ўзини эски күшеткага ташлаб, ҳўнграб йиглашдан бошқа иложи қолмаганди. Делла худди шундай қилди. Бундан ҳаёт кўзёшлар, оҳ-воҳлару табассумлардан иборат, деган фалсафий хулоса ўз-ўзидан келиб чиқади. Бу борада оҳ-воҳлар устун келади. Уй бекаси ана шу босқичларни ўтаб бўлганидан сўнг, биз уйни бир кўздан кечириб чиқамиз. Ҳафтасига саккиз доллар тўланадиган мебель билан жиҳозланган кичкина уй. Бу чидаб бўлмас қашшоқлик шароити эмас, балки чиройли қилиб айтганда, гариблик хукм сурган хона эди. Пастда, уй эшиги олдида хатлар учун қути бор, унинг тирқишига бирорта хат ташланмаган, шунингдек, бирор банда электрқўнгироқ тугмасини босиб, овоз чиқаролмаган. Эшикдаги ана шулар ёнига яна «*M-r Жеймс Диллингем Юнг*» деган ёзувли лавҳа ҳам тиркаб қўйилган. «Диллингем» исм-шарифи бор бўйи билан қулоч ёзиб, яқин давр ичи фаровон ҳаётни бошдан кечирди, у пайтлар ушбу

Инглиз тилидан
Дилором Бегматова
таржисимаси

О' Генри (асл исми Уильям Сидней Портер (1862–1910) – машхур Америка ёзувчиси. Унинг «Фаришталар тухфаси» («The Gift of The Magi») ҳикояси биринчи марта 1906 иили «New York World Magazine» журналида чоп этилган.

исм соҳиби ҳафтасига ўттиз доллардан даромад қиласарди. Энди, ана шу даромад йигирма долларга тушиб қолганида, «Диллингем» сўзидағи ҳарфлар хира тортди, чиндан ҳам, бу ҳарфларни камтар ва сипо «Д» қилиб қисқартириш майқулмикин? Масалан, «*M-r Жеймс Д. Юнг*».

Мистер Жеймс Диллингем Юнг уйга кириб, юқори қаватга чиққанида, уни албатта «Жим!» деган хитоб билан юқорида исми Делла деб зикр этилган миссис ўзининг майин қучогини очиб кутиб олади. Тўгрисини айтганда, бу ҳолдан киши тўлқинланиб кетади.

Делла йиглаб бўлди ва момиқ билан қўзёшларини артди. У энди дераза олдида кулранг ҳовлини ўраган кулранг девор бўйлаб сайр қилиб кетаётган кулранг мушукка умидсиз тикилиб турарди. Эртага Рождество¹, Жимга совға олиш учун чўнтағида атиги бир доллару саксон етти цент бор, холос! Унинг неча-неча ойлаб йиққанлари, эришгани ана шу чақалар бўлди. Ҳафтасига йигирма доллар-а, бу пул нимага ҳам етарди. Сарф-харажатлари Делла чамалаганидан кўпайиб кетди. Доим шундай бўлади, ўзи. Жимга совға олиш учун атиги бир доллару саксон етти цент-а! Жимиға-я! Делла нечача соатларни Рождествога нима совға қиласам, Жим хурсанд бўлади, дея ҳаяжон билан режа тушиб ўтказди. Бу шундай антиқа, бутунлай бошқача, ноёб совға бўлсинки, Жимга муносиб келсин.

Икки дераза ўртасидаги деворга катта тошойна қўйилган эди. Сиз бирор марта саккиз долларлик мебель билан жиҳозланган хона тошойнасиға қараганмисиз? Киши бу тошойнанинг тор тавақаларида ўз аксини кўриш, ўзининг ташқи қиёфаси ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун жудаям озгин ва серҳаракат бўлиши керак. Қадли қомати нозиккина Делла бу санъатни эгаллаб олган эди.

Делла бирдан деразадан ўзини тортди ва «ялт» этиб ойнага қаради. Унинг кўзлари чақнади, бироқ йигирма сония ичида

¹ Р о ж д е с т в о – Исо пайғамбарнинг тугилган кунига багишлаб ўтказиладиган насронийлар байрами.

Отигин кўприк

юзларининг ранги ўзгарди. У соchlаридан соч тўғнағичларини тезгина олди ва соchlарини ёйиб юборди.

Шуни айтиш керакки, эр-хотин Юнгларнинг фахрланадиган иккита бойлиги бор эди. Улардан бири – отаси ва бобоси ҳам таққан, энди Жимга қолган тилла соат бўлиб, иккинчиси – Делланинг соchlари эди. Агарда қиролича уларнинг уйлари қаршисида яшаганида борми, Делла бошини ювиб, албатта, дераза олдида ёйилган соchlарини қуритган бўларди, – атайин шундай қиласди, шунда қироличанинг бор зеб-зийнатлари, қумматбаҳо тақинчоқлари унинг соchlари қаршисида хира тортарди. Агарда қирол худди шу уйда эшик оғаси бўлиб хизмат қилганида ва ертўлада ўз хазинасини сақлаганида, Жим унинг олдидан ҳар ўтганида соатини киссасидан оларди – атайин шундай қиласди, токи қирол унинг соатини кўриб, бундай бойлик ўзида йўқлигига алам қилиб, соқолини битталаб юлсин.

Мана, Делланинг ажойиб соchlари гўё долчинранг шаршара каби ёйилди, тўлқинланиб, жилваланди. Соchlар тақимини ўпди, либос каби Делланинг деярли бутун қоматини ўраб олди. Бироқ у шу заҳоти асабийлашиб, яна соchlарини шоша-пиша турмаклай бошлади. Сўнгра худди иккилангандек бир-икки дақиқа жойида туриб қолди, шу пайт икки ёки уч қатра кўзёшлари эскириб, тўзиб кетган қизил гилам устига томди.

Елкасига эскигина жигарранг жакет ташлаб, бошига эскигина жигарранг шляпа илди-да, сўнг юбкасини силкиганча, кўзларида ҳали сўниб улгурмаган чаққонлик билан дарҳол пастга, кўча томонга елди.

У қаршисида тўхтаган эшикдаги лавҳага қуйидагилар ёзилганди:

«M-me Sophronie. Барча турдаги соч ашёлари». Делла иккинчи қаватга югуриб чиқди, аранг нафас ростлади. Мадам Сафрони, басавлат, оқиш аёл, уни совуқ нигоҳлари билан қарши олди.

– Сиз менинг соchlаримни олмайсизми? – деб сўради Делла.

— Ҳа, мен соч сотиб оламан, — жавоб берди мадам. — Шляпангизни ечинг, ахир, товарни кўришим керак-ку.

Яна долчинранг шаршара ёйилиб, тўлқинланди.

— Йигирма доллар, — деди мадам одатдагидек қўлида қуюқ соч толаларини тутамлаганича салмоқлаб.

— Бўлти, бера қолинг тезроқ, — деди Делла.

Кейинги икки соат ўзининг қирмизи қанотларида учиб кетди, ана шу сийқаси чиққан истиорам учун узр сўрайман, албатта, Делла Жимга совға сотиб оламан, деб роса дўкон изғиди.

Ниҳоят Делла совғани топди. Бу совға фақат Жим учун яратилганига шубҳа йўқ эди. Ахир, у бунга ўхшаш совғани шаҳардаги бошқа дўконларни ағдар-тўнтар қилиб ҳам тополмаган эди-да. Бу чўнтақ соатлари учун оддий ва жиддий услубда ишланган тилла занжир бўлиб, у қалбаки эмас, балки ўзининг асл моллиги билан кишини мафтун этарди, барча асл буюмлар худди шундай бўлади-да. Занжир соатга мос келишини тан олмасдан илож йўқ эди. Делла кўрибоқ, бу занжир Жимда бўлиши керак, деган қарорга келди. Занжир Жимга ўхшаб кетади. Камтарлик ва виқор — ана шу хислатлар иккаласига хос эди. Делланинг кассага йигирма бир доллар тўлашига тўғри келди, сўнг киссасида қолган саксон етти цент билан уйига шошилди. Жим энди ҳар қандай жойда соат неча бўлганини билиш учун занжирли соатга қарашга уялмайди. Жимнинг соати бебаҳо, асл эди-ю, бироқ унга билдирмасдан қараб қўярди, чунки соат эскириб-тўзиб кетган чарм тасмада осилиб турарди-да.

Уйга келгач, Делланинг тетик кайфияти сўниб қолди ва энди нима қилсан экан, деб ўйлай бошлади. У соchlарини жингалак қилиш учун қисқичларни олди, газни ёқди ва муҳаббатга уйғун олижаноблик билан келтирилган заар ўрнини қоплаш, буни тузатишга киришди. Бундай иш доимо жуда оғир, ҳаддан ортиқ мاشаққатли меҳнат бўлиб келган, дўйстларим.

Орадан қирқ дақиқа ўтар-ўтмас унинг бошини тикка, майда-майда жингалаклар қоплади. Жингалаклар Деллани

дарслардан жуфтак ростлаган мактаб ўқувчисига жудаям ўхшатиб кўйди. У кўзгудаги ўз аксига узоқ, дикқат билан танқидий назар солиб тикилди.

«Энди, – деди Делла ўзига-ўзи, – айтайлик, Жим мени ўлдирмаган тақдирда ҳам бир қарайди-ю, Кони-Айленддаги хор қўшиқчисига ўхшаб қолибсан, – дейди. – Ахир, қўлимда атиги бир доллару саксон етти цент бўлса, мен яна нима ҳам қила олардим».

Соат еттида қаҳва тайёрланган, газ ўчоги устида қиздирилган това қўй гўшти котлетларини қовуриш учун кутиб туради.

Жим сира кеч қолмас эди. Делла қўлларига тилла занжирни яширганича эшикка яқин стол чеккарогига ўтирди. Тез орада эрининг зинадан чиқиб келаётган қадам товушларини эшитди-ю, бир он ранги оқариб кетди. Делла турмушда ўтиб турадиган майда-чуйдалар важидан худога илтижо қилиб туради, ҳозир ҳам шоша-пиша шивирлади:

«Художон, ишқилиб мен унга ёқмай қолмайин-да!»

Эшик очилди, Жим уйга кирди ва эшикни ёпди. Унинг юзлари қоқчакак, ташвишли кўринарди. Йигирма икки ёшида уйланиб, рўзгор тебратиш осон иш эмас! Жим ўзига аллақачонлар янги пальто олиши керак эди, қўлқоп йўқлигидан қўллари ҳам музлаб қолибди.

Жим худди бедана исини олган овчи ит сеттер каби эшик олдида қимири этмай қотиб қолди. Жимнинг кўзлари Делла тушуниши қийин бўлган ифода билан унда тўхталди, шунда Делла бу нигоҳдан қўрқиб кетди. Бу нигоҳда газаб ҳам, таажжуб ҳам, ўпка-гина ҳам – кутиш мумкин бўлган ифодалардан бирортаси йўқ эди. Жим шунчаки қўз узмай Деллага қараб туради, яна-тагин юзи ўзгармаган, бояги фалати ифода кетмаган эди.

Делла ўрнидан сапчиб туриб унга отилди.

– Жим, азизим! – дея қичқирди у. – Менга бундай қарама! Мен соchlаримни кесдим-да, сотдим. Чунки Рождество сенга бирор совға беролмасдан қандай яшай олардим. Сочларим жуда тез ўсади. Бундан жаҳлинг чиқмайди-а?!

Менинг бошқа иложим йўқ эди. Кела қол энди, Жим, мени байрам билан табрикламайсанми? Билсанг, мен сенга шундай ажойиб, шундай ажойиб совға ҳозирлаб қўйдимки!

— Сочларингни кесдингми? — деб сўради Жим худди бу ҳақиқатта ҳам ишонмай, ҳам ҳазм қилолмай бўшашиб.

— Ҳа, кесиб сотиб юбордим, — деди Делла. — Аммо сен барибир мени севасан-ку, шундайми? Мен ҳалиям, соchlарим калта бўлсаям ўшаман, ўша Делламан.

Жим ҳайрат билан хонани кўздан кечирди.

— Демак, кокил-кокил соchlаринг энди йўқ, шундайми? — деди у бехуда қаттиқ талабчанлик билан.

— Соchlаримни қидирма, тополмай овора бўласан, сенга айтдим-ку, ахир, мен сочимни кесдим-да, сотдим. Бугун арафа, Жим. Мени бундай сўроқقا тутма, Жим, буни ахир, сен учун қилдим. Балки соchlарим толасини санаса бўлар, — унинг майин овози бирдан қатъийлашди, — бироқ ҳеч ким менинг сенга бўлган муҳаббатимни ўлчай олмайди! Котлетларни қовураверайми, Жим?

Жим шундан кейингина ўзига келди. У Деллани бағрига тортди.

Энди биз ўзимизни босиб, ушбу воқеага алоқаси бўлмаган бошқа бир масалага диққатимизни қаратайлик. Нима кўпроқ — ҳафтасига саккиз доллар маошми ёки йилига миллионми? Математик олим ёки донишманд одам сизга нотўғри жавоб бериши тайин, фаришталар қимматбаҳо нарсаларни тухфа этишди, лекин булар ичида биргина унсур етишмасди. Яхиси, ана шу мавҳум шамаларни воқеа сўнгида тушунтириб бера қолайлик.

Жим пальтоси чўнтагидан қофозга ўроғлиқ нарса олдида, стол устига ташлади.

— Мени тўғри тушун, Делла, — деди у. — Ҳеч қанақа турмагу калта соchlар сенга бўлган муҳаббатимни сўндиrolмайди. Мана шуни очгин, шунда нега мен аввалига пича довдираб қолганимни тушуниб етасан.

Оппоқ, чаққон бармоқлар тизимчани ечиб, қофозни очди. Шунда атрофни ҳайрат ҳайқириғи тутди ва шу заҳоти —

афсуслар бўлсин! – шашқатор кўзёшлар тўкилди. Оҳ-воҳ чекилдики, зудлик билан уйда бор тинчлантирувчи восита-лардан фойдаланишга тўғри келди.

Негаки, столда хилма-хил тароқлар ётарди, худди ўша – Делла қачонлардан буён Бродвей дўкони пештахасида томоша қилиб тўймаган, орзу қилган, биттаси соч орқасига, иккитаси икки ёнга тақиладиган тароқлар эди. Ҳақиқий тошбақа косасидан ясалган, чеккаларига ялтироқ, Делланинг долгчинранг соchlарига мос рангли тошлар қадалган ажойиб тароқлар эди. Бу тароқлар қиммат турарди – Делла буни биларди – шунда энди орзуси ушалмаслигини ҳис қилиб, юраги эзилиб кетди.

Мана, ўзи орзу қилган тароқлар, бу тароқлар энди уники, аммо бу тароқ кўрк берадиган, тақимига урадиган, тўлқинланган жилвали соchlари энди йўқ. Шунга қарамай Делла тароқларни қўксига босди. Ниҳоят бошини кўтариб, кўзёшлари аралаш жилмайишга ўзида куч топди ва шундай деди:

– Менинг соchlарим жуда тез ўсади, Жим!

Шунда у бирдан худди қайноқ сув теккан мушукдай сапчиб ўрнидан туриб кетди.

– Вой худойим-е! – дея хитоб қилди у.

Ахир, Жим унинг шундай ноёб, ажойиб совғасини кўрмади-ку. Делла шошилиб занжирни унинг очиқ кафтларига солди. Жилосиз қимматбаҳо металл Делланинг жўшқин, сидқидил қувончидан нур олгандай жилваланди.

– Қара, Жим, жуда ҳам чиройли-а? Буни топгунимча бутун шаҳарни кезиб чиқдим. Энди соатингга неча бўлди деб, кунига юз марталаб қарайверсанг ҳам бўлади. Қани, менга соатни бер-чи, занжир унга мос тушармикин, кўрмоқчиман.

Лекин Жим индамай, күшеткага чўзилди ва қўлларини боши остига қўйганича, кулди.

– Делл, – деди у, – энди совғаларимизни ҳозирча яшириб қўйишимизга тўғри келади, бир оз турсин. Бу совғалар биз учун ҳозир ҳам жуда қадрли. Мен сенга тароқ олиш учун соатимни сотдим. Энди котлетни қовурсак ҳам бўлади.

Жаҳон агадиётидан

Маълумки, янги туғилган Исога туҳфалар келтирган фаришталар жуда доно, фавқулодда олижаноб бўлганлар. Ана улар-да Рождество байрамига совға қилишни урфга киритган. Улар донишманд бўлганлар, борди-ю, совғалар яроқсиз чиқиб қолса, ҳатто уларни алмаштириб олишга ҳам имкон берганлар. Мен эса ҳозир ҳафтасига саккиз доллар тўлаб, ижарада яшайдиган, сира ўйламасдан, ақлсизларча бир-бирлари учун ўзларининг катта хазиналаридан кечган тентакина икки ёшнинг бошидан ўтган, унча эътиборга сазовор бўлмаган воқеани сизларга ҳикоя қилдим. Шу кунларимиз оқилларига ибрат бўлар деб, айтишимиз мумкинки, барча тортиқ қилувчилар ичида ана шу икки ёш олижаноб бўлган. Кимки туҳфа келтирса ва уни олса, чиндан дониш, одилдир. Ҳамма ерда ва ҳамиша шундай бўлган.

Улар, ахир, фаришталар-да!

ЖЕК ЛОНДОН

БЎРИ ЎЕЛИ

Эркак киши аёли ўзи учун қанчалик аҳамиятга эга эканини, унинг кераклигини унчалик тушунмайди. Кейинчалик, оиласидан жудо бўлгандагина, ҳақиқатан ҳам, унга аёлнинг ўрни билинади, шундагина қадрига етади. У дастлаб аёл юриш-туриши билан уйда ҳосил қиласидиган нозик, кўз илғамас меҳр тафтини сезмайди; лекин ана шу тафт кетди де-гунча, эркак ҳаётида бир бўшлиқ пайдо бўлади ва шунда унга нима етишмаётганини ўзи ҳам билмай, нимадандир сиқилади, ниманидир кўмсайди. Шунда ўзидан кўра тажрибасиз, нўноқ бўлган жўралари унга шубҳа билан қараб, бош чайқайдилар ва таъсири кучли дориларни тиқишири бошлайдилар.

Борди-ю, Юконда яшайдиган инсон ҳаётида шунга ўхшаш воқеа содир бўлса, агар бундай ҳодиса ёзда юз берса, у одатда қайиқни ҳозирлайди, қишида эса чанага қўшилган итларни шайлаб, жануб томонга елади. Орадан бир неча ой ўтгач эса, агарда ўзи Шимолни кўмсаб, соғиниб қолгудай бўлса, барча мاشаққату қийинчиликларга чидашни бўйнига олиб, ана шу совуқ ўлкага муҳаббатини эри билан биргалиқда баҳам кўришга тайёр рафиқаси билан қайтиб келади. Ана сизга эркакнинг туғма худбинлигига яна бир мисол! Шунда Скроф Маккензи ҳаётида юз берган воқеа

Инглиз тилидан
Гулҳаё Махамадалиева
таржимаси

Жек Лондон (1876–1916) – атоқли Америка адаби. «Бўри ўели» (*The Son of the Wolf*) ҳикояси биринчи марта 1899 йилили «Overland Monthly» журналида чоп этилган.

беихтиёр ҳали Клондайк¹ олтин васвасасини ҳамда че-чакуас² босқинини кўрмаган ва фақат лосос³ балиги билан шуҳрат қозонган ўша олис даврларни ёдга солади.

Бир қарашда Скруф Маккензи қиёфасида бу ерларни зabit этган биринчи одамни кўриш мумкин эди. Табиатнинг шафқатсиз кучлари билан узлуксиз давом этган йигирма беш йиллик кураш унинг башарасига ўз тамғасини босган эди, айниқса, Кутб доираси кўланкаси остида эриб ётган олтин излаш илинжида ўтказган охирги икки йили жуда оғир кечди. Юракни зирқиратиб юборадиган бўшлиқ туйгуси Скруф вужудини эгаллаб олганида, бундан ажабланмади, негаки, кўпни кўрган бу одам, ўз ҳаётида шундай оғир дардни бошдан кечирган одамларни учратганди. Лекин Маккензи ўзида ҳеч қандай хасталик аломатларини сезмади, фақат янада шиддат билан ишлайверди. Бойиб кетарман, деган илинжда бутун ёзни чивинлар билан курашиб, Стюарт дарёси этакларида қум ювиб ўтказди. Сўнгра катта-катта ёғочлардан сол ясади-да, Юконга тушиб, Қирқинчи милгача сузуб борди ва ўзига яхшигина қулба қуриб олди. Қулба шундай мустаҳкам ва бежирим чиқдики, уни Скруф билан бўлишмоқчи бўлганлар кўпайиб кетди. Бироқ Маккензи чўрткесарлик билан дангал жавоб қайтариб, уларнинг умидларини пучга чиқарди ва шу яқин-ўртадаги савдо-сотиқ пунктидан икки ҳисса озиқ-овқат сотиб олди.

Айтиб ўтганимиздек, Маккензи кўпни кўрган одам эди. У, одатда, бирор нарсани хоҳласа, бунга эришар, имкон қадар ўрганиб қолган одатларини ўзгартирмас ва ўз йўлидан қайтмасди. Маккензи оғир меҳнат, заҳмат, қийинчиликларга ўрганиб кетган, аммо ит қўшилган чаналарда олти юз миль йўл босиш, сўнгра икки миль масофада сузуб, океандан ўтиш, яна ўзи илгари яшаган жойгача расмана минг

¹ Клондайк – Юкон дарёсининг ирмоги; 1896 йили у ерда кўпдан-кўп олтин сочмалари топилган.

² Че-чакуа – янги келганлар.

³ Лосос – гўшти қизил балиқ.

миль юриш – буларнинг барини фақат ўзига рафиқа излаш учунгина бажариш кераклиги унга маъқул келмаётган эди.

У сергайрат, йўлда унча-мунчага толиқмас, този итлари бўлса, Юкондаги бошқа итларга қараганда озгина емак берсанг бас, узоқ масофага ҳам яхши югуриб, етиб борарди. Уч ҳафтадан сўнг у Танананинг юқори ирмоғидаги қисмига – Стикс қабиласи кўналғасига келди. Бутун қабила Маккензи-ни кўриб, унинг журъатидан ҳайрон қолди; сабаби, стикслар оқ танлilarни ўткир болтами ё яроқсиз милтиқ кўндоғи биланми ўлдириб, уларга ўз муносабатларини билдириб кўйган эди. Тағин, Маккензи бу ерга ёлғиз келибди-я. Унинг юриш-туриши, ўзини эркин тутиши, совуқёнлик ва ҳатто-ки сурбетлик билан қараб туриши – ҳаммаси, Маккензининг кимлигини намоён этиб турарди. Ёввойи одам руҳиятини англаб этиш учун бу каби турли усуслардан фойдаланиш кишидан маҳорат талаб этарди; Маккензи бундай ишларда пихини ёрган эди: қачон муросайи мадора қилишни ва қачон куч ишлатиб, вазиятни қандай қўлга олишни биларди. Аввало ишни мулозамат қилишдан бошлади: қабила сардори Тилинг-Тиннехга ўз эҳтиромини билдириди, бир неча фунт қора чой, тамаки билан сардорнинг хайриҳоҳлигига эришди. Сўнг қабила йигит-қизлари билан танишди. Шу оқшом уларга зиёфат берди. Қорга узунлиги чамаси юз фут, эни эса йигирма беш фут келадиган чўзиқ майдонча ташкил этилди. Майдонча ўртасига гулхан ёқилди, иккала томонга қорақарағай бутоқлари тўшалди. Бутун қабила вигвам¹лардан галалашиб чиқиб келди, камида юз нафари меҳмон шарапига ҳиндулар қўшигини айтди.

Маккензи шу икки йил ичида ҳинду тилини ўрганди, шунингдек, уларнинг томоқнинг орқа қисмида талаффуз эта-диган чуқур товушлари, японча илмоқли ибораларийо хурматни билдирувчи сўзларини қунт билан ёдлаб олди. Энди у худди ибтидоий шеъриятда шеър ўқиган каби ўзини эркин кўйиб, ҳиндуча нутқ ирод этди. Тилинг-Тиннех ва шомон

¹ Вигвам – ҳиндулар чодири.

ҳам унга шундай илиқ муомала қилди. Маккензи бошқаларга ҳам унга шундай муносабатда бўлишлари учун қабила эр-какларига арзимаган совгалардан улашди, улар билан бирга қўшиқ куйлади ва ҳиндуларнинг «Эллик икки таёқ» қимор ўйинида моҳир ўйинчи сифатида ўзини яна бир бор намо-йиш қилди.

Шундай қилиб, ҳиндулар Маккензининг тамакисидан че-киб, роҳатланди. Бироқ унинг қабилада қозонган обрў-эъти-бори йигитларга ёқмаётган эди — қизлар қиқир-қиқир ку-лар, тиҳсиз кампирлар нималаргadir ишора қиларди. Улар кўп бўлмаса-да, унча-мунча оқ танлилар — Бўри ўғилларини билардилар, — ана шу бир нечовлари уларга баъзи сабоқ-ларни бериб қўйган эди.

Маккензи ўзини беътибор тутса-да, буни жуда яхши тушунди. У тунда қопкўрпа ичига кириб ётганича, барини ипидан-игнасиғача ўйлаб, режа тушиб чиқди, бунинг учун озмунча трубка тамаки чекдими. Қабиладаги қизлар ичида унинг эътиборини тортгани қабила сардорининг қизи — Заринка эди. Қиз барчадан кескин ажралиб турар, юз ту-зилиши, келишган қадди-қомати, барнолиги билан оқ тан-ли одамнинг гўзаллик ҳақидаги тушунчаларига мос келар эди. Маккензи Заринкани хотин қилиб олади ва отини Гер-трудга қўяди. Шундай қарорга келган Маккензи ўзини Самсон¹дек кучли ҳис қилди-да, ёнбошига ўгирилиб, уй-куга кетди.

Бу машаққатли иш эди, унинг режаси вақт ва саъй-ҳара-катни талаб этарди. Маккензи ҳийла билан иш кўрди, у ўзини лоқайд, бепарво тутар ва бу билан қабиладагиларни чалги-тар эди. У қабиладагиларга ўзининг моҳир мерган ва уста овчи эканини қўрсатиб, уларни ҳайратда қолдиришга ки-ришди; олти юз ярдли масофадан лос²ни ўлдириб, уларнинг мақтовларига сазовор бўлди. Кунларнинг бирида оқшом чоги

¹ С а м с о н — «Библия» диний китоби қаҳрамони. Китобда у фав-кулодда кучли, узун сочли деб тасвирланади.

² Л о с ь — бугулар оиласига мансуб бутоқ шохли ҳайвон.

қабила сардори Тилинг-Тиннекхнинг лось ва бугу терисидан тикилган вигвамига ташриф буюрди, унга хушомад қилди, сардорни тамаки билан сийлади. Маккензи фурсатни бой бермай, қабилада катта таъсир кучига эга бўлган шомонга ҳам худди сардор каби илтифотда бўлди. Бироқ кўрсатилган илтифотдан газабини аранг босган шомонни ҳеч иккилан-масдан бўлгуси рақиблари сафига кўшиб қўйди.

Маккензининг Заринка билан бевосита суҳбатлашиш имкони бўлмаса-да, қизга имо-ишоралар билан ўз ниятини баён этди. Қиз ҳам унинг мақсадини жуда яхши тушунган, аммо ҳар сафар ноз-карашма билан атрофига бир тўда хотин-халажни тўплаб олар, бу пайт эркаклар йироқда бўлар, шунда Скруф Заринканинг олдига боришига имкон тугиларди. Лекин Маккензи шошилмасди, сабаби, Заринка ўзи билмаган ҳолда йигит ҳақида ўйлай бошлашини ва вақти келиб, бу ўзига ёрдам беришини биларди.

Ниҳоят, бир оқшом Маккензи кутилган вақт келганини тушуниб, тўсатдан сардорнинг тутунлар буруқсиган чодиридан чиқди-да, кўшни вигвамга йўл олди. Заринка, одатдагидек, аёллар ва ёш қизлар қуршовида кўйлакка мунчоқ қадаб ўтирас эди. Улар Маккензини кўриб, қулиб юбордилар, Заринкага ҳазил аралаш пичинг ота бошладилар. Лекин Маккензи такаллуф қилиб ўтирмасдан, уларни биринкетин вигвамдан тўғри қорга улоқтириди, аёллар бўлиб ўтган воқеадан бошқаларни боҳабар этиш учун атрофга югуриб кетдилар.

Маккензи қандай мақсад уни бу ерга етаклаб келганини Заринканинг она тилида (унинг тилини қиз тушунмасди) бағоят ишонарли қилиб баён этди ва орадан икки соат ўтгач, кетишга чоғланди. Заринка оқ танли одам вигвамига яшашга боради, шундайми? Яхши! Мен ҳозир бориб, отанг билан гаплашаман. Балки у қаршилик қиласар. Мен отангга кўп совфа-салом бераман, лекин у кўп талаб қилмаса керак. Агар у рад қилса-чи? Ўзинг гаплашиб кўрасанми? Заринка барибир оқ танли одамнинг вигвамига кетади.

Маккензи эндиғина әшик вазифасини ўтовчи тери尼 кўттарган ҳам эдикى, қизнинг астагина қилган хитобини эши-тиб, орқасига қайтишга мажбур бўлди. Заринка айиқ тери-сидан тўшалган ёрга тиз чўқди, унинг юзидан худди Момо Ҳавонинг асл қизлариники каби нур таралди. Заринка тиззалағанча, Маккензининг катта овчилар пичоги осилган бел-боғини оҳиста ечди. Маккензи нима гаплигини тушунолмай, қизга таажжуб билан қарапкан, ташқаридағи тиқ этган то-вушга ҳам қулоги динг эди. Аммо бир оздан сўнг у Заринка-ниг мақсадини тушунди; шубҳалари тарқаб, мамнун кулди. Заринка қўли билан тиккан нарсалари сақланадиган халта-дан лось терисидан тикилган, жилоланиб турган, мунчоқ-лар билан безалган қинни олди. Қиз бошмалдогини пичоқ-ниг ўткир тифи бўйлаб эҳтиёткорлик билан юргизди-да, уни ўзи тақдим этаётган янги қинга солди. Сўнгра қинли пичоқни белбоққа тақиб, ўз жойига – белининг чап ёнига суриб қўйди.

Қаранг-а, бу манзара худди қадим замонлардаги саҳнани эслатарди: хоним ва унинг рицари. Маккензи қизни ўрнидан турғизди ва мўйловли лабларини қизнинг ақиқ лабларига теккизди – бу қиз учун нотаниш, бегона эркалаш эди. Тош асри пўлат асри билан шу тариқа учрашди.

Скроф Маккензи қўлтиғида каттакон тугун билан яна Ти-линг-Тиннек остонасида пайдо бўлганда, атрофда унинг кай-фияти каби файриоддий жонланиш сезиларди. Болалар елиб-югуриб қўналғаларига зиёфат учун қуруқ ўтин, шох-шабба-лар ташир, аёлларнинг вағир-вуғури авжига минар, тумшай-ган йигитлар тўп бўлиб олганларича ниманидир гаплашар, шомон уйидан ваҳимали афсун садолари эшитилар эди.

Сардор кўзлари йигидан қизарган хотини билан ёлғиз ўти-рарди. Маккензи улар янгиликдан аллақачон хабар топган-ликларини дарҳол тушунди. Заринканинг рози бўлганини исботловчи мунчоқли қинни кўзга кўринадиган жойга суриб қўйди ва деди:

– Эй, стикслар қабиласи, лось, бугу, айиқ, кийиклар ва Танананинг улуг ҳукмдори бўлган Тилинг-Тиннек! Оқ танли

одамни ҳузурингга буюк мақсад етаклаб келди. Кўп ойлардан бўён унинг уйи бўм-бўш ва у жуда ёлғиз эди; бу ёлғизлик уни ҳароб қилди, унинг аёлга бўлган эҳтиёжи қучайди – аёл унинг уйида бирга ўтирсин, овдан қайтганда кутиб олсин, ўчоққа олов ёқиб, таом пиширсин. Оқ танли одамнинг кўзига ғалати нарсалар кўринди. Бир куни оқшом унинг кўз ўнгидага арвоҳ кўринди, қулогига мокасин¹ларнинг тап-тупи ва болалар қий-чуви эшитилди. Арвоҳ Қарға – сенинг аждодинг, улуғ Қарға, стикслар қабиласининг сардори пайдо бўлиб, унга сўзлай бошлади: «Оёғингга мокасин кийиб ол, чангингни тақ, чанангга кўп кунлик сафар учун егуликлар, Тилинг-Тиннекга аталган қимматбаҳо совға-саломларни жойла, чунки сен баҳор қуёши чараклаган замин ортида яширинган томонга юзингни қаратишинг, улуғ Тилинг-Тиннек сари йўл солишинг зарур. Сен уёққа қимматбаҳо совға-саломлар олиб борасан, кейин менинг ўғлим Тилинг-Тиннек сенга ота бўлади. Унинг вигвамида бир қиз бор, мен сен учун бу қизга ҳаёт нафасини бахшида этдим. Сен бу қизни хотин қилиб оласан». О, сардор, улуғ Қарға менга шундай деди. Мен шунинг учун ҳам ана шу ҳадяларни оёқларинг остига тўқаяпман. Ана шунинг учун ҳам мен сенинг қизингни хотинликка олгани келдим.

Кекса сардор қироллардек савлат билан мўйнали либосига ўралиб олди, аммо жавоб беришга шошилмади. Худди шу пайт бир болакай лип этиб кириб келди, сардорни қабила кенгашида кутаётганларини хабар қилди-да, бир зумда гойиб бўлди.

– О, биз лослар қушандаси деб атаган, яна Бўри ва Бўри ўғли деган ном билан маълуму машҳур бўлган Оқ Танли одам! Биз сенинг буюк қавмдан эканингни биламиз; биз сенинг меҳмонимиз бўлганингдан гуурулнамиз. Кета² лососга жуфт эмас. Худди шундай Бўри ҳам Қарғага жуфт бўла олмайди.

– Нотўғри! – хитоб қилди Маккензи. – Мен Қарғанинг қизларини Бўри лагерларида – Мортемир, Трежидго, Бэр-

¹ М о к а с и н – ҳиндулар оёқ кийими.

² К е т а – балиқ тури.

небилар билан учратдим, — уларнинг уйларига скво¹ икки марта муз кўчишидан илгари кириб келган. Мен гарчанд ўз кўзларим билан кўрмаган бўлсам-да, бошқа шундай воқеаларни ҳам эшитганим бор.

— Ўглим, айтаётганларинг рост, лекин улар яхши жуфт бўла олмайдилар, гёё қум билан сув, қор парчаси билан қуёш жуфт бўлгани сингари. Сен Мейсон исмли одам билан унинг сквосини биласанми? Йўқми? У барча Бўрилардан биринчи бўлиб, ўнинчи муз кўчишидан илгари келган. Тол дараҳтидек узун бўйли, гризли² айифи каби баҳайбат, кучли, жасур йигит ҳам у билан бирга эди. Унинг...

— Бу ахир Мейлмут Кид-ку! — Маккензи Шимолга донги кетган шахсни эслаб сардорнинг гапини бўлди.

— Ҳа, бу ўша паҳлавон. Сен бирор марта унинг сквосини кўрганмидинг? У Заринканинг туғишган опаси.

— Йўқ, сардор, мен уни кўрмаганман, лекин бу ҳақда эшитганман, холос. Олис-олис Шимолда юз йиллик қарагай чириб қулаган ва Мейсон унинг остида қолиб ўлган. Мейсон хотинини жуда севарди, кейин унинг олтини ҳам кўп эди. Аёл олтинни, эридан ёдгор бўлиб қолган ўглини олиб, узоқ йўлга равона бўлибди, йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, қишида ҳам қуёш чарақлаб турган мамлакатга келиб қолибди... У ҳозир ҳам ўша ерда яшармиш. У томонларда қаҳратон совуқлар бўлмасмиш, қор ҳам йўқ эмиш, ёзда яrim кечаси қуёш нур сочмасмиш, қишида эса қиём вақти қоронги ҳам тушмасмиш.

Худди шунда иккинчи чопар сардорни кенгашга чақириб, уларнинг гапини бўлди. Маккензи уни қорга улоқти-раркан, гулхан атрофида лишиллаётган одамлар кўланкала-рини илгади, афтидан, бу ерда қабила кенгаши бўляпти шекилли, бир маромда оҳиста куйлаган эркаклар овозлари-ни эшитди ва шомон қабила кишиларининг газабини қўзғаётганини билди. У сардорга юзланди:

¹ С к в о — Шимолий Америка ҳиндулари тилида: аёл.

² Г р и з л и — Американинг шимоли-гарбида яшайдиган улкан қўнгир айиқ тури.

— Гапимга қулоқ сол, сенга ёмонлигим йўқ. Мен сенинг қизингни хотинликка олмоқчиман. Қара, мана тамаки, мана чой, катта ва яхши жун кўрпа, манави эса ҳақиқий милтиқ, яна унга кўп патрон ва кўп порохни ҳам кўшдим.

— Йўқ, — рад қилди сардор, қаршисида ёйилган катта бойликка эътибор бермасликка тиришиб. — Ҳозир бутун қабила бу никоҳни тўхтатиш учун йигилиб ўтириби.

— Сен ахир уларнинг бошлиғисан-ку!

— Тўғри, бироқ йигитларимиз қаттиқ газабда, сабаби, Бўрилар уларнинг қайлиқдарини тортиб олишаяпти.

— Қулоқ сол, Тилинг-Тиннек! Бўри ана шу тун ўтиб, кунга айланиши билан итларини Шарқий тоғлар томон, олис Юкон томон суради. Заринка ҳам унинг итларига йўл очиб кетади.

— Балки мана шу тун яримламасданоқ менинг йигитларим Бўрининг гўштини итларга ташлар ва унинг суяги баҳор қуёшида қорлар эригунча қор остида ётар.

Бу пўписага жавоб қилингандан пўписа эди. У овозини баландлатди. Шу вақтга қадар уларни жимгина кузатиб ўтирган сардорнинг кекса хотини эшикни тўсиб турган Маккензининг орқасидан ўтиб, чиқиб кетмоқчи бўлди. Шу пайт ташқарида эшитилаётган ашула овоздлари тиниб қолди; бирдан кўплаб овозларнинг шовқин соглани эшитилди. Маккензи кампирни кўполник билан тери ўриндиқча улоқтириб юборди.

— Сендан яна бир марта сўраяпман, Тилинг-Тиннек! Бўри жағларини юмиб ўларкан, у билан бирга қабилангнинг нақ ўнта забардаст йигити ҳам абадий уйқуга кетади. Эркаклар керак-ку, ахир, ов эндиғина бошланяпти, яна балиқ овигача унча кўп вақт қолган эмас. Айт-чи, менинг ўлимимдан сенга нима наф? Элингнинг урф-одатларини биламан: сенга менинг бойликларимнинг озгинаси тегади. Менга қизингни берсанг, бутун бойлик фақат сеники бўлади. Сенга яна бир нарсани айтай: буёқча менинг биродарларим келадилар. Уларни санаб, саноғига етиб бўлмайди, улар еб тўймайдилар, — кейин Қарғанинг қизлари Бўрилар маконида бола туғадилар. Менинг қабилам сеникидан кучли. Буни тақдири азал дейдилар. Менга қизингни бер, буларнинг бари сеники бўлади.

Ташқаридаги қорда мокасинлар фирчиллади. Маккензи митингини азот кўтарди ва белбогидаги иккала револьвери гилофуни ечди.

- О, Тилинг-Тиннек, қизингни менга бер!
- Элим бунга кўнмайди.
- Бер, шунда мана бу бойликлар сенини бўлади. Элинг билан эса ўзим гаплашаман.
- Бўри хоҳлаганидек бўла қолсин. Ҳадяларингни, майли, оламан, бироқ мен сени огоҳлантиридим-а.

Маккензи унга совға-саломларни берди, ҳатто милтиқ предохраниителини кўтариб қўйишни ҳам унутмади, яна кўзни қамаштирадиган гулдор рўмолни ҳам қўшиб берди.

- Нарсаларингни йиғиштири! — у табриклиш ўрнига қисқа буйруқ берди Заринканинг вигвами ёнидан ўта туриб ва итларини чанага шоша-пиша қўша бошлади.

Орадан бир неча дақиқа ўтиб, у чанасини эргаштириб, қабила кенгашида пайдо бўлди; Заринка Маккензи билан ёнма-ён келди. Маккензи тепкилаб ташланган майдончанинг юқори этагидан, сардорнинг ёнидан жой эгаллади. Заринка-га ўзининг чап томонидан, бир қадам орқадан жой кўрсатди. Билиб бўладими, бирор қўнгилсизлик юз берадиган бўлса, кимдир сени орқа томондан пана қилиб туриши керак-ку. Ўнг ва сўлдан эркаклар гулхан томон эгилдилар, уларнинг овозлари қадимий, деярли унут бўлаёзган қўшиқда қўшилиб, бирлашди. Буни қўнгилга бориб тегадиган зўр қўшиқ деб бўлмасди, — қўшиқ жуда галати, кутилмагандан ўзгариб қолар, бирдан жўрсиз, якка ижро жойларида жим қолиб, яна ғашга тегиб тақрорланаверарди. Тўғрироғи, бу қўшиқ кишини ваҳимага солади. Майдонча пастида шомон олдида турган ўнларча аёллар гир айланганларича рақсга тушар эдилар. Кимда-ким маросимни сидқидилдан ижро этмаса, шомон ўша одамга қаттиқ дашном берарди. Худди қарга қанотига ўхшаб, қоқ белигача қоп-қора соchlари ёйилган хотинлар аста орқага ва олдинга чайқалар, уларнинг қоматлари тўхтовсиз ўзгариб турган оҳангга мос эгилиб-букиларди.

Бу асло замонга мувофиқ келмайдиган ғалати манзара эди. Жануб сари ўн тўққизинчи аср поёнига етмоқда, унинг сўнгги ўн йилликлари ҳам ўзининг охирги умрини кечирмоқда эди, – қаранг, бу ерда эса ибтидоий одамнинг тарихга довур горда истиқомат қилаётган кўланкаси, олис ўтмишнинг хотирадан кўтарилигтан парчаси гуллаб-яшнамоқда эди. Катта малла итлар ҳайвон терисидан лиbos кийган эгалари билан ёнма-ён ўтирап, оловга яқин жойни эгаллаш учун уришар ва қон тўла кўзларида, нам сўйлоқ тишларида гулхан шуъласи ўйнар эди. Хира қор кўрпасига ўранган қуюқ ўрмон содир бўлаётган воқеаларга парво ҳам қилмай, донг қотиб ухларди. Оний ўтиб бўлмас ўрмонга ташланган, кўналгани қуршаб олган Оппоқ сукунат гўё яна қайтадан барини босиб олишга тайёргарлик кўраётганга ўхшади; юлдузлар худди Буюк Совуқ замонидаги сингари титрадилар ва кўклида рақс тушдилар, шунда Кутб Руҳлари бутун уфққа ўзининг ёғду сочувчи оловли либосини ёйиб олдилар.

Скроф Маккензи ана шу манзарапинг ёввойи улуғворлигидан алағда бўлди, булар орасида ким йўқ экан, дея тизилишиб турган мўйна либосли одамларни кўз қири билан кузатди. Шунда унинг кўзлари онасининг очиқ кўкрагини осоишиша эмаётган чақалоққа тушди. Кун қирқ даражадан паст эди. Маккензи беихтиёр ўз халқининг нозик аёлларини эслади ва мийигида истеҳзоли кулиб қўйди. Ана шундай нозик аёлларнинг биридан бино бўлган унга, ўзи ҳамда элатдошлирига бари қуруқликлару денгиз, барча ўлкалар замонидаги жоноворлар ҳамда инсонлар устидан ҳукмрон бўлиш ҳукуқи инъом этилди. У бирнинг юзга қаршилиги сингари Арктика қишининг тубида, қадрдан ерлардан олисда ана шу инъом этилган мерос хитобини – ҳукмронлик қилиш истак-иродаси, хавф-хатар, таҳликага бўлган телбаларча ҳирс қўйиш, жанг эҳтироси, ё ғалаба қозониш, ё ҳалок бўлиш қатъиятини ҳис этди.

Кўшиқ ҳам, рақс ҳам поёнига етди, шунда шомон шидат билан нутқ ирод этди. Шомон усталик билан ҳиндуларнинг тимсолларга бой асотиру афсоналаридан тушуниб

бўлмас, чалкаш мисоллар келтириб, ишонувчан, соддадил тингловчиларни аврай бошлади. У қучли ва ишончли далиллар билан сўзлади. Тинчлик ва бунёдкорлик тимсоли бўлмиш Қарғага – тажовузкорлик ва бузгунчилик тимсоли бўлмиш Бўри Маккензини қарши қўйди. Бу икки куч фақат маънавий томондан курашмайдилар, улар – одамларнинг ҳар бири ўз тотем¹и номи учун ҳам курашади. Стиклар қабиласи Желкснинг – Прометей оловини олиб келган Қарғанинг наслидандир; Маккензи эса Бўри, бошқача айтганда иблиснинг ўғли. Бу икки кучнинг азалий урушини тўхтатишга уриниш, ашаддий ғанимимизга қабиламиз қизларини хотинликка бериш – демакки, ўтакетган хоинлик, куфрдир. Энг аччиқ сўзлар, энг қабиҳ ҳақоратлар ҳам Маккензига – заҳарли илон, ишончимизга маккорлик билан биқиниб кириб олишга уринаётган иблис элчисига жуда мулоиймлик қиласди. Шунда унинг сўзларини тинглаб турган одамлар ғовур-ғувур қилдилар, дағдага билан шовқин солдилар, шомон эса нутқида давом этди:

– Биродарларим, Желкс ҳар ишга қодир, қудратлидир! Ахир, у эмасми, исинишимиз учун илоҳий оловни олиб келган? Ахир, у эмасми, биз кўришимиз учун қуёш, ой ва юлдузларни осмондаги инларидан чиқарган? Ахир, у эмасми, бизни очлик ва совуқлик руҳлари билан курашишга ўргатган? Ҳозир эса Желкс болаларидан хафа бўлди, газаби келди – унинг қабиласидан ночоргина бир сиқим қолди, шунинг учун ҳам Желкс уларга ёрдам бера олмайди. Негаки, улар Желксни унутганлар, негаки, улар номаъқул иш қилмоқдалар ва чатоқ йўллардан юрмоқдалар, ўз вигвамларига ғанимларини киритмоқдалар ва гулханлари атрофига ўтказмоқдалар. Ахир, Қарға шундан кейин ҳам ўз болаларининг бадхулқилигидан озор чекмасинми, қайтurmасинми? Бироқ унинг болалари қилган қилмишларини тушуниб етиб, Желкс сари қайтиб келсалар, шунда у зулматдан чиқиб, уларга ёрдам беради. Эй, менинг қондошларим! Олов олиб келувчи

¹ Т о т е м – бирор жонивор, ўсимлик ёки диний мансублик белгиси сифатида табиат бирор унсурининг тасвири туширилган қабила рамзи.

ўз хоҳиш-иродасидан шомонни боҳабар этди, — энди сизлар ҳам бу хабарга қулоқ тутинглар. Йигитлар қизларни ўз вигвамларига олиб кирсинглар, ўзлари эса Бўрига ҳамла қилсинглар, токи уларнинг нафратлари сира сўнмасин! Шундагина хотинларимиз бола туғалилар, шунда Қарға элати кўпаяди ва қудратли бўлади! Шунда Қарға уларнинг ота-боболарининг буюқ қабилаларини Шимолдан олиб чиқади, шунда улар Бўрилар билан курашади ва уларни кунпаяқун қилади, бултурги гулхан қулига айлантиради, ўзлари эса яна бутун мамлакатга хукмдор бўлади. Желкс, Қарға менга шундай деди!

Стикслар яқин-келажақда юз беражак халоскорлик ҳақида-ги хабарни эшигтгач, гувиллаб ўринларидан туриб кетдилар. Маккензи йўғон бармоқларини чиқарди ва энди нима бўларкин, дея кутди. Шунда атрофни «Тулки, тулки!» деган ҳай-қириқлар тутди. Ҳайқириқлар тобора кўкка кўтарили; ниҳоят, ёш овчилардан бири олдинга чиқиб деди:

— Биродарлар! Шомон доно гапларни айтди. Бўрилар наслимишни давом эттириши керак бўлган қизларимизни олиб кетяпти, қавмимиз эса камайиб боряпти. Орамизга Бўрилар бостириб келиб, иссиқ мўйна пўстинларимизни тортиб олишяпти, ўрнига шишадаги ёвуз руҳларни, қундуз ё силовсин терисидан эмас, ўтдан тикилган кийимларни ташлаб кетишаپти. Албатта, бу кийимлар иссиқ бермайди, кейин одамларимиз тушунарсиз дардлардан қирилиб кетишаپти. Мана, менинг, Тулкининг хотини йўқ. Нега дейсизми? Мен икки марта қиз ёқтиридим. Менга ёққан қизлар икки марта-сида ҳам Бўрининг қўноғига кетиб қолди. Мен, зора, Заринкани берармикан, зора, Тилинг-Тиннек эътиборига тушсан деб, қундуз, лось, буғу терисини олиб қўйгандим. Мана, ҳозир Заринка Бўри билан кетишга тайёр, унинг итларини йўлга чорлашга ҳозирлик кўрятпи. Мен фақат ўзимни гапирмаяпман. Айиқ ҳам худди мен ҳозир айтган гапларни айтиши мумкин. У ҳам Заринка түққан болаларнинг отаси бўлишини истайди, у ҳам худди мендай Тилинг-Тиннекга бераман деб озмунча териларни асраб қўйдими. Мен бу гапларни ҳамма бўйдоқ овчи йигитлар номидан гапиряпман. Бўрилар ҳеч қаҷон

тўймаган. Улар ҳамиша оч. Улар доим ёғли-ёғлиларини сайлаб олади. Биз бечора Қаргаларга эса еб бўлмайдиган сарқитлар қолади.

— Мана, қаранг, манави Гуклани! — Тулки андиша қилиб ўтирамай аёллардан бирига кўлини никтади; ўша хотин оқсоқ эди. — Қаранг, Гукланинг оёқларини, худди қайиқ ёни сингари қингир-қийшиқ. Гукла, кўриб турибсиз, ўтин йиголмайди, шох-шабба йиголмайди, овчи отиб туширган илвасинни ҳам олиб келолмайди. Уни Бўрилар олармидилар?

— Йўқ! Йўқ! — дея қабиладошлари қичқириб хитоб қилдилар.

— Мана Мойри, — сўзида давом этди у. — Ёвуз руҳ унинг кўзларини қийшайтириб қўйган. Ҳаттоқи чақалоқлар ҳам уни кўрса кўрқиб кетади, Айиқ ҳам унга йўл бўшатиб беради. Уни-чи, Бўрилар танлаб олармидилар?

Яна оломон гувиллаганча унинг гапларини маъқуллади.

— Мана, бу ерда Писчет ҳам ўтирибди. У менинг гапларимни эшитмайди. Писчет ҳеч қачон хандон-хушон сухбатларни эшитмаган, эрининг овозини ҳам, ўз гўдаги гувранишини ҳам эшитолмайди. У оппоқ сукунатда яшайди. Бўрилар ақалли бир марта бўлса-да, унга дикқат қилдими? Йўқ! Уларга сара-саралари, бизга бўлса сарқитлар тегади.

Биродарлар, иш бундай кетавериши асло мумкин эмас! Бўриларни, ўчогимиз олдига бошқа келмаслиги учун иргитиб ташлашимиз лозим! Вақти келди!

Шимол ёғдусининг улкан оловли қаноти қирмизи тус, яшил, сарик, ёрқин осмоннинг у чеккасидан-бу чеккасиагча ўраб олиб, ловуллади. Шунда Тулки бошини орқага ташлади ва кўлларини осмонга кўтарганича наъра тортди:

— Қаранглар! Ота-боболаримизнинг руҳлари оёққа турди! Мана шу тун буюк воқеалар содир бўлажак!

У орқага чекинди, шунда унинг турткиси билан бир овчи журъатсизлик билан олдинга чиқди. У бошқалардан бўйи баланд, кенг кўкси худди совуққа қасд қилгандай очиқ эди. Йигит ўнгайсизланиб оғирлигини у оёғидан-бу оёғига ташлар, оғзига сўз келмасди. У тортинчоқ ва қовушимсиз эди.

Унинг юзига қараган киши қўрқиб кетарди: афтидан, қандайдир маҳлуқ бир уриб абжагини чиқарганга ўхшайди. Ниҳоят, у худди ногорани ургандай, кўкрагига мушти билан бир урди ва сўнг гап бошлади; овози гўё океан соҳилидаги горга қирғоқ тўлқинлари келиб урилгани каби бўғиқ эшитилди.

— Мен Кумуш Найза авлодиданман, Кумуш Найзанинг ўғли — Айиқман. Овозим худди қизларникига ўхшаб қўнғироқдек жаранглаганида мен силовсин, лось ва кийик овладим; овозим сувсар тузоқча тушиб ҳайқиргани сингари янграганида Жанубий тоғларни кесиб ўтдим ва Оқ дарё қабиласидан уч кишини у дунёга жўнатдим; чинук ўкириги сингари ўкирганида баҳайбат гризлига йўлиқдим — мен айиқча йўл бермадим.

У кафти билан юзидағи даҳшатли чандиқларини маъноли силағанича тўхтаб қолди. Сўнг гапида давом этди:

— Мен Тулки эмасман. Тилим худди дарё каби музлаб қолган. Мен чиройли гапира олмайман, сўзга нўноқман. Тулки: «Шу тунда буюк воқеалар содир бўлади», — дейди. Худди баҳор тошқинида дарё тўлиб-тошганидай унинг сўzlари оғзидан тошиб чиқаверади, лекин у амалда бундай саховатли эмас. Мен бутун оқшом Бўри билан олишмоқчиман. Мен унинг жонини оламан ва Заринка менинг хонадонимда ўтиради. Мен, Айиқ, ўз сўзимни айтдим.

Атрофда чинакам қиёмат қўпди, бироқ Маккензи жойидан қимир этмади. Милтиқни шундай яқин масофада отиш бефойдалигини яхши тушунган ҳолда у револьверларини ишга солиш учун шайланди — белбоғидаги иккаласининг филофини киши билмас олдинга суриб қўйди, кейин қўл-қопларини бармоқлари учларигача туширди. Агар унга бари бирданига ҳамла қилса, ҳеч нима қила олмаслигини биларди, шунда яқиндагина ўзи «Бўрилар шунчаки ўлмайдилар», деб мақтанганига содиқ қолиб, жағлари билан фанининг бўғзидан олганча жон беришга шай турди. Лекин Айиқ қондошларини тўхтатиб қолди, энг қизиқён, жиззакиларини даҳшатли мушт билан орқага иргитиб юборди. Тўфон тинди, Маккензи Заринкага кўз қирини ташлади,

бу фавқулодда ажойиб манзара эди. Қиз чангидаги турганча, бутун вужуди билан олдинга интилди, лаблари сал очилди, бурун катаклари пир-пир қилди – унинг бу туриши худди ургочи йўлбарснинг сакрашдан олдинги ҳолатини эслатарди. Қизнинг қабиладошларига тиккан катта қора кўзларида ҳам кўркув, ҳам норозилик ифодаси зоҳир эди. Унинг бутун борлиғи худди камон ипи сингари таранг тортилганидан, ҳатто нафас олишни ҳам унудди. Қиз азбаройи безовталигидан бир кўлини кўксига босганича, иккинчисида узун қамчисини қисганича қотиб қолди. Аммо Маккензи унга қараши билан Заринка ўзига келди. Қизнинг таранг тортилган мушақлари бўшаши, чуқур нафас олди, қадиди ни ростлади ва Маккензига бениҳоя меҳр-садоқат тўла нигоҳлари билан жавоб қайтарди.

Бир пайт Тилинг-Тинхек гапиришга уринди, аммо оломон ҳайқириги унинг овозини босиб кетди. Шунда Маккензи ўртага чиқди. Тулки сўзлаш учун оғиз жуфтлади-ю, бироқ шу он орқасига тисланди, кучли фарёд томоғига тиқилди – Маккензи унга чексиз газаб, таҳдид билан ўтирилди. Тулкининг мағлубияти қаттиқ қаҳқаҳа билан қарши олинди – энди унинг қабиладошлари гап тинглашта тайёр бўлдилар.

– Биродарларим! – дея сўз бошлади Маккензи. – Сиз Бўри деб атаган оқ танли одам сизларнинг ҳузурингизга очиқ кўнгил билан келди. У эскимосларга ўхшаб алдамайди. У ҳузурингизга биродар бўлишни истаган дўст бўлиб келди. Бироқ йигитларингиз кўнгилларидагини айтдилар, энди дўстона гапларга ўрин қолмади. Энди гапимга қулоқ солинглар: аввалио, сизларнинг шомонингиз ёвуз одам экан, у ёлғондан башорат қиласр экан, у сизларга айтган истак-ирода бу – Олов Келтирувчининг хоҳиш-иродаси, ҳукми эмас. Қарғанинг овозини эшитиш учун унинг қулоқлари карлик қиласди, шомон ичидан гаразли гапларни тўқиб чиқариб, ҳаммангизни лақиллатди. У ҳеч қандай илоҳий кучга эга эмас. Сизлар ўз итларингизни ўлдириб, гўштини ейишга мажбур бўлганингизда, мокасин еб, хом теридан қорнингиз оғриганида, чоллар ўлганида, кампирлар ўлганида, онасининг кўкрагига сут келмай, чақалоқлар нобуд бўлганида; ерларингизни зулмат қоп-

лаганида ва худди музда лосось қирилганидай бари жонивор қирилиб-битганида; очлик-қаҳатчилик сеуга ҳужум қилганида сизнинг шу шомонингиз бирор ёрдам бердими, овчиларга омад олиб келдими? Наҳотки, у қорнингизни гўшт билан сийлаган, тўйдирган бўлса? Яна қайтариб айтаман: шомоннинг ҳеч қандай илоҳий кучи йўқ. Мана, мен ҳозир унинг юзига тупураман!

Ҳамма Маккензининг шомондай муқаддас зотга тил текизганидан, уни таҳқиrlаганидан, ҳайратдан лол бўлиб қолди, лекин ҳеч ким чурқ этмади. Баъзи аёлларнинг ўтакаси ёрилиб, кўрқиб кетди. Эркаклар эса юраги така-пука бўлиб, энди қандай мўъжиза юз бераркин, дея кутиб турдилар. Ҳамманинг нигоҳи шомон ва Маккензига қаратилган эди. Коҳин ҳал қилувчи дақиқалар етиб келганини англаб етди. Энди ҳокимият жилови қўлдан кетаётганини ҳис қилди, шунда дўқ-пўписа қилиб, лаънатлар ўқишига шайланди-ю, бирдан фикридан қайтди. Маккензи мушт дўлайтирди ва қаҳрли чақнаб турган кўзлари билан унга томон қадам босди. Шомон истеҳзоли ишшайиб, ортига тисарилди.

– Нима, шомонни ҳақорат қилганим учун ўлдимми? Мени яшин уриб кетдими? Ёки осмондан юлдуз тушиб, мени ҳалок қилдими? Туф-ей! Мен бу ит билан ҳисоб-китоб қилиб бўлдим. Энди мен сизларга бутун ер юзида, жамики ўлкаларда хукмдорлик қилаётган қудратлилардан қудратли бўлган ўз қабилам ҳақида айтиб берай. Аввалига биз якка-якка, мен ҳозир қилганимдай бир ўзимиз ов қиласиз. Сўнг гала-гала ов қиласиз ва ниҳоят, худди буғулар тўдаси каби бутун ўлкани тўлдириб юборамиз. Биз ўз вигвамларимизга киритганларимизги на омон қолади, қолганларини ўлим кутади. Заринка чиройли, бақувват қиз, у Бўриларга яхши она бўла олади. Сизлар ҳозир мени ўлдиришинглар мумкин, лекин Заринка барibir Бўриларга она бўлади, негаки менинг биродарларим сонсаноқсиз, улар итларимнинг изларини олиб келади. Мана, Бўри Қонунига қулоқ тутинг: агарда кимда-ким битта Бўрининг жонини олса, қабилангиздан ўн кишининг жони кетади. Мана шундай товон пулини кўп ўлкаларда тўладилар, ҳали яна кўп ерларда тўлайдилар.

Энди мен Тулки ва Айиқ билан гаплашиб олмоқчиман. Заринка уларнинг ҳам дидига ўтирган, бу шундоқ кўриниб турибди. Шундайми? Лекин ўзингиз бир қаранг: ахир, мен Заринкани сотиб олдим-ку! Ана, Тилинг-Тиннек мен берган милтиққа суюниб турибди, яна қиз учун бошқа нарсалар ҳам бердимки, улар сардор хонадонида турибди. Шундай бўлсада, мен барибир ёш овчиларга адолат қилимоқчиман. Узунданузоқ ваъз қилиб, томоги қуриб қолган Тулкига бешта катта қутида тамаки бермоқчиман. Майли, шу билан оғзи яна мойланиб, йигинларда қонгунча шовқин солаверсинг. Айиққа эса, — мен у билан танишганимдан фахрланаман, — унга иккита адёл, йигирма финжон ун, Тулкидан икки баравар зиёд тамаки бераман; агарда у мен билан бирга Шарқий төгларга кетадиган бўлса, унга худди Тилинг-Тиннекниги ўхшаш милтиқ ҳам бераман. Агар у бунга рози бўлмаса-чи? Жуда яхши! Бўри гапириб чарчади. Лекин у яна бир марта Қонунини қайтариб айтади: агарда кимда-ким битта Бўрининг жонини оладиган бўлса, қабилангиздан ўн кишининг жони кетади.

Маккензи илжайиб, илгариги жойига қайтди, лекин унинг кўнгли нотинч эди. Тун ҳали қоп-қоронғи эди. Қиз Маккензининг ёнига келиб турди, Айиқ пичноқ билан уришганда қандай ҳийла қилишини айтиб берди, Маккензи унинг гапларига диққат билан қулоқ солди.

Шундай қилиб, улар — Маккензи билан Айиқ Заринка учун жанг қиласидиган бўлдилар. Кўз очиб юмгунча ўнларча мокасин гулхан атрофидаги тепкиланган майдончани кенгайтирди. Ҳамманинг кўз ўнгидаги шомоннинг мағлубияти ҳақида қизғин баҳс кетмоқда эди; баъзилар у ўз кучини кўрсатади ҳали, деб ишонтирмоқчи бўлса, баъзилари ўтган воқеаларни эслаб, Бўрининг фикрларига қўшиларди. Айиқ майдончага чиқди, унинг кўлида руслар ишлаган қинсиз овчилар пичоги бор эди. Тулки ҳамманинг диққатини Маккензининг револьверларига қаратди, у бўлса белбогини ечиб ишониши мумкин бўлган ягона инсон — Заринкага тақиб қўйди, милтигини ҳам унга берди. Қиз отишни билмайман, деган маънода бошини чайқади: бундай қимматбаҳо қуролни ишлатишни у бечора қаёқдан ҳам билсин.

— Агар хатар орқа томондан келадиган бўлса, «Менинг эрим!» деб бақир. Йўқ, мана бундай: «Менинг эрим!»

Қиз нотаниш инглизча сўзни тақорлаганида Маккензи кулиб юборди-да, унинг юзларидан чимчилаб қўйди ва ўзи ўртага бориб турди. Айиқ Маккензидан фақат бўйи билан эмас, балки қўлидаги пичоғи билан ҳам устун эди. Пичноқ нақ икки дюйм¹га узун эди. Скруф Маккензи илгарилари ҳам ганимининг қўзларига қарашига тўғри келганди, ҳозир қаршисида ҳақиқий жасур эркак турганини англади; бироқ у пўлат пичноқлар ялтилаши билан бирдан жонланди ва аждодлари даъватига итоат этган томирларида оқаётган қон янада тез югуриб кетди.

Фаними яна ва яна уни гоҳ анави гулханга, гоҳ қалин қорга улоқтириб ташлади, бироқ яна ва яна Маккензи худди моҳир боксчи сингари уни марказга томон сиқиб олиб келди. Ҳеч ким ёнига тушиб, унга мадад бўладиган бирор оғиз сўз айтмади, рақибини бўлса олқишлиар билан руҳини кўтардилар, маслаҳатлар бердилар, эҳтиёт бўл, дея огоҳлантирилар. Бироқ Маккензи пичноқлар тифлари бир-бирига тегиб, жаранг-журунг этганида фақат тишларини қаттиқроқ қисди. Шунда у ўз имкониятларини ҳисобга олиб, шошилмай пайт пойлади, Айиққа ташланди, хавф яқин келганда, чекинди. Дастрраб Маккензи беихтиёр душманини аяди, лекин омон қолиш, жонини сақлаш инстинкти Айиқни ўлдиришга ундей бошлади. Ўн минг йиллик тамаддун ҳам Маккензи билан бирга худди пўчоқ сингари ҳавога учиб кетди ва у бир аёл зоти учун уришиб жанг қиласидиган оддийгина форда яшайдиган ибтидоий одамга айланди-қолди.

У Айиққа пичноқ билан икки марта ҳужум қилди ва бирор жойига тиф тегмай, чап бера олди; лекин учинчи марта ўзига зарба беришидан эҳтиёт бўлиш учун Айиқни тақаб қўлга олмоқчи бўлди — бўш қўли билан қурол ушланган қўлни сиқиб туширмоқчи бўлди. Шунда Маккензи ганимининг кишини даҳшаттга соладиган кучини ҳис қилди. Фаними сиқиб турган мушаклари зирқиради, пайлари, бўғинлари зўриқ-

¹ Д ю й м – узунлик ўлчови, 25,5 мм.

қанидан мана, ҳозир ёрилиб кетадиганга ўхшаб туюлди... Рус пўлатининг тиги эса тобора яқин-яқин келмоқда эди... У рақибининг чангалидан озод бўлишга уринди, бироқ бу ҳаракати бесамар кетди, бу билан турган ўрнини заифлаштириди, холос. Мўйнали одамлар қуршови янада жисплашиб борди, – сўнгги зарба яқин қолганига ҳеч ким шубҳа қўлмаётган, бу томошани кўришга сабрлари чидамаётган эди. Шунда Маккензи пихини ёрган жангчидай усул қўллади, ўзини чек-кага олиб қочди-да, рақибиға калла қўйди. Айиқ ноилож орқасига тисарилди, мувозанатини йўқотди. Маккензи зудликда бу фурсатдан фойдаланди ва бутун оғирлигини унга ташлади ва Айиқни томошабинлар ҳалқасидан нарига, бо силмаган қалин қорга ирғитиб юборди. Айиқ аранг у ердан турди-да, яна Маккензига ташланди.

– Эй, менинг эrim! – хатар яқинлашиб келаётганини билдириб, Заринканинг овози янгради.

Шу пайт камоннинг таранг тортилиб, қўйиб юборилган овози эшилтилди, Маккензи қочиб қолишга улгурди, – поянаги суяқдан ясалган найза улар устидан учиб, тўгри Айиқнинг кўксига бориб қадалди, у рақиби устига гупиллаб йиқилди. Маккензи зумда ўрнидан туриб кетди. Айиқ танасида жон асари йўқ, қимир этмай ётар, гулханнинг бошқа томонида шомон иккинчи найзани отишга ҳозирлик қўрмоқда эди.

Маккензи буни кўрди, дарҳол пичоғини олиб, учидан ушлаб, ўша тарафга отиб юборди. Пичоқ яшиндай ялтираб, гулхан узра учди. Пичоқ уни бориб, нақ сопигача шомоннинг бўғзига қадалди, у гандираклаб-гандираклаб ловуллаб турган чўёлар устига йиқилди.

Атрофни қичқириқ тутди – Тулки Тилинг-Тиннехнинг милтиғини қўлига олволиб, унга патрон жойлашга уринди, лекин эплай олмади, шунда Скрүфнинг қаҳ-қаҳ отиб кулишини эшитиб, қуролни қўлидан тушириб юборди.

– Демак, Тулки мана бу ўйинчоқни қандай ишлатишни ҳалиям ўрганиб олмабди-да? Демак, Тулки ҳалигача ожиз экан-да. Буёқقا кел! Милтиқни бер, сенга ўзим отишни ўргабиб қўяман.

Тулки иккиланди.

Оттин кўприк

- Бери кел, деяпман сенга!
- Тулки калтак еган кучукдек бўшашиб, унга яқин келди.
- Мана, қара, мана бундай қиласан, бўлди.
- Маккензи патронни ўз жойига жойлади, тепкини «шақ» эткизисб қўйди, милтиқни елкасига осди.
- Тулки бу тун буюк воқеалар содир бўлади, деган эди, унинг гапи тўғри чиқди. Чиндан, буюк воқеалар содир бўлди, лекин уларни Тулки қилмади. Нима, у ҳалиям Заринкани ўз чодирига олиб кетмоқчими? У ҳам шомон билан Айиқнинг йўлидан юрмоқчими? Ундай эмасми? Яхши!
- Маккензи нафрат билан юзини ўгириб, шомоннинг бўғзидан пичоғини сугуриб олди.
- Эҳтимол, ёш овчилар ичида шундай қилувчилар топилиб қолар? Агар улар яна курашмоқчи бўлсалар, Бўри уларни ҳам битта қолмай ўша ёққа жўнатади. Ҳеч ким хоҳламайдими? Яхши. Тилинг-Тиннек, мен, мана, иккинчи марта милтиқни сенга беряпман. Агар қачонки Юкон томонларга борадиган бўлсанг, Бўрининг эшиги сен учун очик, у сенга уйидан жой беради ва тўкин-сочин дастурхонини сен билан баҳам кўради. Ана, тун ҳам кунга ўтиб боряпти. Мен кетаман, балки яна келиб ҳам қоларман, яна сўнгги бор бояги сўзимни қайтараман: Бўри Қонунини ёдда туting!
- У Заринканинг ёнига келди, стикслар эса Маккензига бир мўъжизавий мавжудотга қарагандай қарадилар. Заринка чана олдидаги ўзига аталган жойни эгаллади ва итлар йўлга равона бўлди. Орадан бирор дақиқа ўтгач, улар гира-шира қорли ўрмонга сингиб кетдилар. Шундагина қимир этмай турган Маккензи ҳам чангига оёқ қўйди ва уларнинг изидан кетишга ҳозирланди.
- Наҳотки, Бўри бешта катта кути тамакини ташлаб кетишини унугтан бўлса?
- Маккензи газаб билан Тулкига ўтирилди, негадир бирдан кулгиси қистади.
- Мен сенга битта кичкина кути тамаки бераман.
- Бўри барибир Бўрилигини қилди-да, — деди секингина Тулки қўлинини чўзиб.

АЛЕКСАНДР КУПРИН

БУЮРТМАГА БИНОАН

Илья Платонович Арефьев, машхур газета фельетончиси ўз хонаси бўйлаб – асабийлашгандан-асабийлашиб, курси суянчиқларига суриниб, чарм диван олдидан Шопенгауэрнинг қовоғи солиқ бисти турган жавон олдигача бориб келмоқда эди. Унинг, қартабозлар таъбири билан айтганда, «қўли келмай қолганди». Бош қотириб ўтирганига бир неча соатдан ошди ҳамки, калласига тузукроқ бирор гап келмайди, ёзиш учун тайёрлаб қўйилган қофозида эса олачипор тусдаги соқчихона олдида турган соқчи, кўзлари ҳайратдан одамниги ўхшаб катта-катта очилган от калласининг ён томондан кўриниши ва қўлда чизиб ташланган бир неча мушук тасвири кўзга ташланади.

Арефьев – тажрибали, кекса газетачи. Фақатгина ёш шоирлар ва муҳтарама қиссанавис хонимларгина эмас, балки «бизнинг ёш, умидли беллетристларимиз» ҳам Илья Платоновичнинг «граф Альмавива» тахаллуси остида гўр қаламкашларни ҳар ҳафта уриб чиқадиган «Русская почта» (XX аср бошларида Россияда чоп этиладиган нашр)нинг пайшанбалик сонларини ҳаяжон билан кузатадилар. Унинг ихтисослиги фақат ана шу қақшатқич зарбалардангина иборат эмас эди. У худди ана шундай осонлик билан тилла, валюта ҳақида ҳам, символистлар, Хитой билан савдо масаласи, маҳаллий амалдорлар ҳақида ҳам, янги драма, марксистлар, биржа, қамоқҳоналару артезиан қудуқлари ҳақида ҳам, қисқаси, ўзининг нозик, профессионал димоги билан ҳидини олган барча

*Рус тилидан
Нилуфар Ҳайиталиева
таржимаси*

Александр Иванович Куприн (1870–1938) –
машхур рус ёзувчisi. А.И.Куприннинг «Буюртмага биноан» (*«По заказу»*) ҳикояси биринчи марта 1901 йил 1 апрелда «Одесские новости» газетасида чоп этилган.

нарсалар ҳақида ёзаверарди. У бугун эътиборга тушиб улгурмаган, бироқ эртага куннинг энг муҳим масаласига айланниши мумкин бўлган мавзууни ҳаммадан олдин илғаб олар ва шу заҳотиёқ аччиқ киноя ва ўта муболагада сайқалланган ўткир ақли билан одатий тарздаги ҳодисанинг кулгили, қоронги ва хунук қирралари бўй кўрсатарди.

Илья Платонович шу кунга қадар қасб қилиб олган ишининг ҳеч бир қийин томонини кўрмаганди. Одатда бирор масалага шунчаки қизиқиши ва ўрганишининг ўзи унга кифоя қиласар эди. У столга ўтиаркан, сўзлар ўз-ўзидан куйилиб келишига ишончи комил эди; чиндан ҳам, жонли, қизиқарли, ўткир ҳамда оқилона жумлалар аниқ, гўзал сатрлар бўлиб қофозга сочиларди. У ёзган фельетонларини ҳатто босмахона югурдагидан таҳририятга бериб юбориши олдидан қайта ўқимасди ҳам.

Бугун эса сира тушуниб бўлмайдиган иш содир бўлди. Бир номи чикқан адабий тўгарак болалар санаторийси фойдасига адабий альманах чоп этишга қарор қилибди. Улар Арефьевга алманаҳда иштирок этишни таклиф қилишди, яна кишига ёқадиган эҳтиром билан ундан «биласизми, илиққина, ўкувчини яхшигина таъсирлантира оладиган бирор нарса» кутаётганларини билдириб қўйишди... Арефьев уларга бажонидил розилик берди, кейин, одатдагидай, бу ҳақда унтиб юборди ва ниҳоят, кеча унга одобу назокат билан унинг ҳикояси сабаб китобни чоп этишни икки кунга кечиктиришганини эслатиб қўйишди: у нима қилишни билмасдан, сўнгти чорани кўллади – ўта мулојим оҳангда ҳикояни бугун оқшомдан кечиктирмаслигини айтди.

У кеч соат еттида уйга қайтгач, одатдагидек, батартиб одам ҳаракати билан силжимали металл рефлекторли чироқни ёқиб, чап томонига сурди, олдига бир даста чизиқли қофозни қиялатиб қўйди, ҳатто патқаламни сиёҳдонга ботириб ҳам олди – бирдан таажжубга тушди, шунда нима ёзишини билмаётганини сезди. Кескин, заҳар тилли, ўкувчи юрагини куйдириб юборадиган фельетон бўлганда-ку, бошқа гап эди. Бунаقا пайтларда ўта бозори чаққон мавзулар ҳам оёқ остидан чиқарди-қоларди. Мана, масалан, ҳозир Арефьевнинг

олдида «бизнинг ёш ва истеъододли шоиримиз» оммага дарсларларданоқ маълуму машҳур бўлган Тютчев шеърларини мақтаниб, ўз асари сифатида тақдим этган «Литературное приложение»¹нинг сўнгти сони ётиби. Ёки Севастополь ногиронлари учун уюштирилган хайрия спектакли ҳақидаги мавзу ҳам ёмон эмас, чунончи, йигилган маблағ уч рубль етти тийинни ташкил этгани ҳолда, жаноб ҳаваскорларнинг извошлари ҳамда уларни «чой» билан сийлашга уч юз рублдан зиёд пул сарфланган эди. Лекин, афсуски, ҳар иккала мавзуда ҳам ўқувчига таъсир этиб, уни кўнгли ярим болажонлар фойдасига чўнтак кавлашга ундайдиган ҳеч нима йўқ эди.

Шунда Илья Платонович кўнглида ижодкорлик иззатнафси қуртдек ғимирлаганини сезди. Қандай қилиб? Наҳотки, у, Арефьев, пасха²та бағишиланган шунчаки бир ҳикояни ёза олмаса; айни пайтда, одатда, қутурган ит ва баттол извошчилар ҳақидаги руқнни олиб борадиган ўта ночор мухбирча ҳам бундай байрамолди асарларга белгиланган одатий имтиёзлардан тамшаниб, таҳририятга аллақандай савдогар ёки кўнғироқларнинг қувноқ жарангни остида аста мангу ўйкуга кетаётган кампир ҳақида қоралаган миннарсасини кўтариб боришига улугургандир. Наҳотки, у шунча йиллардан бўён ўқувчи қалбидаги истеъзо ва газабнок кайфият уйготишга кўнишиб қолиб, энди одамлар кўнглида раҳм-шафқат, мурувват ва баҳтиёрлик ҳисларини уйғота олиш иқтидорини бутқул йўқотган бўлса? Наҳот, унинг истеъододи ихтисослашиб қолиб, ижодкорга хос энг бебаҳо хусусият — кўп қирраликни йўқотган бўлса?

Арефьев ҳамон диван қирраси ва буюк файласуф бюсти орасида асабий юрмоқда эди, истеъзога тўлиқ миясига эса, худди атай қилгандек, ўзи газетанинг пайшанба сонида дунё юзини кўрган фельетонларида иштиёқ билан аёвсиз «мазах»

¹ «Литературное приложение» — XX аср бошларида Россияда чоп этилган нашр.

² П а с х а — насронийларнинг Исо пайғамбар тирилишига бағишиланган байрами.

қилган «хонимлар қиссалари»даги бир қолипдаги иборалар келарди. «У дераза олдига бориб, қизиб кетган юзини кўзёшлар каби ёмғир томчилари юваётган муздек ойнага босди». «Князъ ўзининг муҳташам кабинетида ўёқдан-буёқча бориб келар, бу унинг кайфияти ноҳушилигидан дарак берарди». «Сокин май оқшоми. Қуёш алвон нурларини ҳар томонга сочганча ботмоқда эди»...

Ҳикояни бошдан-оёқ ана шундай чучмал, сийقا иборалар билан ёзиб қўя қолса яхши бўлармиди. Ҳамма нарсага пичинг билан қарашдек эски одати Илья Платоновични йўлдан ура бошлади. Ҳа. Мана бундай бошласа ҳам бўлади: «Авалиё Стефан минорасида ярим тунда бўғиқ бонг урилди. Кўримсиз кулба бурчагида баланд бўйли бир одам кўринди. Унинг юзи кенг ёмғирпўши билан тўсилган эди. Патли шляпаси ва белига қистириғлиқ узун шамшири унинг киборлар насабига мансуб эканидан далолат бериб турарди».

Бироқ Арефьев ана шу аҳмоқона фикрни миясидан ҳайдади-да, яна шинам жиҳозланган хонаси бўйлаб бетоқат юра бошлади.

— Тўхта. Бу масалани бир чеккадан ҳал қиласиз, — деди у ўз-ўзига гапирганча. — Биринчидан, китобхонни тўлқинлантиришинг ва кўнглини юмшатишинг учун аввало ўзинг ни-мадандир тўлқинланишинг ва кўнглинг юмшави керак. Хонимлар қиссаларидағи йифлоқи, таъсирчан ҳикоялар якунида кекса полковниклар бари айбни ҳаддан ортиқ ўткир та-макига ағдариб, тўқадиган кўзёшни сен ҳам тўкиб кўришинг керак. «Хонага ўлик сукунат чўқди. Кекса полковник ўз ҳикоясини тугатди ва тингловчиларга тескари ўгирилганча, трубкасини камин панжарасига урди, негадир уни жуда узок қоқди. Нихоят, у қаддини ростлаб, кўзларини артганча, титроқ овозда деди: «Падарига қусур! Аммо тамакингиз жуда ўткир экан, ротмистр!» «Бечора Зайрага нима бўлди?» — деб сўради узоқ жимлиқдан сўнг соchlарига сарғиш атиргул қадалган хоним. «У ўлди! — бўғиқ жавоб берди кекса полковник».

— Жин урсин! Калламга келган нарсани қаранг, тавба! — койинди Арефьев ва йўлида дуч келган курсини жаҳл билан тепди. — Бундан чиқди, bemaza сўзлардан бошқа нарса айттолмайдиган латифадаги тўти бўлибман-қолибман-да. Йўқ,

мантиқан фикр қилиб, қандай сюжетлар байрамолди бозори чаққон бўлади, шуни хотиржам ўйлаб оламиз. Аввало, албатта, ўзи ташлаб кетган эри ҳузурига қўнгироқ илк бонг уриши билан қайтаётган енгилтабиат хотин. «Револьвер унинг қўлидан тушиб, тарақлаганча полда думалаб кетди. У кучоғини катта очди, аёл ўзини эри қўксига отди ва уларнинг лаблари узундан-узоқ бўсада жипслашди...» Қисқаси, даф бўлсин суюгоёқ хоним!..

Кейин пасха оқшоми соқчиликда турган аскар мавзусини ҳам ёзиш мумкин. «Қамоқхонанинг ой ёритиб турган оппоқ деворида қандайдир қора кўланка пайдо бўлди. Соқчи одатдагидек тепкини кўтарди ва кўланканни нишонга олди. Лекин шу он атрофга ибодатга чорловчи қўнгироқ овози таралди ва қурол аста пастга тушди... Ҳаяжонга лиммо-лим кўкракдан чуқур хўрсиниқ отилиб чиқди» ва ҳоказо, ва ҳоказо. Яхши воқеа, эски, ишончли, синалган... Бўлмайди!..

Яна нимани ёзиш мумкин?.. Боён уйининг чарогон деразаларига қараб турган қизалоқни кўчада музлатиш фикри ҳам ёмон эмас. «Майин қор юзида баҳтиёр табассум қотиб қолган гўдакнинг ҳаракатсиз қоматини аста қоплаганча, пагалаб ёғмоқда эди». Айтмоқчи, бу Рождество мавзуларига киради-ку – буниям бир чеккага суришга тўғри келади.

Илья Платонович дераза олдига борди ва кўчага лоқайд қаради. Сокин, ойдин ва илиқ кеча; бу оқшомда бари оҳиста, бир маромда кечётгандек туюлади – ўйчан осмон ҳам, тобора ингичкалашиб бораётган ой ўрги ҳам, акацияларнинг ноzik бутоқлари ҳам, ҳашаматли зим-зиё биноларнинг шаклшамойиллари ҳам. Туйгун ва ланж ҳавода ўткинчилар овози ва аёл кулгиси ёқимли жаранглайди, ҳатто файтонлар фидирлари ҳам қандайдир ўзига хос, баҳорий тақ-туқ қиласди.

Қаршида, кўччанинг нариги томонидаги катта қандолатхона деразалари олдида жулдор кийимли бир тўп бола уймалашиб турарди. Улар катта дераза ойналари ортида пештахтага териб қўйилган фўла шаклидаги каттакон ширин нонлар, куличлар, шакарли барашка¹лару ипга осилган ранг-

¹ К у ли ч, ш а к а р л и б а р а ш к а – пасха пишириқлари.

бараг тухумлардан кўз узмасди. Бу болалар негадир Илья Платоновичнинг гашига тега бошлади.

«Дераза ойнасига бурунларини тақаб, ёпишиб олганларини қаранг. Анави, қўлтиғига қолип қистириб олганиничи, ҳойнаҳой, уни хўжайини буюртмачи-офицернинг олдига жўнатган бўлса керак. У бўлса ҳар бир дераза олдида томошалаб, анқайиб юрибди. Кеч қолади-да, байрам деб калтак ейди, кейин газетада болаларга ҳайвонларча муносабатда бўлишаётгани, уларни хўрлашаётгани ҳақида хабар пайдо бўлади. Сен ана шунга муносибсан, шум бола!.. Ҳм... Дарвоқе, мана яхшигина мавзу. «Рангпар, bemажол бола ҳашаматли қандолатхонада териб қўйилган куличларга ҳавас билан қараб турибди. Кутилмаганда саҳнада тилла ҳалли кўзойнак таққан ва албатта, қимматбаҳо тулки терисидан пўстин кийган сирли жаноб пайдо бўлади (муқаддас байрам кунлари бу жаноб ҳайратланарли кучга эга бўлади!). Суҳбат бошланади. Маълум бўладики, боланинг «отажон»иси ўлган, қадди камондек букилган юз яшар «бобожон»иси пеҷдан тушмай ётади, «онажон»иси ўсал ётибди, синглиси ва ҳоказо, ва ҳоказо».

— Мени ўша ёққа олиб бор! — дейди қатъият билан тилла соатли жаноб ва ярим соатдан сўнг она қаршисида яхши шароб ва энг зўр доктор ёзиб берган дорилар пайдо бўлади, бобони ёрмали бўтқага тўйидирадилар, унга иссиққина пахтали белдамча олиб берадилар, беҳол бола эса «кўзлари кувончдан чараклаб», арzonга тушган пасха, камтаргина кулич ва ўнтача қип-қизил тухумлар билан безатилган дастурхон атрофида сакрайди, тулки терисидан пўстин кийган жаноб эса, ҳатто исмини ҳам айтмай, стол устида олтин танга тўла ҳамён қолдирганча, сездирмай гойиб бўлади.

Девор ортида соат бўғиқ, мусиқий, сокин баритонда тўққизга бонг ура бошлади. Арефьевни бирдан ғалати, шу пайтгача унга нотаниш бўлган руҳий ҳоргинлик ва анави афтодаҳол болакайлар, ташлаб кетилган эрлар ҳамда сирли, номаълум кишиларга нисбатан кучли нафрат ҳисси қамраб олди. У кенг чарм диванга эринибигина чўзилиб, кўзларини юмди.

Борди-ю, ҳозир бирор киши Илья Платоновични кўргандада эди, бу тили аччиқ фельетончига, «бировнинг устидан кулишни яхши кўрадиган жаноб мазахчи»га ачиниши турган гап эди. Унинг юзидан қони қочди, бирданига нақ ўн йилга қариб кетгандек, пешонасидаги ташвишли ажинлари янада чуқурлашди, юмуқ кўзлари чаноқларига ботди, лаблари атрофидаги тиришлар эса пастга осилиб тушди ва бу унинг чехрасига аччиқ жирканиш ифодасини берди.

Аммо Илья Платонович ухламаётган эди. У тўсатдан беихтиёр бир-бирига боғлиқ ярим уйқу ва бедорлик ўртасидағи ланж ҳолатга тушиб қолганди. Вақт ўз аҳамиятини йўқотди. Хона деворлари олис зулматга сингиб, гарқ бўлди ва Арефьев худди ҳақиқат каби ранго-ранг, ўзгарувчан, хаёлий ҳаётда яшай бошлади.

У ўзини бу ҳаётда озгин, паҳмоқсоч, шум болакай, хароба шаҳарчадаги черков дъякони, бутхона руҳонийсининг ўғли сифатида кўрди. Черковда нурли тонгги ибодат бўлмоқда. Бутхона хорининг ўнг томони ҳаваскорларга тўла, улардан проптопопнинг ўғли, таътилга келган семинария талабаси шошилинч тарзда черков хорини тузган. Мана, улар худди типик одамлар сингари Арефьевнинг рўпарасида туриб олдилар. Биринчи тенор¹, почта идорасининг майдада амалдори, ёнидан оқ қўлқоплар ташлаб қўйилган яп-янги мундирда, мойланган бошини ялтиратганча турибди, ундан гул исли одеколон бўйи анқимоқда. У жуда титроқ товушда бир оз димоги билан куйлади, соло ижро этаётганда эса бепарво деворга суйкалади, оёқларини бетакалбуфлик билан чалиштиради, бошини орқага ташлайди-да, руҳсиз кўзларини юмади. Регент² – озгин, баланд бўйли ва салобатли одам, – жуда узун сюртукда, ҳаммани қойил қолдириб, равон ҳаракатлар билан дирижёрлик қиласи. Камертон³ни икки бармоги билан тутиб, бошқа бармоқларини назокат ила букканича, онда-сонда чап қўлини огоҳлантириш ва тўхтатиш ишо-

¹ Т е н о р – эркакларнинг энг баланд овози.

² Р е г е н т – черков хори дирижёри.

³ К а м е р т о н – дирижёр таёқчаси.

раси билан олдинга чўзади; нафосат билан чиройли букилган ўнг қўлини нозик жойларда астагина, кўз илгар-илгамас тарзда қимирлатади; шунда қошлари тепага қўтарилади, юзида борган сари ҳайрат, кўркув ва меҳр ифодалари акс этади. Лекин форте¹ талаб қилинадиган ўринларда у иккала қўлини кенг ёйиб, оҳиста силкитади, бошини силкиб, бутун гавдаси билан қимирлайди ва таҳдид билан бурнини жийириб, қошини чимиради. Кўпас-савдогар ўғли Ноздрунов, хўппасемиз, қип-қизил бўйинбоги бўйнигача чиқиб кетган авзода регентга шундай бақрайиб ва диққат билан қарайдики, азбаройи зўр бериб қараганидан бутунлай олдинга энкайиб олади. Кўпас ўғлининг мутлақо эшитиш қобилияти йўқ, лекин у, протопопнинг ўғли айтмоқчи, «ноёб овоз»га эга, шунинг учун ундан «таран»² сингари қулоқни ниҳоятда қоматга келтирадиган ўринларда фойдаланади. Шундай жой келганда дирижёр «ноёб бас»³га ўгирилади, унга қўзларини олайтирганча, камертонли қўлини узуқ-узуқ, худди бировга қилич санчаётгандек ҳаракатлантириб, у томонга чўзади. Шунда Ноздрунов қип-қизариб кетади, пешонасидаги томирлари бўртиб, лаблари титраб, шундай ўкирадики, бутун хор унинг овозидан бир зумга чўкиб кетади.

Илюшка биринчи қаторда туради. У бахтиёрлик ва итоаткорлик ифодалари лиммо-лим қўзларини регентнинг юзидан олмайди, тобора черковни тўлдириб бораётган, гўёки юқоридан сон-саноқсиз бошлар, ёниқ чироқлар, қувончдан шодумон бўлган, бир хилда кўринаётган юзларга қарашга деярли вақти ҳам бўлмайди.

Ибодат тугайди. Поп ва унинг ортидан йўл олган хор ҳам черков панжарасига қаторасига тизиб қўйилган пасха ва қуличларни поклаш учун чиқади. Ташқарига чиқаётган бари одамларни қўққисдан ёрқин, кўзни қамаштирувчи баҳор тонги қувонч билан қарши олади. Мовий осмон, сабза майсалар, дараҳтларнинг хушбўй куртаклари, қабристондаги қар-

¹ Ф о р т е – мусиқанинг кучли чалинадиган қисми.

² Т а р а н – қалъа дарвозаларини бузиш учун ишлатиладиган учли курол.

³ Б а с – эркакларнинг энг паст овози.

галарнинг асабий қагиллашлари – буларнинг барчаси Илошкада чарчоқдан сўниб бораётган байрам кайфиятини қайта кўзгайди. У қўнгироқларнинг қувноқ жаранг орасидан бегона овозларни аранг ажратар, баланд овозда хор билан бирга куйлар, айни пайтда оломон унга қараётганини сезгани учун юзида худди мушкул, жиддий ва муҳим вазифани бажараётган одамники каби ташвишли ифодани кўрсатмоқчи бўларди.

Эртаси куни, албатта, қўнгироқхонага бориб, қўнгироқ чалиш керак эди. Қадимий, эски таомилга кўра, дастлабки уч кунда ҳаммага қўнгироқ чалиш учун рухсат берилади, ахир, бусиз пасха пасха бўлармиди? Қўнгироқхонага олиб чиқувчи зиналар қоронфи, чанг босган ва шундай тикки, ҳатто юқорига чиқиб олгач ҳам Илошканинг оёғи қалтираб кетади. Музлаб қолган бармоқлари билан панжарани тутиб, унга ёпишганча пастга қарайди. Вуй, қўрқинчлиligини, яна гаштли ҳам! Уйлар қутидай жажжи-жажжи ва яп-янги ҳам жуда гаройиб кўринади. Оёқлари остида жарқалдиргочлар баланд овозда чагиллади, ҳавода айлануб учади, хурккан капитарлар қанотларини ялтиратганча айлануб осмонга парвоз қилади. Бутун қўнгироқхона узлуксиз жаранг-журунг овозлардан шундай ларзага келадики, бақирсанг ҳам, ўз овозингни ўзинг эшитолмайсан. Бу ҳиссиятлар шундай галати, ажойиб, шундай юрагингни чулғаб оладики, қўнгироқхонада ким қўнгироқ чаляпти, ким хурсандчиликдан гул-гул ёнепти, ким куляпти, бу мовий осмонми ёки завқ-шавқдан, кўкси тўла ҳайратдан сармаст бўлган гўдак қалбими, билиб бўлмайди.

Диванда ётган рангпар, қаримсиқ юзли одам заифона кулимсирайди. Энди у ёш қаламкашлар кушандаси, ўтакетган мазахчи, жамият манфаатлари ва бемор бўлган шаҳарнинг шаҳроний ҳирс-эҳтирослари қозонида ўз ҳаётини нафрат ва жирканч туйғулари билан қовураётган Илья Платонович Арефьев эмас эди. У энди ўзининг қудратли ҳайвонсимон турмушидаги бари ҳис-ҳаяжонларни очкўзлик билан ютиб юборувчи қувноқ, бегам, шум кўча боласи – дъякон ўғли Илошка эди. Арефьев бир неча дақиқага вужудида шундай софлик, покизалик ва тиниқликини ҳис қилдики, гўё

кимдир кўринмас қўлларини сийпаб, кўнглида қурум босиб ётган нафрат, ҳасад, безовта ва қонмаган иззатталаблик, ҳаётдан безиш ва дилгирликни меҳр билан мулойимгина сидириб ташлагандек бўлди. Шунда унинг вужудига Илюшка билан бирга, назарида ҳар нафаси сайин бутун ранглар олами, турли товушлар ва ислар олами – ҳамиша янги, ҳамиша мафтункор ва ниҳоясиз ранг-баранг байрам олами бостириб киргандек бўлди.

Ана шу ажойиб, серқуёш қунлар кўз олдидан бир-бир ўта бошлади. Хаёлида бошқа манзаралар бирин-сирин уланиб кетди, улар борган сайин ғамгинлашиб борди – қўксидан губори кетмаган доғлар, бирор муваффақиятга эришиш учун аста-секин маънавий қашшоқлашишга қарши кечган аёвсиз курашларнинг узоқ тарихи кўз ўнгидаги намоён бўлди. Ана шу бешафқат хотира Арефьев ҳамиша эслашдан безиб, юраги орқага тортадиган, чўчийдиган ўша олис пасха оқшомини ҳам ёдга солди.

О, буларнинг барини у аниқ-тиниқ эслайди. Мана, Илья Платонович ўзининг ilk катта ҳикояси учун гонорар олаётган таҳририят идораси. Мұхаррир, кекса, тунд одам, газета ишларининг пири, янги ходим қиёфасида газетага катта, ўзига хос янги куч кириб келаётганини англаб етди. У ҳозиргина ўз кабинетида навозиш билан Арефьевнинг қўлини узоқ сиқиб турди ва ниҳоят, таҳририят тарихида кўрилмаган илтифот! – дўстона, бетакаллуф оҳангда шундай деди:

– Ҳикоянгиз эртага кетади. Сизга пул керак бўлса, марҳамат, уялманг. Агар истасангиз, биз сизга корректура тобоги бўйича гонорар беришимиз ҳам мумкин.

Истаганда қандоқ! Ҳозиргина Арефьевнинг ўзи ҳам «Уч рубль аванс бериб турасизми?» – деб сўрамоқчи бўлиб турувди-да. Ўёқда, ижара кулбада уни, турли-туман фақирларга тўлган уй чордоги десаям бўладиган хонасида юракларини ҳовучлаб, қўлида гўдаги билан бир аёл кутиб ўтирибди. Улар ўша хонада, қоронғида, керосин сотиб олишшга ҳам пуллари йўқ ўтирибдилар, бутун эрталаб тушликка егулик учун яккаю ягона кулранг жун рўмолни сотдилар, ўёқда ижарадор уй эгалари, хизматкорлар бор, ўёқда қашшоқлик ва қаҳр-

ғазаб ҳукмрон. Арефьев қалтираган қўллари билан талонга имзо қўяётганида калтабақай, семиз, ўзига бино қўйган ва доимо нимадандир норози қария-кассир ранжиган тўтидек, устига бир тўп кумуш танга қўйилган бир даста қофоз пулни у томон суриб қўяди.

Ха, бу Илья Платоновичнинг ҳаётидаги омадсизлиқда, очликда ўтган, дарс беришлар, ёзиш ишлари, кечки машгулот ўтказишлар каби тасодифий ўлжаларни шиддат билан тутишдан иборат бўлган оғир давр эди. Лекин нима учун улар хотини иккаласи ана шу маشاқатли қисматларини шундай тетиклик, ирома билан, норозиликларсиз, бир-бирларига аччиқтиззиқ гиналар қилмасдан, ҳатто тақдир устидан мағруона қулиб, истеҳзо билан қабул қила олишди? Нега кейин, тақдир ниҳоят уларга марҳамат кўрсатганида, Арефьев шуҳрат қозониб, тўкин, фаровон яшай бошлаганларида, уларнинг кўнгил дунёлари мисли кўпикдек парчаланиб кетди? Балки фарзанди нобуд бўлгач, уларни бирлаштириб турган ўша оғриқли, бироқ мустаҳкам ришта узилгандир.

Ўзи, ана шу боласи галати ва маъюс эди. Гўдакка онаси қорнидалигидаёқ гарип, қашшоқ ҳаётнинг нуқси урганга, болага ўз таъсирини ўтказганга ўхшарди. Бир ёшга тўлгач, ўсишдан тўхтади. Фақатгина унинг каттакон, худди қандайдир рангсиз, бадбўй сув тўлдирилганга ўхшаган пўкак калласи ўсмоқда эди; лекин бола танаси ҳамон ночор ва ожизлигича қолган, қуриган шох-бutoқчалардек ингичка кўл-оёқлари ривожланмай, шалвираб турарди. Боланинг фақатгина кўзлари бошқача эди, катта-катта, ювощ ва маъюс бу кўзларнинг ранги шундай ажойиб эдики, бу ранг, Ҳейне айтмоқчи, на одамларда, на ҳайвонларда учрар, бу рангни баъзи-баъзида фақат гулларда учратиш мумкин эди, холос. Бир умр ҳаракатсизликка маҳкум этилган бу бола ўзига ҳамроҳ дардларга гайритабиий бир сабр билан бардош берарди. Доимо жиддий, ўйчан бу гўдакнинг суйиб гапирадиган гаплари худо, фаришталар, ўликлар, дафн маросимлари ва қабристонлар ҳакида бўларди. У яқин-орада ўлишини аниқ билар ва ҳеч қачон кулмасди.

Оҳ, Илья Платонович ўша пасха оқшомини шундай азоб, изтироб билан эсга оладики... ўшанда қўлида қофоз халта бўлиб, халтачаларнинг кўплигидан эшикни тирсаги билан

очишига тўгри келганди. Унинг орқасидан оғзи мойлангани учун марҳаматли, илтифотли, тиржайиб турган ҳовли фароши Арефьев аравадан туширолмаган унларни кўтариб келмоқда эди.

Тўртинчи қаватдаги хужрада ана шу пасха оқшоми шундай шодон ўтдики... Учта шамни иккига бўлиб, олтита қилиб ёқдилар — уй ҳашаматли, чароғон бўлиб кетди. Бензинкада (илгари буни орзу ҳам қилмасдилар) тайёр тўқмоқланган гўштли котлетлар қовурилмоқда, унинг ёнида ҳақиқий «кофе мокка» қайнамоқда эди. Дастурхонда катталар учун катта, болакай учун эса кичкина кулич ва пасхалар турарди. Илья Платонович жойида ўтиrolмади. У Гришанинг олдida айиққа ўхшаб тўрт оёқлаб юрди, курбақа бўлиб сакради, қопагон итга ўхшаб ириллаб, боланинг иссиқ кўкрагини тишламоқчи бўлиб ўйнашди. У ҳали ҳис қилиб ултурмаган тўқлик, меҳр тафти ва фаровонлик туйгусидан, айниқса, дастлабки адабий ютуғидан сармаст эди, бу мувафаққиятнинг оғули аччиқ лаззатини ўз танасида ўтказмаган одам тасаввур ҳам қилолмайди.

Ўша оқшом ҳатто Гриша ҳам ўзининг қисқа кечирган умрида илк бора жилмайди. У куличга ўрнатилган, бир оёқли қоғоздан ясалган фариштага кўлинин чўзганча, ёруғ табасумдан чехраси ногаҳоний гўзаллашиб пицирлади:

— Фаришта! Фаришта!

Э худо, улар қани, қаёқда? Арефьев хотинини бундан учйил илгари Ниццада жуда кибор ва кексайиб қолган, бўғинлари оғриган қандайдир бир бемор қария билан бирга кўрганди. Гришани эса ўзи баҳтиёрлик билан чорлаган фаришталар бирга олиб кетдилар...

Илья Платонович худди бирор ирғитиб юборгандек дивандан сапчиб турди. Юзи кўзёшлардан ҳўл бўлиб кетганди, бироқ бундан уялмади, чунки кўзёшлар унга бир неча дақиқагина анчадан бўён ҳис қилинмаган, инсон юрагини поклайдиган ва юмшатадиган теран инсоний дард-алам ҳиссими бахш этган эди. Хонада ўёқдан-бўёққа юраркан, деразадан қаради. Жулдур болалар қандолатхона деразалари олдида ҳамон тўпланиб, совуқ қотган оёқларини ерга тепиниб турардилар. У боягини «озиб-тўзиб кетган болакайлар» ва

«тилла кўзойнакли сирли жаноблар» устидан газаб билан заҳарханда қилганини эслади. Арефьев ҳозир уларга қараб туриб, юрагида жирканиш эмас, балки осоийшта, оталарча меҳрга тўла шафқат-мурувватни ҳис қилди.

«Биз ҳаммамиз, — хаёлидан кечди унинг, — у ёки бу жиҳатдан — қашшоқ, ориқ, ташландиқ болалармиз, агар биз сирли олижаноб кишиларнинг борлигига ишончимизни йўқотсак, ҳаёт қандай даҳшатли кечган бўларди!»

Шунда унинг тасавурида чордоқларда музлаб қолган, заҳертўлаларда совуқдан қалтираётган, кўчаларда «Христа ради»¹ни айтиб, безор қилиб, йўловчилар ортидан юргурган ялангоёқ болалар шарпалари гавдаланди, ҳаётдан безган каталар ана шу соғ қалблар ортига ўз айбларини тўнкайдилар, қилган хатолари, бир умр алданиб яшаганликларини яширадилар, ана шулар оқибати ўлароқ, ҳали гапиришни эплар-эпламас қизалоқлар фахш, ифлослик, олди-сотди буюмига айланадилар, ҳали вояга етмай туриб болалар жиноятга кўл урадилар; охир-оқибат, манглайи қора майиб-мажруҳлар ҳам, буқрилар, рахитлар, жиннилар, тутқаноқлар, бешикданоқ ирсий касалликларга чалинган ҳам шу болалар бўлади. Шунда Илья Платоновичнинг қулоқлари остида барча замонлар ва ҳалқларнинг ақли, донишмандлигини ўз салоҳиятида мужассам этган Сакъя Муни²нинг улуғвор ҳикмати янгради: «Кимда-ким бир гўдак кўзёшини артса ва унинг юзида табассум уйғота олса, марҳаматли, улуғ Будда наздиди, ўша киши муҳташам ибодатхона бино этган зотдан ҳам аълороқдир».

Илья Платонович, мана, икки соатдан буён столдан турмай ишламоқда, унинг қалами остидан одатдагидай аниқ, равон сатрлар тўкилмоқда эди. У «Гўдак табассуми» деб номланган бу мақолани қандай якунлашни ўзи ҳам билмайди, лекин бошидаги соchlари ости ёқимли жимиirlаётганини, елкасига эса унугилаёзган илҳом титроғи юргурганини ҳис қилади. Ҳамон унинг кўз олдида фавқулодда қувончли табассумдан ёришиб кетган бола чехраси намоён бўлиб туради.

¹ Христаради – пасхада айтиладиган диний қўшиқ.

² Сакъя Муни – Будда номларидан бири.

ЭРНЕСТ ХЕМИНГҮЭЙ

ОЗОДА ВА ЁРУФ ТОМОНДА

Тун ярмидан оғди, қаҳвахонада биргина қариядан бўлак хўрандалар қолмади. Қария дараҳт барглари кўланкаси лип-лип ўйнаган стол атрофида ўтиради. Кундузлари кўча анча чант-тўзон бўлар, тунги шабнам эса чангни босиб кетарди, шунинг учун ҳам қария бу ерда алламаҳалгача ўтиришни хуш кўярди, негаки, унинг қулоқлари кар эди, оқшомлари эса атроф сокин бўлиб қолар ва у буни жуда равshan ҳис қиласади. Қаҳвахонадаги икки официант қариянинг ширақайфлигини, гарчи яхшигина хўранда бўлса ҳам, жуда кўп ичиб юборса, ичкилик ҳақини тўламай чиқиб кетиши мумкинлигини ҳам билардилар; шунинг учун уни кузатиб ўтирадилар.

— Ўтган ҳафта чол ўз жонига қасд қилибди, — деди официантлардан бири.

- Нима учун? — ҳовлиқиб сўради иккинчиси.
- Тушқунликка тушибди.
- Нимадан сиқилибди?
- Ҳеч нарсадан.
- Буни сен қаёқдан биласан?
- Унинг пули ошиб-тошиб ётибди.

Иккала официант эшик ёнгинасидаги деворга тираб қўйилган стол атрофида ўтиради ва биргина қария ўтирган,

Инглиз тилидан
Мафтұна Ахмедова
таржимасы

Эрнест Хемингүэй (1899–1961) – машхур Америка адаби, Нобель мукофоти совриндори. Унинг «Озода ва ёргуф томонда» («A Clean, Well-Lighted Place») ҳикояси биринчи марта 1926 йили чоп этилган. 1933 йили бу ҳикоя «Голибга ҳеч нима тегмайди» («Winner Take Nothing») тўпламига киритилган.

шохлари шамолда оҳиста чайқалаётган дараҳт панасидаги столдан бошқа барι столлар бўш айвонга қараб турардилар. Аскар йигит бир қиз билан кўчадан ўтди. Аскар ёқасидаги мис рақами чироқ нурида ярқираб кетди. Бошяланг қиз ҳамроҳидан ортда қолмаслик учун тез-тез юриб борарди.

- Соқчи уни тутиб, олиб кетади, — деди ҳалиги официант.
- Уни тутиб нима ҳам қиласарди, ёшини яшаб бўлган бўлса...
- Ҳозир кўчага чиқса, яхши бўларди-да. Беш дақиқа илгари ўтиб кетган соқчилар уни тутиб оларди.

Қария сояда ўтириб, қадаҳ билан ликопчани тақиллатди. Официантлардан ёшроги унинг ёнига борди.

- Нима буюрасиз?
- Яна бренди берсангиз, — деди қария унга тикилиб.
- Маст бўлиб қоласиз, — деди официант.

Чол унга норози қиёфада қаради. Официант нари кетди.

— Туни билан шу ерда ўтиради энди, — деди у аччиқлашиб ҳамкасбига. — Уйку босяпти. Сира соат учдан олдин ўй-қуга ётмас эканман-да. Анув ҳафта ўзини-ўзи ўлдирганида яхши бўларди-да.

Официант бардан бир шиша бренди ва тоза ликопча олиб, қария ўтирган стол томон йўналди. У ликопчани қўйди ва қадаҳни тўлдириб бренди қўйди.

— Ўтган ҳафта ўзингизни ўлдирганингизда нима қиласди-я, — деди официант пичинг қилиб қулоғи оғир қарияга. Чол қўлинин силкиди.

- Яна қўйинг, — деб ишора қилди.

Официант яна қўйди, бренди қадаҳ чеккаларидан тошиб, тагидаги ликопчани ҳам тўлдириди.

- Миннатдорман, — деди қария.

Официант қўлидаги шишани олиб бориб жойига қўйди. Кейин яна шериги ёнига қайтди.

- Кайфи ошиб бўлди, — деди у.
- У ҳар кеча шунаقا маст бўлади.
- У нима учун ўзини ўзи ўлдирмоқчи бўлибди?
- Мен қаёқдан билай?

Отигин кўприк

- Қандай ўлдирмоқчи бўлибди?
- Ўзини арқон билан осибди.
- Уни ким қутқариб қолибди?
- Жияни.
- Нега шундай қилибди-я?
- Жони қийналмасин деб қўрқсан.
- Чолнинг қанча пули бор экан-а?
- Анча.
- Менимча, унинг ёши саксонлардадир.
- Ҳа, саксондан кам эмас.
- Чол уйига кетса, қанийди. Сира учдан олдин ухламадим-ухламадим-да. Шуям иш бўлди-ю.
- Чолга шундай ўтириш ёқади, мана, ўтирибди.
- Бир ўзи зерикади-да. Мен эса ёлгиз эмасман, хотиним тўшак солиб кутиб ўтирибди.
- Униям қачонлардир хотини бўлган.
- Энди хотин унга нимага ҳам керак?!
- Бундай дема. Балки хотини бўлса, яхши бўлармиди.
- Жияни унга қараб юрибди. Биламан. Ахир, ўзинг айтдинг-ку, жияни арқонни ечиб, уни қутқариб олган, деб. Мен шунаقا қарышни истамасдим. Ана шу қариялар кишининг жонига тегади.
- Ҳаммаси ҳам бундай эмас. Қара, унинг озода, сариштагигини. Қара, ичганида бир томчисини ҳам тўқмай ичди, ҳатто ҳозир маст бўлганида ҳам. Кўряпсанми?
- Бўлди, унга қарагим йўқ. Тезроқ уйга кетсам эди. Ким ишлайди, чолнинг бу билан иши йўқ.
- Қария кўзларини қадаҳдан олиб, бошқа томонга, сўнг официантларга қаради.
- Яна брендидан бўлсин, — деди у қадаҳига имо қилиб. Уйига шошаётган официант чолнинг олдига келди.
- Тамом, — деди у; одатда унча ақлли бўлмаган кишилар пиянисталар ёки ажнабийлар билан шундай оҳангда гаплашади. — Бугунга етади. Қаҳвахонани ёпамиз.

- Яна битта бўлсин, — деди чол.
- Йўқ, тугади.

Официант сочиқ билан стол чеккаларини арта-арта бoshини чайқади.

Қария ўрнидан турди, шошилмасдан ликопчаларни санди, киссасидан чарм ҳамён чиқарди ва бренди учун ҳақ тўлади, чойчақа ташлашни ҳам унутмади.

Официант унинг изидан қараб қолди. У жуда кексайиб қолган, кўчада чайқала-чайқала, аммо ўзига муносиб виқор билан кетмоқда эди.

— Нега унинг бемалол ўтириб ичишига қўймадинг? — деб сўради уйига шошмаётган официант. Улар панжараларни ёпа бошлидилар. — Ахир, соат ҳали икки ярим ҳам бўлмади-ку.

- Уйга бориб, тезроқ ухламоқчиман.

— Бир соат олдин кетдингми, кейин кетдингми, нима фарқи бор?

- Менга ундан кўра ўша бир соат ҳам катта гап.

- Ҳамма учун шу соат — соат-да.

— Худди чолларга ўхшаб гапирасан-а. Ана, бир шиша бренди сотиб олсин-да, уйига бориб ичсин.

- Бу умуман бошқа гап.

— Ҳа, бу тўғри, — унинг гапига қўшилди оиласи официант. У ноҳақлик қилишни истамасди, шунчаки уйига шошмоқда эди.

— Ўзинг-чи, уйга одатдагидан эртароқ боришга қўрқасанми?

- Нима, мени майна қилмоқчимисан?

- Кўйсанг-чи, шунчаки ҳазиллашдим-да.

— Йўқ, — деди уйига ошиқаётгани. У пастдаги панжарани қулфлаб келди-да, қаддини ростлади. — Ҳамма гап ишончда, тўла ишончда.

— Ёшсан, сенда ўзингга ишонч ҳам, ишинг ҳам бор, — деди ёши каттароқ официант. — Одамга яна нима керак?!

- Сенга-чи, нима етмайди?

- Менинг фақат ишим бор, холос.

- Мендаги нарсалар сенда ҳам бор.

Оттин кўприк

- Йўқ. Менда ўзимга ҳеч қанақа ишонч йўқ эди, ёшлигим эса ўтиб бўлди.
- Ке, валақлашни бас қилайлик-да, қаҳвахонани қулфлайлик.
- Мен қаҳвахонада узоқ ўтиришни яхши кўраман, — деди ёши каттароқ официант. — Мен уйига шошмайдиганлар тоифасига кираман. Яна тунлари бедор бўлиб, ёруғликка муҳтој одамлар тоифасига ҳам.
- Мен уйга кетдим, ётиб ухлагим келяпти.
- Иккимиз умуман бошқа-бошқа одамлармиз, — деди ёши каттароқ официант. Шериги кийиниб, кетишга шай турарди.
- Гап асло фақат ёшликда ва ишончда эмас. Умуман, униси ҳам, буниси ҳам ажойиб. Мен ҳар оқшом кимгадир бу ер жуда керак бўлиб қолар, деб қаҳвахонани ёлгим келмай турман.
- Қўйсанг-чи, қовоқҳоналар тун бўйи ишлаб туради-ку.
- Сен ҳеч вақони тушунмайсан. Бу ер тоза, шинам, саранжом-саришта. Жуда чароғон. Ёруғлик, бу — катта гап, яна дараҳт баргларининг ўйноқи кўланкаси тушиб туришини айтмайсанми. Мусиқа бу ерда ортиқчалик қиласи. Албатта, мусиқанинг кераги йўқ. Бар пештахтаси олдида ўзингга муносиб обрў билан савлат тўкиб тура олмайсан, бунақа вақтда борадиган жойинг ҳам бўлмайди. Ахир, у нимага ҳам қўрқсин? Ҳа, шундай, гап қўрқувда ҳам эмас, ҳадикда ҳам! Ҳеч нима — бу унга жуда-жуда таниш. Бари — ҳеч нима, ҳа, шундай, инсоннинг ўзи ҳеч нима. Мана, гап нимада экан, шундай ёруғлик, нурдан бошқа ҳеч нима, ҳа, яна озодалик ва саранжомликдан бошқа ҳеч нарсанинг кераги бўлмай қиласи. Бальзилар яшайверадилар, яшайверадилар ва бу нарсани ҳеч қачон ҳис қилмайдилар. У эса, буни билади, буларнинг бари *nada* у *pues* у *nada* у *pues* *nada*¹ эканини билади. Сигинган, табаррук этганинг ҳеч нима, ҳа, шундай, ҳали сенинг ҳеч ниманг етиб келади, яшасин, сенинг

¹ Ҳеч нима ва фақат ҳеч нима, ҳеч нима ва фақат ҳеч нима (*испанча*).

ҳеч ниманг, ҳеч нимага айланган ҳеч ниманг. Nada у pues у nada.

У истеҳзоли илжайди ва ялтироқ қаҳва титани турган бар қаршисида тўхтади.

— Сизга нима берай? — сўради бармен.

— Nada.

— Otro loco más¹, — бармен шундай деб тескари бурилди.

— Кичкина финжонда, — деди официант.

Бармен унга қаҳва қўйди.

— Бу ер жуда ёруғ, файзли, аммо пештахтангиз тўзиб ётибди, — деди официант.

Бармен унга қараб қўйди, лекин индамади. Вақт аллама-ҳал бўлиб қолган, гаплашиб ўтиришнинг мавриди эмасди.

— Яна қаҳва ичасизми? — сўради бармен.

— Йўқ, ташаккур, — деди официант ва қаҳвахонадан чиқди.

У барлар ва майхоналарни жини сўймайди. Тоза, чароғон қаҳвахона — бу мутглақо бошқа гап. Энди у ҳеч нима ҳақида ортиқ ўйламай, уйига, ўз хонасига боради. Тўшакка чўзилади ва ниҳоят, тонгта яқин уйқуга кетади. «Эҳтимол, — деди у ўзига-ўзи, бу — шунчаки уйқусизликдир. Кўпларда шундай бўлади».

¹ Яна битта жинни (*испанча*).

ВАСИЛИЙ ШУКШИН

ҚИШЛОҚ ОДАМЛАРИ

«Нима бўпти, ойи? Қариб қолдим, деманг – келаверинг. Москвани бир томоша қиласиз, йўл харажатини ўйламанг, ўзим пул жўнатаман. Фақат самолётда келинг – арzonроқ тушади. Тезроқ телеграмма жўнатинг, қачон кутиб олишимни билай-да. Муҳими, кўрқманг».

Маланъя буви хатни ўқиб, лабини чўччайтирганча ўйга толди.

– Павел меҳмонга чақирипти, — кампир шундай деб, кўзойнаги устидан неварасига қаради.

(Шурка Маланъя бувининг невараси, қизининг ўғли. Қизининг турмушки бўлмади — учинчи марта эрга тегди. Кампир қизини кўндириб, неварасини ўзи билан олиб қолди. Маланъя буви неварасини яхши қўтарди, аммо унга қаттиққўл эди.)

Шурка столда дарс тайёрлаб ўтиради. У бувисининг гапларига елка қисиб, «Чақирган бўлса, бора қолинг», деди.

– Сенинг таътилинг қачон бошланади, ўзи? — жиддий тортиб сўради бувиси.

Шурканинг қулоги динг бўлди.

– Қайсиси? Қишиксими?

– Яна қайсиси бор, ё ёзгисими? — деди буви.

– Биринчи январдан, нима эди?

Кампир лабларини буриб, ўйланиб қолди.

Шурканинг эса юраги ҳаприқиб кетди.

Рус тилидан
Дилдора Қодирова
таржимаси

Василий Макарович Шукшин (1929–1974) – машҳур рус режиссёри бўлиши билан бирга, атоқди ёзувчи ҳам. «Қишилоқ одамлари» («Сельские жители») ҳикояси 1963 йили «Молодая гвардия» нашриётида шу номдаги тўпламда нашр этилган.

— Нима эди? — яна сўради Шурка.

— Ҳеч нима, дарсингни қил. — Кампир хатни чўнтағига солиб, кийинди-да, уйидан чиқди.

Шурка дераза ёнига югуриб келди — бувим қаёққа кетаётган экан, деб қаради.

Дарвоза олдида Маланъя буви қўшнисини кўриб қолди-ю, овозини баланд қўйиб, гапира кетди:

— Павел Москвага меҳмонга чақиряпти. Нима қилишга ҳайронман. Ақлим етмаяпти. «Келинг, ойи, сизни жуда соғиндим», дейди.

Қўшни аёл нимадир деди, унинг сўзлари Шуркага эшилтмади, кампир эса яна баланд овозда гапираради:

— Неварапаримни бирор марта ҳам кўрмаганман, фақат расмларини кўрганман. Аммо боришга кўрқяпман-да.

Улар олдига яна икки аёл келди, яна бири қўшилди, кейин яна... Бирпасда Маланъя бувининг атрофида анча одам тўпланди, давра кенгайди. Буви ҳар бир аёл келганида барини яна бошидан гапира бошлар эди.

— Павел мени уйига, Москвага чақиряпти. Тўгриси, нима қилишни билмаяпман...

Даврадагилар ёппасига боришни маслаҳат беришмоқда эди. Шурка қўлини чўнтағига солганча, уйнинг у бошидан-бу бошига юра бошлади. Унинг юзи ҳам бувисиникидай ўйчан ва ҳаяжонли эди. Ахир, Шурка бувисига жуда ўҳшайди-да, ёноқлари туртиб чиққан, озгин, кўзлари кичик-кичик, доно. Аммо феъл-атворлари сира ўҳшамайди. Буви — сергайрат, чайир, танти, кейин жуда қизиқувчан. Шурканинг ҳам қизиқувчанлиги бор. Лекин Шурка кишининг кулгисини қистатадиган даражада тегманозик, сал нарсага хафа бўлади.

Улар кечқурун Москвага жўнатиш учун телеграмма ёздилар. Шурка ёзар, кампир эса айтиб турарди.

— Азиз ўғлим Паша, ҳамон менинг боришимни жуда исстаётган бўлсанг, мен, албатта қариб қолтан бўлсам ҳам, боришим мумкин...

— Яшаворинг-э! — деди Шурка. — Қотирдингиз-ку, ким телеграммани шундай ёзади?

— Қанақа ёzádi бўлмасам?

Олтин кўприк

— Борамиз. Нуқта. Ёки: Янги йилдан сўнг борамиз. Имзо: онанг. Бўлди.

Кампирнинг кўнгли оғриди.

— Шурка, ўзинг олтинчи синфда ўқийсан-у, калланг йўқ. Озигина ақлингни ҳам ишлат!

Энди Шурка хафа бўлди.

— Бўпти, — деди у. — Шу ёзишда неча пуллик ёзамиз? Эски пулда йигирма сўмга тўғри келяпти.

Кампир лабини чўччайтирганча, ўйланиб қолди.

— Унда бундай ёз: ўғлим, мен бу ерда бальзи одамлар билан маслаҳатлашиб...

Шурка ручкани қўйиб қўйди.

— Мен бундай қилолмайман. Сизнинг бирорлар билан маслаҳатлашганингизнинг кимга қизиги бор? Почтада бизнинг устимиздан кулишмасин тагин.

— Сен айтганимдай ёз! — деб буюрди буви. — Нима, мен ўғлим учун йигирма сўмни аяйманми?

Шурка ручкани қўлига олди-да, афтини буришириб, қоғозга энгашди.

— Азиз ўғлим Паша, мен бу ерда қўшнилар билан маслаҳатлашдим: улар боришни маслаҳат беришди. Албатта, қарилигим учунми, озигина хавотирдаман...

— Почтада барибир ўзгартиришади, — қўшиб қўйди Шурка.

— Қани ўзгартириб қўришсин-чи!

— Сиз қандай ўзгартиришганини билмай ҳам қоласиз.

— Давомини ёз: мен, албатта, сал қўрқяпман, лекин... майли. Янги йилдан сўнг борармиз. Нуқта. Шурка билан. У каттакатта йигит бўлиб қолди. Мўмингина, гапга кирадиган бола бўлди.

Шурка бу сўзларни — катта бўлиб қолгани ва гапга кулоқ солиши тўғрисидаги гапларни тушириб қолдириди.

— Мен у билан қўрқмайман-да, ҳозирча хайр, ўғлим. Мен ўзим сизларни росаям...

Шурка «жуда», деб ёзди.

— ...согиндим. Жуда бўлмаса, болаларингни қўрарман. Нуқта. Онанг.

— Санаймиз, — пичинг қилиб деди Шурка, — бир, икки, уч, — деб қоғоздаги сўзларни перо уни билан санай бошлади.

Бувиси унинг елкаси узра қараб туар эди.

— Эллик саккиз, эллик тўққиз, олтмиш! Олтмишни ўттизга кўпайтирамиз — бир минг саккиз юз! Шундайми? Юзга бўла-миз — ўн саккиз бўлади... Йигрма қанчадир сўм! — тантана билан эълон қилди Шурка.

Буви телеграммани олиб, чўнтағига солиб қўйди.

— Ўзим почтага бораман. Сен билимдон, кўп санаб берасан ҳали.

— Бораверинг. Худди шундай чиқади. Балки тийинга адаш-гандирман.

Соат ўн бирларда уларникига кўшнилари Егор Лизунов — мактаб хўжалик ишлари муовини келди.

Буви унинг уйидагиларига бориб, Егор ишдан келганидан сўнг, бизникига кирсин, деб илтимос қилган эди. Егор, ахир, ҳаётида кўп саёҳат қилган, самолётда ҳам кўп учган.

Егор калта пўстини, қалпогини ечиб, дағал қўллари билан оқариб қолган, терлаб кетган соchlарини силади-да, стол ёнига ўтирди. Хонани пичан ва от абзалининг ҳиди тутди.

— Демак, самолётда учмоқчисиз?

Кампир ертёлага тушиб, чорак чеълак медовуха¹ олиб чиқди.

— Самолётда кетмоқчимиз, Егор. Қандай бўлади бу учиш дегани, бир бошдан гапир қани.

— Гапирадиган нарсанинг ўзи йўқ. — Егор очкўзлик билан эмас, қандайдир хотиржамлик билан кампирнинг пиво қу-йишига қараб туар эди. — Шаҳаргача борасиз, у ердан «Бийск

— Томск»ка ўтирасиз, Новосибирскка борасиз-да, у ердан ҳаво йўллари кассасини сўрайсиз. Тўгри аэропортга борса ҳам бўлади.

— Тўхта! Ҳадеб бўлади, бўлади дейсан. Сен аввал қай бири бўлиш-бўлмаслигини айт. Секинроқ гапир, ҳаммасини арапаштириб юбординг-ку. — Кампир Егорнинг стаканига пиво куяркан, унга жиддий қаради.

Егор стаканга бармоқларини теккизиб, уни силаб қўйди.

— Шу десангиз, Новосибирскка борасиз-да, дарров аэропортга қандай боришни сўрайсиз. Эслаб қол, Шурка.

¹ М е д о в у х а — асал қўшилган қўлбола ичимлик.

Оттин кўприк

- Ёзib ол, Шурка, — буюрди бувиси.
- Шурка дафтаридан тоза варақни йиртиб олди-да, ёза бошлади.
- Толмачевогача борасиз, у ердан қаерда Москвага билет сотилишини сўрайсиз. Билетларни оласиз-да, Ту –104га ўтирасиз ва орадан беш соат ўтгач, ватанимиз пойтахти Москвада бўласиз, вассалом.
- Кампир бошини кичкина муштумига тираганча, Егорнинг сўзларини тингламоқда эди. Егор қанча кўп гапирса, Москвага бориш шунча осон тулолар, кампирнинг эса юзи тобора тундлашиб борар эди.
- Тўгри, аввал Свердловскка қўнасизлар...
- Нима учун?
- Шундай қилинади. Буни биздан сўраб ўтиришмайди. — Уёққа тушириб ташлашади, бўлди. — Егор энди ичсан бўлар, деб ўйлади. — Бўпти, бўлмаса, сафарингиз бехатар бўлсин.
- Тўхта. Свердловскда қўнайлик, деб ўзимиз сўраймизми ёки ҳаммани ўзлари қўндирадими?
- Егор пивони ичиб лабини бурди-да, мўйловини силади.
- Ҳаммани... Пивонг яхши-да, Маланъя Васильевна. Сен уни қандай тайёрлайсан-а? Менинг хотинимгаям ўргатсанг бўларди...
- Буви унга яна бир стакан пиво қўиди.
- Зиқналик қилмасангиз, пивонгиз ҳам яхши чиқади.
- Нима? — тушунмади Егор.
- Шакарни кўпроқ солинглар. Ҳам арzon, ҳам қуюқ бўлсин дейсизлар-да. Ачитқига шакарни кўпроқ солсангтина пиво бўлади-да. Тамакида ачитиш уят, ахир.
- Ҳа, — деди ўйланиб Егор. Кейин стаканни кўтарди-да, кампир ва Шуркага қараб ичиб юборди.
- Ҳа-а, — деди у яна бир марта. — Шундайликка шундай, албатта. Аммо Новосибирскка етганларингда эҳтиёт бўлинглар.
- Нега?
- Шундай, ўзи... Ахир ҳамма нарса бўлиши мумкин-да. — Егор тамакисини олиб чекди, мўйлови остидан оппоқ тутун ўрлади. — Энг муҳими, Толмачевога етиб келганингизда, кас-

саларни адаштириб юрманг. Бўлмаса Владивостокка олиб кетишлари ҳам мумкин.

Буви хавотирга тушди ва Егорга учинчи стаканни қўйди.

Егор бирдан пивони ичиб юборди ва энди кенг фикрлай бошлади.

— Шунақаси ҳам бўлиб туради, одам шарқий кассага келиб: «Менга билет беринг», дейди. Билет қаергалигини айтмайди ҳам. Қарабсизки, бутунлай бошқа томонга учиб кетади. Шунинг учун эҳтиёт бўлинг.

Кампир Егорга тўртинчи стаканни қўйди. Егор энди бутунлай бўшашибди. У энди завққа тўлиб-тошиб гапирди:

— Самолётда учиш учун асаб ва яна асаб керак! Мана, самолёт ердан кўтариляпти, шунда сенга дарҳол конфет тутказишади.

— Конфет?

— Бўлмасам-чи. Кўрқувни унутиб, ҳеч нарсага эътибор бермаслик учун-да... Аслида, бу энг хавфли вазият ҳисобланади. Масалан, яна «Белбогларни боғланглар», дейилади. «Нега?» «Шундай бўлиши керак». Ҳе... қоидаси шунақа. Бунинг ўрнига дангалини айтмайдими: бурилиб кетишимииз мумкин, деб. Йўқ, улар айтганидай бўлиши керак.

— Тавба, тавба! — деди кампир. — Унда нима учун учиш керак, шундай бўлса...

— Энди, бўридан кўрқсанг, ўрмонга кирма, деган гап бор. — Егор пиво идишига қаради. — Умуман олганда, реактив самолётлар, албатта, ишончлироқ. Пропеллерли самолёт хоҳлаган вақтда бузилиши мумкин, кейин марҳамат... Кейин ана шу моторлар кўпинча ёниб кетади. Мен бир марта Владивостокдан учган эдим. — Егор курсига қулайроқ ўрнашиб олдида, яна чекди ва тагин чоракталик идишга қараб қўйди; кампир ўрнидан қўзғалмади.

— Учиб кетяпмиз денг, бир вақт ойнадан қарасам, ёняпти...

— Худо сақласин, худо! — деди буви.

Шурканинг оғзи очилиб қолди — диққат билан тинглади.

— Ҳа. Шунда мен аниқ бақириб юбордим. Учувчи югуриб келди... Хуллас, мени сўкиб берди. Нега ваҳима қиляпсан, деди. Анув томонда ёняпти, жим ўтираверсанг-чи... Буни авиация деб қўйибди, қоидалари шунақа.

Шуркага бу гап ҳақиқатдан йироқ бўлиб қўринди. Ахир, учувчи самолёт ёнгинини кўриб туриб, тезлик билан ўчириш ёки мажбуран ерга қўниш ўрнига Егорни уришиб бергани фалати.

— Мен бир нарсага тушунмайман, — гапида давом этди Егор Шуркага қараб, — нега йўловчиларга парашют бериш масикин-а?

Шурка елкасини қисди. У йўловчиларга парашют берилмаслигини билмас эди. Агар шундай бўлса, бу жуда фалати, албатта.

Егор папиросини гул тувагига эзди ва ўрнидан туриб пиводан қўйди.

— Пивомисан-пиво бўпти-да, Маланъя!
— Кўй, кўп ичма — кайфинг ошиб қолади.
— Пиво, шундай... — Егор бошини чайқаб, ичиб юборди. — Хў! Аммо реактив самолётлар ҳам хавфли ҳисобланади. Борди-ю, реактив самолёт бузилса, тўғри болтадай пастга учади. Бунақада бир йўла... суюгинг ҳам қолмайди. Одамдан уч юз граммгина қолади. Этнидаги кийими билан бирга.

Егор қовоғини үйди ва пиво идишига тикилди. Кампир идишни олди-да, даҳлизга чиқди. Егор бир оз ўтириди-да, турди. У хиёл чайқалди.

— Умуман олганда, қўрқманг! — Баланд овозда деди у. — Фақат кабинадан нарироқда — самолётнинг думига ўтириб учаверинг. Бўлмаса, мен бора қолай...

У оғир-оғир қадамлар билан эшик олдига келди-да, калта пўстини ва қалпогини кийди.

— Павел Сергеевичга салом айтинглар. Пивонг зўр-да, Маланъя!

Егорнинг тез кайфи ошиб қолганидан кампир норози эди — тайнинли гаплашиб ҳам олишмади.

— Ичкиликни кўтаролмайдиган бўлиб қолибсан, Егор.
— Чарчадим-да. — Егор пўстинининг ёқасига илашган чўпни олиб ташлади. — Катталарга пичанни ёзда олиб кетайлиқ, деб айтдим, ахир. Бўлмади. Мана энди, бу бўрондан кейин йўллардан ўтиб бўлмай қолди. Бугун кун бўйи итдай ишладик, зўрга яқиндаги пичан гарамига ўтдик. Яна бунинг устига, манави пиво... — Егор бошини чайқаб кулди. — Майли, кетдим. Ҳеч

нарса қилмайди, қўрқмасдан учаверинглар. Фақат кабинадан узокроқда ўтиринглар, бўптими? Кўришгунча.

— Хайр, — деди Шурка.

Егор чиқиб кетди; унинг баланд пиллапоядан қандай эҳтиёткорлик билан тушаётгани эшишилди, у ҳовлидан ўтиб, эшикни ёпди ва кўчада паст овозда ашула айтиб кетди:

Раскинулось море широко¹...

Кейин унинг овози эшишилмай қолди.

Буви ўйчан, ғамгин қиёфада қоронги деразага қаради. Шурка Егордан эшигларини ёзиб олган ва шуларни ўқимоқда эди.

— Кўрқинчли, Шурка, — деди буви.

— Ахир, одамлар учишяпти-ку...

— Кел, яххиси, поездда кета қолайлик.

— Поездда-я, ахир, бутун таътилим йўлга кетади-ку.

— Тавба, тавба! — хўрсинди кампир. — Ке, Павелга хат ёзамиз. Телеграммани эса бекор қиласиз.

Шурка дафтаридан яна бир варагни ўиртиб олди.

— Демак, учмаймиз, шундайми?

— Қаёққа учамиз — кўрқинчли экан-ку! Кейин биздан учюз грамм...

Шурка ўйланиб қолди.

— Ёз: азиз ўғлим Паша, мен бу ерда биладиган одамлар билан маслаҳатлашдим.

Шурка қоғозга энгашиб олди.

— Улар бизга самолётда учиш қанақа бўлишини гапириб беришди... Кейин биз Шурка билан шундай қарорга келдик: ёзда поездда борамиз. Ҳозир ҳам борсак бўлар эди-ю, лекин Шурканинг таътили тугаб қолар экан.

Шурка бир-икки сония иккиланиб турди-да, ёзишда давом этди:

«Паша тоға, буёгини энди ўзим ёзяпман. Бувимни Егор Лизунов қўрқитди, агар эсингизда бўлса, мактабда хўжалик ишлари ўринбосари, гапини ҳужжат қилиб туриб олди: бир пайт самолёт деразасидан қараса, мотор ёнаётганмиш. Агар

¹ «Раскинулось море широко...» — Денгиз ясланиб ётар... (*Кўшиқдан*.)

Оттин кўприк

шундай бўлганда, учувчи оловни тезлик билан ўчирар эди. Ахир, одатда шундай қилишади-ку. Тахминимча, у чиқариш клапанидаги оловни кўриб, кўрқиб кетган. Илтимос, сиз бувижонимга бунинг кўрқинчли эмаслигини ёзib юборинг. Лекин буни сизга мен ёзганимни айтманг. Унақада ёзда ҳам бормай қоламиз. Бу ерда экин-тикин, чўчқа-мўчқа, товуқ, ўрдак деганларидаи, шуларни ташлаб ҳеч қаёққа бормайдилар. Биз, ахир, барибир қишлоқ одамларимиз. Мен Москвани жудаям кўргим келяпти. Биз мактабда география ва тарих фанидан Москвани ўтияпмиз, китобда бошқа, кўрган бошқа, буни ўзингиз ҳам тушунасиз. Яна, Егор амакининг айтишича, йўловчиларга парашют берилмас экан. Буниси энди кўрқитиш бўлди. Лекин бувижоним бунга ишондилар. Паша тога, илтимос, тушиуниринг, уларни озгина уялтириш. Улар сизни жуда яхши кўрадилар. Шунинг учун сиз айтингки: бу қанақаси, ойи, ўглингиз ўзи учувчи бўлса. Совет Иттифоқи Қаҳрамони, кўп мукофотлар олган бўлса, сиз бўлсангиз, оддий фуқаролар учадиган самолётда учишга қўрқсангиз. Биз товуш тўсиқларини енгган даврда-я. Шундай деб ёзинг, шунда бувим бир зумда учишга кўнадилар. Сиз билан жуда фаҳрланадилар. Албатта, сиз шунга муносибсиз. Мен шахсан ўзим сиз билан фаҳрланаман. Аммо мен Москвани ўз кўзим билан кўришни жуда-жуда истайман. Майли, хайр. Салом билан Александр».

Буви айтиб турар эди:

— Ўёққа кузда борамиз. Кейин қўзиқоринлар ҳам чиқади, тузлама қилиб олса бўлади, чаканда мураббосини пиширамиз. Ахир, Москвада ҳамма нарса сотиб олинади-да. Унинг устига, улар менчалик тайёрлай олмайдилар. Шунаقا, ўғлим. Хотинингга ва болаларингга мендан ва Шуркадан салом айт. Хайр, бўлмаса. Ёздингми?

— Ёздим.

Буви варақни олиб конвертга солди ва ўзи манзилни ёзди:
«Москва, Ленин проспекти, 78-ий, 156-хонадон.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Любавин Павел Игнатьевичга.
Унинг Сибирдаги онасидан».

Хатжилд устига манзилни доим бувисининг ўзи ёзар эди: шунда ишончлироқ бўлади.

-
- Ана шундай. Сиқилма, Шурка. Ёзда борамиз.
 - Сиқилмаяпман. Барибир боришга тайёрланаверинг. Бир кун келиб, утгингиз келиб қолади.

Буви невараисига қаради-ю, ҳеч нарса демади.

Шурка кечаси бувисининг пеъчида ағанаб, аста хўрсин-ганча бир нарсаларни шивирлаётганини эшитди.

Шурка ҳам ухламади. У хаёл сурмоқда эди. Яқин келажак-да ҳаётида кўп кутилмаган ишлар бўлиши мумкин. Одам бу ҳақда орзу қилмаган ҳам бўлади.

- Шурка! — чақирди бувиси.
 - Ҳа?
 - Павелни ҳойнаҳой Кремлга киргизиши керак?
 - Балки. Нима эди?
 - Ҳеч бўлмаса бир марта у ерга борсам эди.
 - Ҳозир у ерга ҳаммани киргизишиади.
- Буви пича вақт индамай қолди.
- Ҳаммага рухсат беришади? — ишонқирамай деди кам-пир.

— Буни бизга Николай Васильевич айтган.

Яна бир дақиқача жимиб қолишиди.

— Сиз ҳам, бувижон, баъзи пайтлар зўр бўлиб кетасиз-у, ҳозир бўлса, арзимаган нарсага қўрқиб кетдингиз, — деди Шурка. — Нимадан шунчалик қўрқиб кетдингиз?

— Ухласанг-чи, билагон, — буйруқ қилди буви. — Ботир-ни қаранглар-у. Ўзинг иштонингни ҳўллаб қўярсан.

— Гаров ўйнаймизми? Қўрқмайман!

— Ухла, ухла. Бўлмасам эртага сени яна турғазиб бўлмайди, мактабга борасан-а.

Шурка жим бўлди.

САМИРА АСЛОНПУР

ҚУЁШ ВА НИҲОЛ ҲАҚИДА АФСОНА

«Тонг отди. Куёшни кутаётган ниҳол баргларини ёйиб шарқقا термулди. Тоғлар орасида қуёш пайдо бўлди, унинг кўз қамаштирувчи нурлари атрофни янада ёритиб юборди. Интизор кутган қуёши осмонни эгаллаган чоғда ниҳол суюнганидан чунонам ҳаракатга келдики, бамисли шамол уни ҳар тарафга силкитайтгандек эди. Севинчдан танаси шундай таранглашники, гўё шу лаҳзада пўстлоги ёрилаёзди».

Ёзувчи ўз-ўзидан ҳаракатга келган ниҳолнинг ҳолатини ёзишдан тўхтади. Стол ёнидаги пардани дераза четига тортиди ва хаёлга чўмди. Ёзувчи ниҳолнинг ҳис-ҳаяжонини тери-сининг ҳолатию қувончдан жунбишга келган ҳаракатидан англаб етди. Унинг шодлигини ўзида туйди. Аммо дарахтнинг туйгуларини бу тарзда ифодалаш ёзувчини қониқтирамади, бу унга чиройли кўринмади. Шу пайт ниҳолнинг ҳаракатини кўз ўнгига келтирди. Ниҳол севинчдан шу қадар таранглашники, пўстлоги аста-аста, майда-майда бўлиб ёрилиб, танаси кўринди. Назарида бу ҳолатни қофозда акс эттириш кўлидан келмаётгандек эди.

Кўчада ҳеч ким йўқ. Сукунатни фақат автомобилларнинг овози бузар, бу шовқин уйқу оғушида ширин туш кўраётган кишиларни безовта қилаётгандек эди. Йўл чеккасида тўхтаб турган бирорта автомобиль йўқ эди. Ёзувчи пардани кўйиб юборди.

**Форс тилидан
Иқбол Бахт
таржимаси**

Самира Аслонпур (асл исми Сакина, 1965 йили туғилган) – таниқли Эрон адебаси. Унинг «Қуёш ва ниҳол ҳақида афсона» (دیشرو خو لاهه مهناسف) ҳикояси 2009 йили шу номдаги ҳикоялар тўпламида эълон қилинган.

«Күёш чиққанди. Кўм-кўк осмондаги сариқлик кўзни қамаштирап даражада тенгсиз эди». «Сариқ ва мовий», деди у ўзига ўзи. Ёзувчи қогоз чеккасига беихтиёр, ҳеч қандай мақсадсиз чизик чизди: «Сариқ ва мовий, бу икки рангнинг аралашувидан яшил пайдо бўлади. Яшил, яшил, яшил?! Қандай ажойиб!» – деди топилдиғидан мамнун ҳолда. Ёзувчи ўз кашфиётидан қўёш нурларидан жунбишга келган ниҳолдек таъсирланди.

Бу қандай катта янгилик! Наҳотки, яшил ниҳол қўёшнинг ишқи ва осмон кўмагида яралса? Бир достон бўлгулик ҳодиса! Кўк ва сариқ аралашиб, яшил ранг пайдо бўлганидек, ниҳол ҳам сариқ қўёш ва мовий осмон уйғунлашувидан яшил бўлади.

Ёзувчи ўзида жуда кучли ҳаяжон ҳис этарди. Энди унга автомобилларнинг овози ҳам халақит бермасди. Кун борган сари исир, бу ҳарорат гўёки ручкасининг сиёҳига таъсир қилиб, осонроқ ҳаракатланишига ёрдам берарди.

«Ниҳол қўёшнинг остида туриб, унинг заррин нурларига беланди, ҳаётбахш зиёдан қатра-қатра ичди. Ниҳол баландга кўтарилишни, қўёшнинг оғушида, ёнида бўлишни хоҳлади. Япроқлари офтоб оташидан қизиб кетди ва шу пайт ўзини қўёшнинг ёнида тургандек ҳис қилди. Ўзича қўёш менга қаряпти, менга ва фақат менга, деб ўйлайди. У тепага кўтарилишни, қўёшга сархушлигини кўрсатишни хоҳларди ва кейин... хоҳламай қолди. Кўлидан келмади. Бу пайтда у қўёшнинг порлоқ нурлари билан шундай юзма-юз турардики, гўё офтоб ўзининг олдига тушгандек. Худди бу ҳолатни бутун тун давомида кутгандек эди».

Ёзувчи деразани тўсиб турган пардага ҳайрат билан қараб қолди, гўё тонг қўёши нурлари пардани ёриб ўтаётганди. Эҳтимол, у стол устидаги чироқча яна бир оз қараб турганида, парданинг орти ҳали тонг етиб келмагандай қоронги кўринармиди?

Ўзидан сўради: «Хоҳламадими ё қўлидан келмадими?.. Журъати етмадими ёки худбинлиги йўл қўймадими? Қайси бири эди?» Пардани сурди. Автомобилларнинг шовқини

уйқудаги чарчаган кишилар, паришон аёллар ёки оч қолған гўдакларни безовта қилаётгандек туюларди. «Хоҳламадими ёки қодир эмасмиди?» – деган савол унга тинчлик бермасди.

Пардага ёргулик тушиб, ундаги шакллар аниқ-тиниқ на-моён бўлди. Тонг етиб келган эди. Бир неча дақиқа олдинги қонини тезлаштираётган ҳароратдан асар ҳам қолмаганди. «Хоҳламадингми ё қўлингдан келмадими? Агар хоҳлаганида ёки қўлидан келганида нимани кўрар эди?»

Тонг етиб келган эди. Пардани четга сурди. Йўл чеккаси ҳаракатсиз эди. Қуёш ҳар доимгидек ерни қиздиради. Ер баъзан мовий, баъзан яшил тусга кираради. Баъзида эса кулранг... Агар унинг бирор нуқтасида тўфон юзага келса... Ер Марс ва Юпитер сайёralари каби шиддат билан ҳаракатла-нарди. Қуёш эса уларнинг барчасини ўзининг улкан орбитасида айлантиради. Ер малларанг эди, кулранг эди, мовий эди, баъзан эса яшил бўларди. У тушундики, қўкламда қуёш таъсирида неъматлар ўсади. Минглаб қудратли дараҳтлар ва ниҳоллар бўй чўзади. Қуёш бу ўсимликларга бераётган сахо-ватидан сархуш эди...

Ёзувчи қоғозга бошини қўйди ва аччиқланиб йиглади. Қуёш пардани ёритди, унинг нақшлари равшанроқ қўринди. Пардадан ўтаётган қуёш нурлари ёзувчининг соchlари орасидан ҳам ўтиб, бош терисига етиб келди. Томирларига иссиқ қон югурди ва қўлини, қалбини... бутун вужудини эгаллади.

У йигларди. Қуёш ҳарорати кўзёшларини иситди. Агар бошини кўтариб, пардани четга сурса эди, қуёш тафти-дан машиналар йўл чеккасида тўхтаб қолганини кўрган бўларди.